Иқтисодий–ҳуқуқий газета

N 22-23 (151-152) • 2008 йил 30 май

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

*Қонун чиқарувчилар нималар устида ишлашмоқда?*

## НАВБАТ – ТЕХНИК РЕГЛАМЕНТЛАРГА

***16 май куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси депутатлар ҳамда «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш бўйича тузилган ишчи гуруҳи аъзолари учун давра суҳбати ўтказди. Тадбирда Вазирлар Маҳкамасининг вакиллари, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг мутахассислари, илмий жамоалар намояндалари иштирок этдилар. Халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги мавжуд норматив-техник ҳужжатлар ҳамда уларнинг ўрнини эгаллаши лозим бўлган умумий ва махсус техник регламентлар ўртасидаги тафовутлар муҳокама этилди.***

Техник жиҳатдан тартибга солишга ўтиш моҳият эътибори билан маҳсулот, ишлар ва хизматлар хавфсизлигини таъминлаш ишларига ёндашувларни, умуман олганда бундай ишларни ташкил этиш тизимини тубдан ўзгартиради. Бу борада ҳали анчагина салмоқли ишларни амалга ошириш лозим. Мутахассислар янги тизимга узил-кесил ўтиш беш-ўн йилга боради деб ҳисобламоқдалар...

– ***Бугунги кунда амал қилиб турган стандартлар нима бўлади? Регламентлар улардан нимаси билан фарқланади?***

– Стандартлар сақланиб қолади, лекин улар тавсия хусусиятига эга бўлади, бу гап истеъмолчиларнинг талаб-эҳтиёжлари ва имкониятларига қараб аҳамияти ўзгариши мумкин бўлган истеъмол хусусиятлари кўрсаткичларига ҳам тегишлидир.

Бугунги кундаги мавжуд стандартлаштириш тизими ишлаб чиқарувчиларнинг талабга қараб тез мослашиш ва маҳсулот турларини кенгайтириш борасидаги ташаббусини бўғиб қўяди. Масалан, давра суҳбати иштирокчиси, «Ўздонмаҳсулотлари» илмий-ишлаб чиқариш маркази раҳбари Дилором Ғафурованинг сўзларига қараганда, тадбиркорлар мамлакатимиз учун янги маҳсулот турлари – круассан, тезпишар лапша ва шу сингари маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ускуна ҳамда технологиялар келтиргач, анча вақтгача бундай маҳсулотларни ишлаб чиқаришга кириша олмадилар. Чунки ўшанда бундай маҳсулотлар учун ҳали техник талаблар ишлаб чиқилмаган эди. Бозор эса бунчалик узоқ муддат кута олмайди, кутмаслиги ҳам керак...

Умумий ва махсус техник регламентларга ўтиш энг аввало ишлаб чиқарувчиларнинг ўзлари учун зарур. Чунки бу нарса уларга аниқ ва ошкора иш олиб бориш имконини беради. Энг муҳими, маҳсулот истеъмолчига зарар келтирмаслиги керак, қолган талабларни эса бозорнинг ўзи белгилайди ва бошқариб боради.

Техник регламентларга ўтишдан кўзланган яна бир муҳим мақсад ҳозирги вақтда ҳар хил ҳужжатларда, шу жумладан давлат ва хўжалик бошқарувининг турли органлари томонидан қабул қилинган ҳужжатларда белгилаб қўйилган, хавфсизликка доир талабларни ягона бир ҳужжатда жамлашдан иборатдир.

Техник регламентлар халқаро амалиётга мувофиқ бир турдаги маҳсулотларга ва уларнинг алоҳида турларига, уларни ишлаб чиқариш жараёнларига, улардан фойдаланиш, уларни сақлаш, ташиш, утилизация қилиш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатишга нисбатан белгиланадиган, риоя этилиши шарт бўлган хавфсизлик талабларини ўзида мужассам этади.

– ***Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ислоҳот маҳсулотлар ва хизматлар таннархи кўтарилиб кетишига олиб келмасмикин?***

– Бўладиган таъсир ва ўзгаришлар фақат таннархни камайтиришга олиб келиши мумкин. Биздаги амал қилиб турган стандартларда маҳсулотни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш хавфсизлигига тааллуқли бўлган мажбурий талаблардан ташқари, мен юқорида айтиб ўтган, бозорнинг ўзи тартибга солиши лозим бўлган шартлар ёки хусусиятлар ҳам қамраб олинган. Биз буни ортиқча деб ҳисоблаймиз. Агар мазкур талаблар мажбурий, яъни техник регламентларга кирадиган талабларга ҳамда ихтиёрий, аниқроғи тадбиркорлар ихтиёрига қараб қолдириладиган талабларга бўлинса, кўпчиликда ўз сарф-харажатларини камайтириш имконияти пайдо бўлади.

– ***Мажбурий талаблар сирасига кирадиган талаблар мураккаблашадими? Хусусан, давра суҳбатида ғалла экинлари таркибидаги оқсил – жаҳон бозорида буғдойнинг баҳосига таъсир этувчи кўрсаткич хусусида гап борди. Бизда оқсилни аниқлаш шу кунга қадар мажбурий ҳисобланмасди. Маҳсулот хавфсизлиги борасида жаҳон амалиётида мавжуд, аммо ҳозирча бизда эътибор берилмай келган бошқа нарсалар ҳам бордир?..***

– Техник регламентлар минимал мажбурий талабларни белгилайди. Чунончи, маҳсулотда бирон бир модданинг маълум миқдорга қадар тўпланганлиги хавфсиз, йўл қўйса бўладиган даражада деб белгиланган бўлса, бу борадаги талабни янада кучайтириш учун асос йўқ. Давлат ҳаёт, соғлиқ, мол-мулк, атроф муҳит хавфсизлиги масалаларинигина назорат қилади. Бунда техник жиҳатдан тартибга солиш давлат иқтисодиётини ривожлантиришнинг даражаси ёки босқичига мувофиқ бўлмоғи керак. Бу эса жуда муҳимдир.

– ***Депутатлар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўпроқ нималар устида иш олиб борадилар?***

– Қонун лойиҳасини сиёсий партиялар фракцияларида муҳокама этиш унда тушуниш осон бўлмаган нормалар ҳам борлигини кўрсатди. Пировард натижада лойиҳа депутатлар ва сертификатлаштириш мутахассисларигагина эмас, балки тадбиркорларга ҳам аниқ ва тушунарли бўлиши керак. Шу сабабли конференция ва давра суҳбатлари ўтказишни давом эттирамиз. Муддао ҳаммасини миридан-сиригача англаб, тушуниб, ўзлаштириб олишдир. Энг муҳими, у халқимизга ҳам тўғри тушуниш имконини берсин.



**Маҳмуд МАҲКАМОВ,**
**Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси** *(Халқ демократик партияси фракциясидан):*

***Юлия ЯШИНА,***
***махсус мухбиримиз.***
***Муаллиф олган сурат.***




## ТАЖРИБА ОРТТИРИШ УЧУН ЧЕХИЯГА БОРИШДИ

### ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИНИ ЎРГАНИШ МАҚСАДИДА ЧЕХИЯ РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛДИ

***Ўзбекистон Республикаси Молия ва Адлия вазирликларининг, Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий уюшмасининг, Аудиторлар палатасининг, Бизнес фанлари ўқитувчилари уюшмасининг вакиллари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) асосланган бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизимини ислоҳ қилиш тажрибасини ўрганиш, бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари ҳамда халқаро аудит стандартлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадида Чехияда танишув йўсинида сафарда бўлдилар.***

Ташриф БМТ Ривожланиш дастурининг «Ўзбекистонда давлат молияси ислоҳоти» лойиҳаси томонидан USAIDнинг бухгалтерия ҳисобини ва бухгалтерларни профессионал сертификатлаш халқаро дастурини (A/CIPA) ривожлантириш лойиҳаси билан биргаликда ташкил этилди.

Чехияда халқаро стандартларга яқинлашиб қолувчи бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари ва халқаро аудит стандартлари қўлланиб келинади. Мазкур мамлакатнинг бу борадаги тажрибасини ўрганиш ҳар иккала мамлакатда МҲХСга ўтиш йўллари ва муаммолари кўп жиҳатдан ўхшаш бўлганлиги сабабли ҳам Ўзбекистон учун фойдалидир. Сафар асносида олинган ахборотлардан мамлакатимизда бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизимини яхшилаш юзасидан тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқишда фойдаланилади.

Делегация Чехия Республикаси Молия вазирлигида, шунингдек мамлакатдаги бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ислоҳ этиш билан шуғулланувчи профессионал ташкилотларда бўлди. Ташриф доирасида Молия вазирлигининг хусусий сектор ва молия институтлари бухгалтерия ҳисоби бўлими, давлат ҳисоби, аудит бўлими, солиқ ва божхона сиёсати бошқармаси ходимлари билан, бухгалтерлар уюшмаси, аудиторлар ва солиқ маслаҳатчилари палаталари вакиллари билан учрашувлар бўлиб ўтди.

Сафар иштирокчилари «PriceWaterhouseCoopers» ва «Ernst&Young» аудиторлик фирмаларининг шуъба компанияларида, Иқтисодиёт университетининг иқтисодиёт факультетида ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молия кафедрасида бўлдилар. Улар Чехия хўжалик юритувчи субъектларининг бухгалтерия ҳисоби тизимини ислоҳ этиш амалиёти билан танишдилар, жамоатчилик асосидаги профессионал ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоби бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашдаги ҳамда профессионал бухгалтерлар ва аудиторларни аттестациялашдаги иштироки тажрибасини ўргандилар.

Бухгалтерия ҳисоби бўйича миллий кенгаш барча манфаатдор тарафларнинг биргаликдаги ишларини ташкил этиш тажрибаси бағоят қизиқарли бўлди. У бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича услубий кенгаш вазифасини бажаради, шунингдек профессионал ташкилотлар, экспертлик ҳамжамиятининг Молия вазирлиги билан мулоқот олиб бориши учун ўзига хос майдон вазифасини ўтайди.

Чехларнинг тажрибасини ўрганиб, бизда ҳам бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича худди шунга ўхшаш мувофиқлаштирувчи услубий кенгаш тузиш мақсадга мувофиқ кўринади. Зотан, бундай кенгаш профессионал ҳамжамият билан давлат органлари ўртасида бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида ўзаро пухта ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни таъминловчи кўприк вазифасини ўтайди.

Делегация солиқ маслаҳати институтининг қарор топиш тажрибаси, олий таълимнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудит мутахассисларини тайёрлаш тизими, йирик аудиторлик компаниялари ишлари билан танишди.

Учрашувлар сафарнинг ҳар бир иштирокчиси учун қизиқарли ва фойдали бўлди. Ўзбекистондан борган мутахассислар чехиялик ҳамкасблар билан янги мулоқотлар ўрнатдилар, бухгалтерия ҳисоби ва аудит назарияси ҳамда амалиётининг муҳим масалалари бўйича улар билан ўзаро фикр алмашдилар.

Танишув сафари мобайнида ўрганилган тажриба бухгалтерия ҳисоби бўйича Ўзбекистоннинг амал қилиб турган миллий стандартларини такомиллаштириш ва янгиларини ишлаб чиқишда, халқаро аудит стандартларини жорий этишда, бухгалтерлар ва аудиторларни профессионал сертификатлаш миллий тизимини ташкил этишда, бухгалтерлар ва аудиторлар малака талабларини такомиллаштиришда, Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий уюшмаси, Ўзбекистон Аудиторлар палатаси, Бизнес фанлари ўқитувчилари уюшмаси ва бошқа профессионал жамоат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришда қўлланилади. Иқтисодиёт университетида бўлиб ўтган учрашувлар ва маслаҳатлашувлар эса Ўзбекистондаги шу соҳа учун мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юртларининг ўқув режаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда анчагина фойда беради деб ўйлаймиз.

***Ўз ахборотимиз.***

УШБУ СОНДА

2-3-бетлар — Ҳайдовчимисиз? Жавобгарлигингизни суғурталанг!
5-бет — Июнь. Солиқ тўловчи тақвими
6-бет — Юрист-эксперт жавоб беради
8-бет — Ҳуқуқий ёрдам

$1 = 1307,50 сўм €1 = 2046,89 £1 = 2570,02 сўм ¥10 = 126,07 сўм

INTER PRESS
INTER-PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
ОБУНА-2008 ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР
Bella Terra • Baby Terra •Jannat Makon•7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир
Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Историй • Клаксон • КоммерсантЪ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно
www.interpress.uz
р44_045
тел./факс: (99897) 119-0000 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13



# ҲАЙДОВЧИ БЎЛМАСЛИГИНГ МУМКИН, БИРОҚ ЖАВОБГАРЛИКНИ СУҒУРТАЛАШИНГ ШАРТ

## «ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЭГАЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИНИ МАЖБУРИЙ

***Суғурта фаолияти билан боғлиқ муносабатларнинг асос бўлувчи жиҳатларини Фуқаролик кодекси ва «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонун тартибга солган. Яқинда қабул қилинган «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонун[1]*** *(бундан кейин – АФЖМС тўғрисидаги қонун)* ***суғурта бўйича меъёрий-ҳуқуқий базани жиддий равишда тўлдирди.***

***Қонун октябрдагина – у расман чоп этилган кундан бошлаб олти ой ўтгач кучга киради, бироқ бугунги кундаёқ унинг энг муҳим хусусиятлари билан танишиш маъқул.***

АФЖМС тўғрисидаги қонунга кўра мажбурий суғуртанинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат: умумийлик, мажбурийлик, жабрланувчиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарар ўрни қопланишининг кафолатланиши. Транспорт воситаларининг эгалари транспорт воситаларидан фойдаланилаётганда бошқа шахсларга ёки бошқаларнинг мол-мулкига зарар етказганлик учун ўз фуқаролик жавобгарликларини суғурталашлари шарт. Мазкур ҳолда суғурталанувчи автотранспорт эгаларининг мулкий манфаатлари мажбурий суғурта қилиш объекти ҳисобланади.

Транспорт воситасига эгалик қилиш ҳуқуқи вужудга келганида (уни мулк қилиб харид қилганда, хўжалик юритуви, тезкор бошқарувга ёки бошқа қонуний асосда олганда) унинг янги эгаси АФЖМС полисини эгалик ҳуқуқи вужудга келган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмай олиши керак. Акс ҳолда у машинадан фойдалана олмайди: эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги суғурталанмаган транспорт воситаларидан фойдаланиш, янги қонун кучга киргач, тақиқланади. Бошқа давлатларда рўйхатдан ўтказилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча фойдаланиладиган транспорт воситаларининг эгалари ҳам республика ҳудудига кираётганда ўз фуқаролик мажбуриятларини, агар уларда мажбурий суғурта қилишнинг Ўзбекистонда амал қиладиган халқаро тизимлари суғурта полиси йўқ бўлса, суғурта қилишлари шарт.

Мажбурий суғурта шартномаси бир йилга тузилади ва тугаши билан мунтазам янгилаб борилади. Суғурта тарифлари, уларнинг энг юқори даражалари, таркиби ва суғурта мукофоти суммасини аниқлаётганда уларнинг суғурталовчилар томонидан қўлланилиши тартибини Вазирлар Маҳкамаси белгилайди. Тарифнинг амал қилиш муддати бир йилдан кам бўлиши мумкин эмас, уни ўзгартириш эса суғурталовчи томонидан тўлаш пайтида амал қилган суғурта тарифлари бўйича тўланган мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиш муддати мобайнида суғурта мукофоти миқдорининг ўзгаришига олиб келмайди.

Суғурта мукофоти суғурта тарифларининг базавий ставкалари ва коэффициентларининг кўпайтмаси сифатида ҳисоблаб чиқарилади. Машина эгасининг ўзгариши, ундан фойдаланиш тақиқланган ёки бундан кейин фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатга келтирилиши муносабати билан мажбурий суғурта шартномасининг амал қилиши муддатидан аввал бекор қилинган тақдирда суғурталанувчига суғурта мукофотининг бир қисми тўланган суғурта товони суммасига ва мажбурий суғурта тўғрисидаги шартноманинг қолган амал қилиш кунларига мутаносиб суммада қайтарилади. Агар суғурта шартномаси бошқа асосларга кўра бекор қилинган бўлса, суғурталовчи суғурта мукофотининг қайтариладиган қисмидан мазкур шартнома бўйича ўзининг исботланадиган харажатлари суммасини суғурта мукофотининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда чегириши мумкин.

АФЖМС тўғрисидаги қонун автотранспорт эгаларининг баъзи тоифалари (пенсионерлар, ногиронлар ва ҳоказо) учун суғурталовчининг ўзига тегишли бўлган бир транспорт воситаси бўйича суғурта мукофотлари бўйича сийловларни назарда тутади. Имтиёзлар суғурталовчиларга Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан компенсацияланади.

Қонун АФЖМС полислари билан ишлаш ниятида бўлган суғурта компанияларига ҳам муайян талаблар қўяди. Улар Давсуғуртаназоратнинг тегишли лицензиясини олишлари ва барча вилоятлар ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида суғурта шартномаларини тузиш, жабрланувчининг (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисининг) суғурта тўловларини тўлаш тўғрисидаги талабларини кўриб чиқиш ва уларни амалга оширишга ваколатли бўлган ўз вакиллари тармоғини барпо этишлари керак бўлади. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари банд этадиган бинолар ва ҳудудларда полислар бериш ҳамда рекламани жойлаштириш Қонун билан тақиқланган. Лекин Қонун талабларига риоя этган ҳолда икки суғурта компанияси ўртасида тузилган шартнома асосида мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта компаниясини алмаштиришга йўл қўйилади.

Қонун суғурта ҳодисаси юз берганда суғурталанувчи ва жабрланувчиларнинг (улар меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворисларининг) барча ҳаракатларини аниқ тартибга солади. Хусусан, агар жабрланувчи суғурта тўловига бўлган ўз ҳуқуқидан фойдаланиш ниятида бўлса, у суғурталовчига унинг ҳаёти, саломатлиги ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарни суғурта суммаси доирасида қоплаш талаби қўйилган ёзма ариза юбориши керак. Агар ундан фойдаланилаётганда жабрланувчининг ҳаёти, саломатлиги ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилган транспорт воситаси эгасининг фуқаролик мажбурияти суғурталанмаган ёки транспорт воситасининг эгаси йўл-транспорт ҳодисаси (ЙТҲ) жойидан қочган ва қаердалиги номаълум бўлса, жабрланувчи АФЖМС бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан компенсация тўлови олиш ҳуқуқига эгадир. Мазкур Қонун қоидалари боқувчисининг вафоти натижасида зарар кўрган шахсларга, жабрланувчиларнинг меросхўрларига ҳамда фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ жабрланувчига етказилган зарарнинг ўрни қопланиши ҳуқуқига эга бўлган ўзга шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган ва мажбурий суғурталаш шартномаси бўйича қопланадиган зарарнинг миқдори Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аниқланади.

Суғурталовчи жабрланувчи (унинг меросхўрлари ёки ҳуқуқий ворислари) ёзма мурожаат қилган кундан бошлаб беш иш кунидан ошмайдиган муддатда, агар улар ўртасида ёзма шаклда бошқа муддат келишилмаган бўлса, шикастланган мол-мулк ёки унинг қолдиқларини кўздан кечириши ҳамда унинг мустақил экспертизасини (баҳолашни) ташкил этиши шарт. Агар суғурталовчи буни қилмаган бўлса, жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) мустақил равишда, шикастланган мол-мулк ёки унинг қолдиқларини

[1] *2008 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-155-сон.*

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 27 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1252,98 | 1 Польша злотийси | 603,23 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2570,02 | 1 СДР | 2128,19 |
| 1 Дания кронаси | 274,48 | 1 Туркия лираси | 1055,46 |
| 1 БАА дирҳами | 356,01 | 1 Швейцария франки | 1259,88 |
| 1 АҚШ доллари | 1307,50 | 1 ЕВРО | 2046,89 |
| 1 Миср фунти | 244,73 | 10 Жанубий Корея вони | 12,54 |
| 1 Исландия кронаси | 17,81 | 10 Япония иенаси | 126,07 |
| 1 Канада доллари | 1320,71 | 1 Россия рубли | 55,14 |
| 1 Хитой юани | 187,83 | 1 Украина гривнаси | 258,91 |
| 1 Малайзия ринггити | 405,15 | | |

****) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 27.05.2008 | 1 | 0,8218 | 1 | 1,2975 | 1 | 0,0349 |
| Арманистон | 27.05.2008 | 1 | 306,85 | 1 | 483,75 | 1 | 13,03 |
| Беларусь | 28.05.2008 | 1 | 2134,00 | 1 | 3362,01 | 1 | 90,61 |
| Грузия | 28.05.2008 | 1 | 1,449 | 1 | 2,2817 | 1 | 0,0615 |
| Қозоғистон | 28.05.2008 | 1 | 120,58 | 1 | 190,05 | 1 | 5,12 |
| Қирғизистон | 24.05.2008 | 1 | 36,3148 | 1 | 57,125 | 1 | 1,5387 |
| Латвия | 28.05.2008 | 1 | 0,445 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0189 |
| Литва | 28.05.2008 | 1 | 2,1923 | 1 | 3,4528 | 10 | 9,3133 |
| Молдава | 28.05.2008 | 1 | 10,2805 | 1 | 16,2015 | 1 | 0,4363 |
| Тожикистон | 28.05.2008 | 1 | 3,4326 | 1 | 5,4101 | 10 | 1,4575 |
| Ўзбекистон | 27.05.2008 | 1 | 1307,50 | 1 | 2046,89 | 1 | 55,14 |
| Украина | 28.05.2008 | 100 | 485,00 | 100 | 764,36 | 10 | 2,0593 |
| Эстония | 27.05.2008 | 1 | 9,9227 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,421131 |

***Манба: www.prime-tass.ru***

## АҚШ ДОЛЛАРИ ВА ЕВРОНИНГ ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН АЙИРБОШЛАШ ШОХОБЧАЛАРИДА

***2008 йил 27 май ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси***

| Банк номи | АҚШ доллари | | Евро | |
|---|---|---|---|---|
| | харид | сотиш | харид | сотиш |
| ЎзР ТИФ МБ | 1318,00 | 1320,00 | 2045,00 | 2075,00 |
| "Асака" банки | 1318,00 | 1320,00 | 2047,00 | 2052,00 |
| "Ўзсаноатқурилишбанки" | 1319,00 | 1321,00 | 2048,00 | 2062,00 |
| "Пахта Банк" | 1319,00 | 1321,00 | 2055,00 | 2060,00 |
| "Халқ банк"и | 1318,00 | 1320,00 | 2047,00 | 2060,00 |
| "Ипотекабанк" | 1319,00 | 1321,00 | 2048,00 | 2055,00 |
| "Микрокредитбанк" | 1319,00 | 1321,00 | 2047,00 | 2060,00 |
| АБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж. | 1318,00 | 1321,00 | 2065,00 | 2086,00 |
| "UzKDBбанк" | 1318,00 | 1321,00 | 2047,00 | 2062,00 |
| "Ғаллабанк" | 1319,00 | 1321,00 | 2047,00 | 2056,00 |
| "Трастбанк" | 1319,00 | 1321,00 | 2047,00 | 2057,00 |
| "Алп Жамол банк" | 1318,00 | 1320,00 | 2056,00 | 2061,00 |
| "Алоқабанк" | 1319,00 | 1321,00 | 2048,00 | 2063,00 |
| "Ў-Т банк" | 1318,00 | 1321,00 | 2047,00 | 2067,00 |
| "Туронбанк" | 1318,00 | 1320,00 | 2048,00 | 2068,00 |
| Ўзбекистон-Германия "Савдогар" АТБ | 1318,00 | 1321,00 | 2050,00 | 2065,00 |
| "Ипак йўли" банки | 1319,00 | 1321,00 | 2050,00 | 2060,00 |
| "Туркистон" банк | 1319,00 | 1321,00 | 2046,00 | 2050,00 |
| "Даврбанк" | 1318,00 | 1320,00 | 2046,00 | 2066,00 |
| "Кредит-Стандарт" банки | 1319,00 | 1321,00 | 2047,00 | 2077,00 |
| "Капитал банк" | 1319,00 | 1321,00 | 2047,00 | 2077,00 |
| "Содерат банк" | 1318,00 | 1320,00 | 2045,00 | 2075,00 |
| "Ҳамкорбанк" | 1319,00 | 1321,00 | 2047,00 | 2067,00 |
| "Парвинабанк" | 1318,00 | 1320,00 | 2049,00 | 2052,00 |
| "Равнақбанк" | 1318,00 | 1320,00 | 2045,00 | 2075,00 |

***"Банк ахборотномаси" 24-сон (631) 2008 йил 28 май.***

### УШБУ СОНДА:


✓ **ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИЛАР НИМАЛАР УСТИДА ИШЛАШМОҚДА**
– Навбат – техник регламентларга
– Тажриба орттириш учун Чехияга боришди ***1-бет***
✓ **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– Ҳайдовчи бўлмаслигинг мумкин, бироқ жавобгарликни суғурталашинг шарт
– Полис машмашалари
– Валюталар курси
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз ***2-4-бетлар***
✓ **СОЛИҚЛАР ВА ЙИҒИМЛАР**
– Солиқ тўловчининг тақвими ***5-бет***
✓ **БИЗНИНГ МАСЛАҲАТЛАР**
– Факсимиле бошланғич ҳужжат учун эмас
– Офисни хонадонга айлантириш ***6-бет***
✓ **ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ**
– Манбалар бир нечта, ҳисобварақ эса битта
– Жамғар ва кўпайтир
– Дирекция масъул ***7-бет***
✓ **ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ**
– Юристнинг визаси ***8-бет***
**ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
**Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори:**
– «Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:**
– «Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари қоидаларига ўзгартириш киритиш тўғрисида»;
– «Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида».
**Идоравий-меъёрий ҳужжат:**
– ЎзР ДБҚнинг «Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қиймати декларациясини тўлдириш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори. ***9-16-бетлар***
✓ **ОБУНА**
– Оммавий оферта
– Келин куёвни яхши танийдими?
– Очкўзлик ва таъмагирлик домида ***17-18-бетлар***
✓ **ДЕНГИЗ ОРТИДА**
– Малайзияда солиқлар кам, қуёш нури эса мўл ***19-бет***
✓ **БИЗНЕС-ПАНОРАМА** ***20-24-бетлар***

# МУМКИН, БИРОҚ СУҒУРТАЛАШИНГ ШАРТ

## СУҒУРТА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНГА ШАРҲ

кўздан кечириш учун суғурталовчига тақдим этмасдан, ёзма шаклда баҳоловчи компанияга мурожаат қилишга ҳақлидир. Ушбу ҳолда суғурта компанияси мустақил экспертиза (баҳолаш) натижаларини низолашишга ҳақли эмас, баҳоловчининг хизматлари қиймати эса мажбурий суғурталаш шартномаси бўйича суғурталовчи қоплайдиган зарарлар таркибига киритилади.

Агар шикастланган мол-мулкни ёхуд унинг қолдиқларини кўздан кечириш ва мустақил экспертиза қилишга (баҳолашга) қадар Қонун талабларига мувофиқ амалга оширилган шу мол-мулкни таъмирлаш ёки унинг қолдиқларини утилизация қилиш суғурта ҳодисасининг мавжудлигини ва ўрни қопланиши лозим бўлган зарарларнинг миқдорини тўғри аниқлаш имконини бермаса, суғурталовчи жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) суғурта тўловини ёки унинг бир қисмини тўлашни рад этишга ҳақли.

АФЖМС тўғрисидаги қонунда белгиланишича, жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда суғурта товонининг миқдори суғурта пулининг 65 фоизидан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Бир нечта жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилганда ҳар бир жабрланувчига (унинг меросхўрига) тегадиган суғурта товони миқдори ҳар бир жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг даражасига мутаносиб равишда, юқорида белгиланган сумма доирасида аниқланади. Жабрланувчининг (жабрланувчиларнинг) мол-мулкига етказилган зарарни компенсациялаш бобидаги иш худди шундай ҳолатда – фақат фарқи шундаки, бу ҳолда суғурта товонининг миқдори суғурта суммасининг 35 фоизи билан чекланган (бироқ етказилган зарар миқдоридан кўп эмас).

Суғурта товони суд харажатларини, шунингдек жарималар ва бошқа шу каби тўловни қопламайди. Жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган суғурта пули доирасида қопланади.

Агар суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) жабрланувчига етказилган зарарнинг ўрнини **суғурталовчининг ёзма розилиги билан** ўз ҳисобидан қопласа, суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тартибида ўзи амалга оширган тўловларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этганидан кейин суғурталовчи суғурта қилдирувчига суғурта тўловини тўлайди.

Агар суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) транспорт воситасидан фойдаланиш натижасида етказилган зарарнинг ўрнини жабрланувчига (унинг меросхўрига ёки ҳуқуқий ворисига) **суғурталовчининг ёзма розилигисиз** ҳар қандай усулда қопласа ёки қоплашни ваъда қилса, суғурта қилдирувчининг (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахснинг) бу ҳаракатлари суғурталовчи учун мажбуриятларни келтириб чиқармайди.

Жабрланувчи (унинг меросхўри) ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳисобига бошқа манбалардан олган тўловлар суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятини камайтирмайди. Суғурта қилдирувчи (фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахс) суғурта ҳодисаси содир бўлганда зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш чораларини кўрганлиги ёхуд жабрланувчига кечиктириб бўлмайдиган ёрдам кўрсатганлиги суғурталовчи АФЖМС тўғрисидаги қонунда ўзи учун белгиланган мажбуриятларни бажаришни рад этишига асос бўлолмайди.

Агар мажбурий суғурта объекти бир вақтнинг ўзида **ихтиёрий суғурта бўйича** ҳам суғурталанган бўлса, **ихтиёрий суғурта** бўйича суғурта товони мажбурий суғурта бўйича суғурта товонини тўлаш шартларидан қатъи назар тўланади. Агар суғурта ҳодисаси содир бўлиши натижасида жабрланувчи ҳалок бўлган ёки унинг соғлиғига зарар етказилган бўлса, суғурта товони шундай ҳодиса учун тўловни назарда тутувчи барча турдаги суғурта шартномаларига мувофиқ тўланади.

Суғурталовчи зарар етказган шахсга (суғурта қилдирувчига, фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бошқа шахсга) ўзи тўлаган суғурта тўлови миқдорида қуйидаги ҳолларда регресс тартибида талаб қилиш ҳуқуқига эга, агар:

- мазкур шахснинг қасди оқибатида жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилган бўлса;
- зарар транспорт воситаси мазкур шахс томонидан мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки шахснинг ақлидрокига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар таъсири остида бошқарилаётганда етказилган бўлса;
- мазкур шахс ўзи фойдаланаётганда зарар етказган, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган бўлса;
- мазкур шахс йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойдан яширинган бўлса;
- мазкур шахс транспорт воситасини бошқаришга рухсат этилган шахс сифатида мажбурий суғурта шартномасига киритилмаган бўлса (транспорт воситасидан фақат мажбурий суғурта шартномасида кўрсатилган ҳайдовчилар фойдаланиши шарти билан мажбурий суғурта шартномаси тузилганда);
- суғурта ҳодисаси мазкур шахс транспорт воситасидан мажбурий суғурта шартномасида назарда тутилмаган аниқ даврда фойдаланаётганда содир бўлган бўлса (транспорт воситасидан мажбурий суғурта шартномасида назарда тутилган даврда фойдаланиш шарти билан мажбурий суғурта шартномаси тузилганда).

Бунда суғурталовчи мазкур шахсдан суғурта ҳодисасини кўриб чиқишда қилинган харажатларни қоплашни ҳам талаб қилишга ҳақлидир.

Жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳисобига компенсация тўлови мажбурий суғурта шартномаси бўйича суғурта тўлови қуйидагилар оқибатида тўланиши мумкин бўлмаган ҳолларда амалга оширилади: суғурталовчига нисбатан банкротлик тартиб-таомили қўлланилганлиги; жабрланувчига етказилган зарар учун жавобгар шахснинг номаълумлиги; фойдаланилаётганда зарар етказган транспорт воситасининг эгаси ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаганлиги. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган ёки жорий календарь йилда якунланаётган ҳар қандай кетма-кетликдаги ўн икки ойлик давр ичида жами бир юз саксон уч кун ва ундан ортиқ муддат Ўзбекистон Республикасида турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар компенсация тўловларини олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча турган чет давлатлар фуқаролари компенсация тўловларини олиш ҳуқуқига, агар шу чет давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ шундай ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилган бўлса, эгадир. Компенсация тўловларини амалга ошириш тўғрисидаги талаб жабрланувчининг ҳаёти, соғлиғи ва (ёки) мол-мулкига зарар етказилган кундан эътиборан уч йил ичида билдирилиши мумкин. Компенсация тўловларини амалга ошириш ёки асосли равишда рад этиш тўғрисидаги қарорни АФЖМС бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси суғурталовчи ёки жабрланувчи (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий вориси) тегишли илтимосномa билан ёзма мурожаат қилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилади.

Компенсация тўловларини АФЖМС бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси бевосита жабрланувчига (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисига) уларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ҳафта ичида тўлайди. Компенсация тўловлари зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш юзасидан жабрланувчининг (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисининг) ташаббуси билан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилганлиги муносабати билан вужудга келган, унинг барча билдирилган ва исботланадиган харажатларини ҳатто бу чоралар муваффақиятли бўлмаган ҳолларда ҳам қоплайди. Компенсация тўловлари суд харажатларини, шунингдек жарималар ва бошқа шу каби тўловларни қопламайди. Зарарни бартараф қилиш ва (ёки) камайтириш юзасидан жабрланувчининг (унинг меросхўри ёки ҳуқуқий ворисининг) ташаббусига кўра кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилганлиги муносабати билан вужудга келган унинг харажатлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган суғурта товони миқдоридан ортиқ бўлиши мумкин эмас,

Шу тариқа, «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонун автотранспорт эгаларининг ҳам, саломатлиги ёки мол-мулкига ЙТҲда уларнинг айбисиз зарар етган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади. Уни амалга киритиш ва ижросини таъминлаш мажбурий суғурта соҳасини ривожлантиришга, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик мажбуриятини кучайтиришга ҳуқуқий жиҳатдан сезиларли туртки беради.

***Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ,***
***Президент ҳузуридаги Амалий қонунчилик мониторинги институти гуруҳининг раҳбари, юридик фанлар доктори, профессор.***

*Ўзгалар қонунчилиги*

***АФЖМС тўғрисидаги Россия қонунига автотранспорт эгаларининг ҳаётини анча енгиллаштирадиган тузатишлар киритилди. Тўғри, суғурталовчиларнинг таъкидлашларича, янги қоидалар уларга фақат нохушликлар келтиради, бу ҳол автотранспорт эгаларида муқаррар акс этади.***

# ПОЛИС МАШМАШАЛАРИ

Фуқароларнинг автотранспорти ва суғурта ишини ташкил этиш тўғрисидаги қонунга тузатишлар Россияда шу йилдан бошлаб босқичма-босқич жорий этила бошлайди. 1 мартдан бошлабоқ ЙТҲда жабрланганлар ҳаёти ва саломатлигига етказилган зарарни қоплаш борасида тўловлар лимити оширилди – бунгача ҳар бир жабрланувчига 160 минг рублдан тўланар, лекин у барчага 240 минг рублдан ошмас эди. Янги қонун 240 минг рубль лимитини бекор қилади ва ҳар бир ЙТҲда жабрланувчига 160 минг рублдан тўланишини кафолатлайди. Бироқ мулкий тўловлар бўйича лимитлар аввалгича қолди: бир неча жабрланувчи учун энг юқори тўлов – барча учун 160 минг рублдан ошмайди, бир жабрланувчининг мол-мулки учун тўлов эса 120 минг рублдан ошиши мумкин эмас. Бундан ташқари, ЙТҲ иштирокчиси вафот этган тақдирда марҳумнинг қариндошлари дафн этиш учун кўпи билан 25 минг рубль ва боқувчидан ажралган тақдирда 135 минг рубль компенсацияни кафолатли олади.

Қонундаги асосий янгилик зарарларни тартибга солиш таомилига тааллуқлидир. Янги қоидаларга кўра ЙТҲда жабрланувчи тўлов учун ҳозиргидек ЙТҲ айбдорининг суғурталовчисига эмас, балки ўз суғурталовчисига АФЖМС бўйича тўловлар учун мурожаат қилади. Агар фақат мол-мулкка зарар етказилган ва аварияда икки транспорт воситаси иштирок этган бўлса, зарарларни бевосита тартибга солиш мумкин. Зарарларни бевосита тартибга солиш тизими Россияда 2008 йил 1 июлданоқ амал қила бошлайди.

1 декабрдан эса Европа баённомаси қоидалари кучга киради. Уларга кўра мол-мулкка етказилган зарар 25 минг рублдан ошмайдиган кичик аварияларда ЙТҲни расмийлаштириш учун ЙҲХДИ ходимларини чақириш керак эмас. Ушбу меъёр фақат икки иштирокчи бўлган ҳолатга, башарти ҳеч ким ҳалок бўлмаган ва ЙТҲ сабаблари тўғрисида иштирокчиларида ихтилоф бўлмаса, татбиқ этилади.

Бироқ зарарларни тартибга солиш таомили соддалаштирилиб, унинг муддати узайтирилди. Энди суғурталовчига жабрланувчининг суғурта тўлови тўғрисидаги аризасини кўриб чиқишга икки баравар кўп вақт – ариза олинган кундан бошлаб 30 кун ажратилади. Бу вақт ичида у жабрланувчига товон тўлаши ёки унга асосланган рад жавоби юбориши шарт. Янги қонун АФЖМС бўйича тўловларни кечиктирганлик учун жарималарни жорий этади: кечиктирилган ҳар бир кун учун суғурталовчи ҳар бир жабрланувчига суғурта суммасидан МБ такрорий молиялаш ставкасининг 1/75 қисми миқдорида, бироқ суғурта суммасининг ўзидан кўп бўлмаган ҳажмда, неустойка тўлаши шарт.

АФЖМС полисининг энг кам муддати ҳам олти ойдан уч ойга қисқарди, бу эса айниқса дала ҳовлиси бор пенсионерларга қулайдир. Бундан ташқари, тиббий кўрсаткичларга мувофиқ транспорт воситаларига эга бўлган ногиронларга ҳамда уларнинг қонуний вакилларига доир имтиёзлар кенгайтирилди. Энди АФЖМС полисини харид қилишга машинани ижтимоий ҳимоя органлари орқали эмас, балки мустақил равишда сотиб олганлар ҳам 50 фоизлик чегирмага умид қила оладилар.

Қонуннинг яна бир муҳим янгилиги Россия суғурталовчиларининг халқаро фаолиятига тааллуқли бўлди. 2009 йил 1 январдан Россия «Яшил карта»га киради. Қонун АФЖМС халқаро полисларини сотишни хоҳловчи суғурталовчиларга бир қатор талаблар қўяди.

Шу тариқа, кейинги йилда АФЖМСнинг Россия бозори анча маданий тус олади. Бироқ истеъмолчи учун фойдали бўлган ушбу қонун суғурталовчилар томонидан қаттиқ танқид қилинди, ҳолбуки бу қонун уларнинг фаол иштирокида тайёрланган эди. Аммо унинг охирги таҳририда негадир барча янгиликларни жорий этиш муддатлари ўзгартирилди. Натижада уларнинг ҳаммаси бир йилдан кам вақтда жорий этилади. Шу сабабли қонун кўзлаётган хайрли мақсадларга зарур инфратузилмани тайёрлаш учун жисмонан вақт етишмаслиги боис эришилмаслиги мумкин.

Суғурталовчиларнинг фикрича, АФЖМС янги қоидаларининг пайдо бўлиши бозор бир маромда фаолият юритиши учун ҳал қилиш зарур бўлган қонунчиликдаги зиддиятларнинг бутун бир мажмуини туғдиради. Солиқ кодекси, Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекс, Йўл ҳаракати қоидаларига ўзгартишлар киритиш зарур. ЙТҲ намунавий чизмалари, зарар ҳисоб-китоби бўйича тавсияларни ҳам тасдиқлаш талаб қилинади.

Бундан ташқари, фақат ягона ҳисоб-китоб маркази мавжудлигида зарарларни бевосита тартибга солиш мумкин – халқаро амалиёт ана шундай. Мутахассисларнинг баҳолашича, клиринг марказини барпо этишга салкам 9-12 ой зарур. Уни барпо этишга пулни Россия суғурталовчилари йиғиб бўлишди, бироқ қурилиш ҳали бошлангани ҳам йўқ. «Францияда бевосита тартибга солишни жорий этишга олти йил кетди. Бизнинг географиямизни ва суғурталовчиларнинг хилма-хиллиги (аввало сифат бўйича) ҳисобга олганда, ярим йил ичида бунга эришишга уриниш таажжубга солади», – деб таъкидлашади суғурталовчилар.

Улар АФЖМС бўйича тарифлар 4,5 йилда ўзгармаганлигидан шикоят қилишади. Қонун эса суғурталовчиларни суғурталанувчиларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилайдиган янгиликларни ўз ҳисобларидан жорий этишга мажбур қилади. Бундан ташқари, ҳаётни суғурталаш бўйича лимитлар ошмоқда, «ўлим бўйича» қатъий белгиланган тўловлар пайдо бўлмоқда.

«Эксперт РА» рейтинг агентлигининг баҳолари бўйича, Европа баённомаси ва тарифларни бир вақтда айнан кўпайтирмасдан зарарларни бевосита тартибга солиш тизимининг жорий этилиши муқаррар равишда 2009 йилда АФЖМСда зарар кўриш умуман бозор бўйича 120% дан ошишига олиб келади, чунки мазкур тузатишлар қабул қилинганидан кейин арз қилинган майда зарарлар сонининг кўпайиши ва суғуртага оид фирибгарликлар авжга чиқишини кутиш мумкин.

Бироқ базавий тариф ўзгартирилмайди, чунки Молия вазирлигига суғурталовчилар томонидан ўз мажбуриятлари бажарилиши учун унинг етишмаслиги муносабати билан уни тузатиш зарурлиги исботлари тақдим қилинмаган. Суғурталовчиларнинг қисқа муддатлар борасидаги даъво-эътирозларини ҳам бу ерда қўллаб-қувватламайдилар. Вазирликнинг позициясини ҳам тушуниш мумкин. АФЖМС тўғрисидаги қонун лойиҳаси икки йил давомида суғурта ҳамжамиятининг фаол иштирокида тайёрланди, ҳужжат Думада уч марта ўқилди. Унга президент имзо чекканидан кейингина суғурталовчилар ва депутатлар бошларини чангаллаб қолдилар.

***Хорижий матбуот материалларидан.***

** Автотранспорт эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги «Яшил карта» халқаро тизими 1951 йилдан бери мавжуд. Унинг асосий мақсади – хорижий автомобилчилар иштирокида содир этилган ЙТҲда жабрланганларнинг даъво-эътирозларини воқеа юз берган мамлакат қонунчилигига мувофиқ тартибга солиш.*

*«Яшил карта» тизимига 44 мамлакат киради: бутун Европа, Исроил, Марокаш, Тунис, Эрон. Тизимга Европа мамлакатларидан Арманистон, Озарбайжон, Грузия, Россия кирмайди.*

• РЕКЛАМА

“Картрижларни Тўлдириш Маркази”
муваффақиятингиз учун комплекс ечим
919-30-40
картрижлар, принтерлар, копирлар, ШКларни
ТЎЛДИРИШ - ТАЪМИРЛАШ - АЛМАШТИРИШ
7 777 сўмдан бошлаб
“Trade in” хизмати

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

## СУҒУРТАЛОВЧИЛАР УЧУН «ЯШИЛ ЧИРОҚ»

**Президентнинг 2008 йил 21 майдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-872-сон қарори қабул қилинди** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади)*, у билан 2010 йилнинг 1 январидан бошлаб қуйидаги соҳаларда фаолиятни амалга оширадиган суғурталовчилар учун устав капиталининг энг кам миқдорлари белгиланди:

– умумий суғурта соҳасида – 750 минг еврога эквивалент суммада;

– ҳаётни суғурта қилиш соҳасида – 1 000 минг еврога эквивалент суммада;

– мажбурий суғурта бўйича – 1 500 минг еврога эквивалент суммада;

– фақат қайта суғурта қилиш бўйича – 4 000 минг еврога эквивалент суммада.

Фаолият кўрсатаётган суғурта компаниялари (суғурталовчилар) 2010 йилнинг 1 январигача устав капитали миқдорларини ушбу талабларга мувофиқлаштиришлари керак. Акс ҳолда ушбу талабларга жавоб бермайдиган суғурталовчиларнинг лицензиялари амал қилишини 2010 йил 1 январдан бошлаб тўхтатиб туриш ва тугатиш бўйича чоралар кўрилади.

Ҳужжат билан белгиланишича, суғурталовчилар қимматли қоғозлар бозорида инвестицион воситачи сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга. Бунда улардан ушбу фаолият турини амалга ошириш учун лицензия олиш талаб қилинмайди. Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодлар қонун ҳужжатларида белгиланган малака талабларига мос келган тақдирда тайинланади (сайланади). Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, белгиланган иқтисодий нормативларни, шу жумладан, тўлов қобилияти нормативларининг суғурталовчилар томонидан бузилганлиги учун махсус ваколатли давлат органининг қарори асосида уларга энг кам устав капиталининг 0,1 фоизи миқдоригача жарима солинади.

2008 йил 1 июндан бошлаб уч йил муддатга: юридик ва жисмоний шахсларнинг суғурталовчилар акциялари бўйича дивидендлар кўринишида олинган даромадлари юридик шахсларнинг фойда солиғи ва жисмоний шахсларнинг даромад солиғини тўлашдан; суғурталовчиларнинг дивидендлар ва фоизлар кўринишида олинган даромадлари юридик шахсларнинг фойда солиғини тўлашдан озод қилинади, бунда бўшаган маблағлар республика ҳудудларида, биринчи навбатда, қишлоқ жойларида ҳудудий бўлинмаларни, кенг тармоқли агентлик тизимини ташкил қилиш, шунингдек, уларнинг моддий-техник базасини ривожлантиришга мақсадли йўналтирилиши керак.

## ҲУЖЖАТЛАР МУВОФИҚЛАШТИРИЛДИ

**Президентнинг 2008 йил 22 майдаги ПФ-3996-сон Фармони билан** Президентнинг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони *(2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сон)* ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларини тайёрлаш, кўриб чиқиш ва имзолаш тартиби тўғрисидаги низомга *(2005 йил 4 февралдаги Ф-2118-сон)* ўзгартишлар киритилди. Ушбу ҳужжатлар Президентнинг 2008 йил 9 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» ПҚ–834-сон қарорига мувофиқлаштирилди. Президентнинг баъзи ҳужжатлари ўз кучини йўқотди.

* * *

**Президентнинг 2008 йил 7 майдаги ПҚ-863-сон қарори билан** Президентнинг 2007 йил 20 июлдаги «2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-672-сон қарори 2-иловаси Президентнинг 2008 йил 4 апрелдаги «Қишлоқ хўжалик машинасозлиги тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ–830-сон қарорига мувофиқлаштирилди.

* * *

**Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 майдаги 100-сон қарори билан** Президентнинг 2008 йил 9 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини қисман ўзгартириш тўғрисида» ПҚ–834-сон қарори қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг баъзи қарорларига ўзгартишлар киритилди.

## ТИББИЙ УСКУНАЛАРНИ ОЛИБ КИРИШГА ИМТИЁЗ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 майдаги 94-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сон Фармонининг 8-бандига мувофиқ Олиб келишда божхона тўловларини тўлашдан озод этиладиган янги тиббий жиҳозлар рўйхати тасдиқланди.** Тиббий жиҳозларни ушбу Рўйхатга киритишнинг асосий мезони бўлиб ТИФ ТН коди, номи ва қўлланиладиган соҳа ҳисобланади.

## СОТИШ КИМГА ТОПШИРИЛАДИ?

**Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 16 майдаги 97-сон қарори билан Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).*

Энди давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни сотишни амалга оширадиган ташкилотлар муқобил шартларда ҳокимлик томонидан эмас, балки танлов асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорига мувофиқ белгиланади. Бунда ташкилотларнинг ихтисослашуви, жойлашган жойи ва истеъмолчи учун боришнинг осон бўлиши, тегишли омборхона биноларининг мавжудлиги, аввалги фаолиятида белгиланган савдо фаолияти қоидаларини бузиш ҳолатларига йўл қўйилмаганлиги ва бошқалар ҳисобга олинади. Ҳужжатга киритилган қўшимчага мувофиқ, захираларни шакллантириш учун зарур бўлган озиқ-овқат товарларини пулли асосда минтақавий ҳокимият органларига берилади ҳамда савдо ташкилотларининг ихтисослаштирилган омборхоналарида сақланади (ғамлаб қўйилади). Ушбу товарлар **фақат** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари **қарорига кўра**, товарларнинг сақланиш муддатларидан ва бозордаги эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда сотилади.

## НИЗОМ ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТГА ҲАМ ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 21 майдаги 102-сон қарори билан** республика ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Уларга мувофиқ Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом *(2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон қарор)* шунингдек электрон тижорат соҳасидаги муносабатларга ҳам қўлланилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 445-сон қарорига киритилган ўзгартишларга мувофиқ, пластик карточкалардан фойдаланиб товарларни сотишда ва хизматлар кўрсатишда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бериладиган терминал чеклари, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон тижорат чакана савдо тўловлари тизимларининг транзакциялари («электрон чеклар»)-дан кўчирмалар квитанциялар, талонлар, чипталарга ҳамда товарлар ва хизматларга ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи уларга тенглаштирилган бошқа ҳужжатларга тенглаштирилади.

## СУҒУРТАЛОВЧИ ТЎЛОВГА ҚОБИЛИЯТЛИ БЎЛСИН

**Молия вазирининг буйруғи билан Суғурталовчилар ва қайта суғурталовчиларнинг тўлов қобилияти тўғрисидаги низом тасдиқланди *(АВ томонидан 2008 йил 12 майда 1806-сон билан рўйхатдан ўтказилган).*** У билан суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) тўлов қобилияти нормативларини ва уларни аниқлаш тартибини, суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) активларини жойлаштиришга оид, шунингдек, қайта суғурта қилиш операцияларига оид талаблар белгиланди.

Тўлов қобилияти нормативлари қуйидагилардан иборат:

– тўлов қобилияти маржасининг етарлилиги нормативи;

– алоҳида таваккалчиликлар бўйича суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) мажбуриятларининг йўл қўйиладиган энг кўп миқдори;

– суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) мажбуриятлари жамининг йўл қўйиладиган энг кўп миқдори.

Суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) тўлов қобилияти кўрсаткичини аниқлаш учун охирги ҳисобот санасига суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари, шунингдек, ҳисоб-китоблар йўли билан аниқланадиган маълумотлардан фойдаланилади. Тўлов қобилияти маржасининг етарлилиги нормативи белгиланиб, у 1 бирликдан кам бўлмаслиги шарт. Суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) алоҳида таваккалчиликлар бўйича мажбуриятларининг йўл қўйиладиган энг кўп миқдори эса суғурта захиралари ва ўз маблағлари манбалари суммасининг 20 фоизидан ошмаслиги шарт. Ҳужжат билан тўлов қобилияти нормативларини ҳисоб-китобини ва суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) активларини жойлаштиришга оид, шунингдек, қайта суғурта қилиш операцияларига оид талабларга риоя қилинганлиги тўғрисида маълумотларни тақдим этиш тартиби ва муддатлари ҳам тартибга солинади.

**2008 йил 22 майдан кучга кирди.**

* * *

**Молия вазирининг буйруғи билан Суғурталовчилар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси тасдиқланди *(АВ томонидан 2008 йил 22 майда 1813-сон билан рўйхатдан ўтказилган).*** У суғурталовчиларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш бўйича ягона ёндашувнинг услубий асосларини белгилайди ҳамда суғурталовчилар томонидан, уларнинг мулкчилик шаклидан қатъи назар, ижро этилиши мажбурийдир.

**2008 йил 1 июндан кучга киради.**

## БАНКЛАР БЛАНКА БЕРАДИЛАР

**Марказий банк бошқарувининг қарори *(АВ томонидан 2008 йил 12 майда 522-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Банкларнинг депозит сертификатларини чиқариш, рўйхатга олиш ва муомалада бўлиш қоидаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).* Уларга мувофиқ, депозит сертификатлари бланкалар шаклида чиқарилиб, уларни чиқариш ва улар билан муомала қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг депозит сертификатларини чиқариш тўғрисидаги низомга *(1999 йил 9 февралдаги 624-сон)* мувофиқ амалга оширилади. Сертификатлар 6 ойдан 3 йилгача бўлган муддатга (уни бериш санасидан бошлаб унинг эгаси сертификат бўйича қўйилма (депозит)ни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган санагача) чиқарилади.

**2008 йил 22 майдан кучга кирди.**

## ҚҚСни ҚАЙТАРИШ ТАРТИБИ

**Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори билан *(АВ томонидан 2008 йил 16 майда 1807-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* Солиқ тўловчиларга ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариш тўғрисидаги низом тасдиқланди** *(«Норма маслаҳатчи»-да чоп этилади).*

Солиқлар бўйича қарздорликни қоплаш ҳисобига ҚҚС суммасини қайтаришни тегишли молия органлари давлат солиқ хизмати органлари томонидан корхоналарнинг ёзма аризаларига асосан қайтариш бўйича хулоса тақдим қилингандан сўнг амалга оширадилар. ҚҚС суммасини корхонага қайтариш (унда солиқлардан қарзи бўлмаган тақдирда) Молия вазирлиги томонидан бюджет маблағларини хулосада белгиланган сумма доирасида корхонанинг банк ҳисобварағига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

**2008 йил 26 майдан кучга кирди.**

* * *

**Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори билан *(АВ томонидан 2008 йил 19 майда 1460-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* «Хўжалик юритувчи субъектларда қўшилган қиймат солиғи бўйича ноль ставкасини қўллаш натижасида юзага келган салбий фарқни қоплаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор ўз кучини йўқотган деб топилди.**

**2008 йил 29 майдан кучга кирди.**

## ШАКАР СОТИШ ТАРТИБИ

**Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг қарори *(АВ томонидан 2008 йил 19 майда 1811-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Биржа савдоларида шакарни сотиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди** *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади).*

Низом шакарни ишлаб чиқарувчи, сотувчи ва ундан фойдаланувчи Ўзбекистон корхона ва ташкилотларига татбиқ этилади. Биржа савдоларида сотиб олинган шакар фақат республика ҳудудида фойдаланилади ва экспорт қилиниши мумкин эмас. Уни улгуржи қайта сотишга рухсат эса фақат улгуржи савдо ҳуқуқига лицензияси мавжуд юридик шахсларга берилади. Маҳсулот сотиш ҳажмлари ҳар йили шакар ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳисоб-китоб балансидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади. Маҳсулотни биржа савдоларига қўйишнинг бошланғич нархи сотувчи томонидан декларацияланадиган нарх (монополист корхоналар учун) ва улгуржи сотиш нархи (бошқа корхоналар учун) даражасида белгиланади. Биржа савдоларига шаклланган маҳсулот нархи унинг бошланғич нархидан ошиши натижасида сотувчи томонидан олинган қўшимча даромад унинг ихтиёрида қолади. Бироқ савдо жараёнида нархлар ошишининг йўл қўйиладиган чегараси белгиланган бўлиб, у бошланғич нархнинг 5 фоизини ташкил этади. Нархлар 5 фоиздан ошиб кетган тақдирда савдолар тўхтатилади ва сотилмай қолган маҳсулот ҳажми кейинги савдоларга ўтказилади.

**2008 йил 29 майдан кучга кирди.**

**ИҚТИСОДЧИЛАР, ЮРИСТЛАР, ЖУРНАЛИСТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**“NORMA” нашриёти**

**иқтисодий-ҳуқуқий мавзуларда ишланган қўлёзмалар, китоб макетларини 2008 йилнинг II ярмида китоб чиқариш режасига киритиш учун кўриб чиқишга тайёр.**



Буюртманомаларни **244-44-45** факси орқали юборинг (буюртманома шаклини **www.norma.uz** сайтида кўринг)

Маълумотлар қуйидаги телефонлар орқали: **244-89-17, 244-81-30.**

***Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2008 йил 11 майдан 27 майгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 20-21-сони асосида тайёрланди.***

*Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.*

# СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ТАҚВИМИ

## 2008 ЙИЛ ИЮНЬ (ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН)



**ИШ ВАҚТИ ҲИСОБ-КИТОБИ (соатларда):**
5 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида – 168
6 кунлик (40 соатли) иш ҳафтасида – 167
36 соатли иш ҳафтасида – 150

**ИШ КУНЛАРИ СОНИ:**
5 кунлик иш ҳафтасида – 21
6 кунлик иш ҳафтасида – 25



**3**

**– май ойининг III ўн кунлиги учун акциз солиғини тўлашнинг сўнгги куни** *(Солиқ кодекси, 240-модда, биринчи қисм);*

**– май ойининг III ўн кунлиги учун сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан ундириладиган солиқни тўлашнинг сўнгги куни** *(Солиқ кодекси, 304-модда, тўртинчи қисм).*

**5**

**– май ойи учун акцизли товарлар алоҳида турларининг харид қилиниши ва сотилиши (ички бозорда янги автомобиллар, алкоголли ва тамаки маҳсулотлари, ўсимлик мойи, автомобиль бензини, дизель ёқилғисини сотиш) тўғрисида маълумотларни тақдим этишнинг сўнгги куни.**

**9**

**– май ойи учун меҳнат пайтида майиб бўлиш ёки касбий касалланиш оқибатида тайинланган ва тўланган пенсиялар бўйича харажатларни қоплашга тўлов тўлашнинг сўнгги куни** *(МВ, МАИМҚВ, ДСҚ ва МБ бошқарувининг АВ томонидан 6.04.2004 йилда 1333-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисида низомнинг 44-банди).*

**10**

**– май ойи учун ягона ижтимоий тўлов ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сўнгги куни*** *(Солиқ кодекси, 310-модда, учинчи қисм);*

**– май ойи учун ягона ижтимоий тўловни тўлашнинг сўнгги куни**** *(Солиқ кодекси, 310-модда, бешинчи қисм).*

**13**

**– июнь ойининг I ўн кунлиги учун акциз солиғини тўлашнинг сўнгги куни** *(Солиқ кодекси, 240-модда, биринчи қисм);*

**– июнь ойининг I ўн кунлиги учун сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан ундириладиган солиқни тўлашнинг сўнгги куни** *(Солиқ кодекси, 304-модда, тўртинчи қисм).*

**14**
***
***

**– июнь ойи учун фойда солиғи бўйича жорий тўловни тўлашнинг сўнгги куни***** *(Солиқ кодекси, 164-модда, учинчи қисм);*

**– май ойи учун Халқ банкига жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи ходимлар реестри ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига 1 фоиз миқдорида бадаллар тўлангани ҳақида тўлов топшириқномасини тақдим этишнинг сўнгги куни** *(ВМнинг 21.12.2004 йилдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби тўғрисида низомнинг 16-банди; МВ, ДСҚ ва МБ бошқарувининг АВ томонидан 6.10.2005 йилда 1515-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Иш берувчилар томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадалларни қўшиш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 10-банди).*

**15**
***
***

**– июнь ойи учун ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича жорий тўловни тўлашнинг сўнгги куни****** *(Солиқ кодекси, 300-модда, бешинчи ва олтинчи қисмлар).*

**23**

**– июнь ойининг II ўн кунлиги учун акциз солиғини тўлашнинг сўнгги куни** *(Солиқ кодекси, 240-модда, биринчи қисм);*

**– июнь ойининг II ўн кунлиги учун сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан ундириладиган солиқни тўлашнинг сўнгги куни** *(Солиқ кодекси, 304-модда, тўртинчи қисм).*

**24**

**– май ойи учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китобини тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни******* *(Солиқ кодекси, 263-модда, учинчи қисм; 264-модда, биринчи қисм);*

**– цементга ва табиий газга қўшимча фойда солиғи бўйича ҳисоб-китобни тақдим этишнинг сўнгги куни** *(МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 21.02.2008 йилда 1772-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Цементга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 12-банди; МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 5.03.2008 йилда 1776-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 13-банди).*

**!** **Солиқ тўловчининг тақвими – «Норма маслаҳатчи» газетаси ва «Norma» АҲТ эксперт хизматининг муаллифлик ишланмасидир. Унинг бошқа ОАВларда қайтадан чоп этилиши ва электрон маълумотлар базаларида жойлаштирилишига «Норма маслаҳатчи» газетаси таҳририяти ёки «Norma-Hamkor» МЧЖ билан тузилган шартнома асосидагина йўл қўйилади.**

**25**

**– май ойи учун ҚҚС бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни*** *(Солиқ кодекси, 225-модда, биринчи қисм; 226-модда, биринчи қисм);*

**– май ойи учун акциз солиғи бўйича ҳисоб-китобни тақдим этишнинг сўнгги куни*** *(Солиқ кодекси, 239-модда);*

**– май ойи учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни*** *(Солиқ кодекси, 247-модда, иккинчи ва учинчи қисмлар);*

**– июнь ойи учун бюджетга мол-мулк солиғи бўйича жорий тўловларни тўлашнинг сўнгги куни** *(Солиқ кодекси, 271-модда, учинчи қисм);*

**– май ойи учун транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан ундириладиган солиқ бўйича ҳисоб-китобни тақдим этишнинг сўнгги куни*** *(Солиқ кодекси, 304-модда, учинчи қисм);*

**– май ойи учун Республика йўл жамғармасига соф тушумдан мажбурий ажратмалар ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сўнгги куни*** *(Солиқ кодекси, 319-модда, иккинчи қисм);*

**– май ойи учун Республика йўл жамғармасига соф тушумдан мажбурий ажратмаларни тўлашнинг сўнгги куни** *(Солиқ кодекси, 319-модда, учинчи қисм);*

**– май ойи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига соф тушумдан мажбурий ажратмалар ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сўнгги куни*** *(Солиқ кодекси, 315-модда, иккинчи қисм);*

**– май ойи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига соф тушумдан мажбурий ажратмаларни тўлашнинг сўнгги куни** *(Солиқ кодекси, 315-модда, учинчи қисм);*

**– май ойи учун ягона солиқ тўлови ҳисоб-китобини тақдим этиш ва тўловни тўлашнинг сўнгги куни (ҳисоб-китобни ҳар чоракда тақдим этадиган микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари)** *(Солиқ кодекси, 360-модда, тўртинчи ва бешинчи қисмлар);*

**– май ойи учун фаолиятнинг айрим турларини амалга оширувчи юридик шахслар томонидан қатъий белгиланган солиқни тўлашнинг сўнгги куни** *(Солиқ кодекси, 372-модда, еттинчи қисм);*

**– май ойи учун мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмалар бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва уларни тўлашнинг сўнгги куни*** *(МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 31.01.2005 йилда 1446-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Мактаб таълимини ривожлантиришга мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг 6, 7-бандлари).*

**30**

**– ягона ер солиғи йиллик суммасининг 20 фоизини тўлашнинг сўнгги куни** *(Солиқ кодекси, 369-модда, бешинчи қисм);*

**– ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ер солиғи йиллик суммасининг 20 фоизини тўлашнинг сўнгги куни** *(Солиқ кодекси, 286-модда, иккинчи қисм).*

**) солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмасдан тақдим этадиган микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари;*

***) бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари иш ҳақи учун пул маблағларини олиш учун банкка ҳужжатларни тақдим этиш билан бир вақтда тўланади;*

****) ҳисобот давридаги кутилаётган солиқ солинадиган фойдаси энг кам иш ҳақи даражасининг 200 бараваригача бўлган корхоналардан ташқари. Тўлов манбаида ушлаб қолинадиган юридик шахсларга тўланадиган дивиденд ва фоизларга фойда солиғи, шунингдек Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг даромадларидан фойда солиғи бюджетга мазкур тўловларни тўлаш кунидан кечиктирмасдан ўтказилади;*

*****) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг жорий тўловлари қуйидагилар томонидан тўланмайди:*

*ҳисобот давридаги солиқ солинадиган базаси энг кам иш ҳақининг 200 бароварigacha миқдорда бўлган солиқ тўловчилар томонидан;*

*ўтган ҳисобот даврида ижтимоий инфратузилма объектларини сақлаб туриш бўйича харажатлари суммаси солиқ солинадиган базага тенг ёки ундан кўп бўлган солиқ тўловчилар томонидан;*

*ягона солиқ тўловини тўлашга ўтмаган микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан;*

******) қишлоқ хўжалиги корхоналари, микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек бир чорак учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун умумий солиқ суммаси энг кам иш ҳақининг 50 бараваридан кам бўлган корхоналардан ташқари;*

*******) муддатнинг сўнгги куни дам олиш (ишланмайдиган) кунига тўғри келиб қолса, муддатнинг тугаш куни бўлиб ундан кейин келувчи биринчи иш куни ҳисобланади.*

# ФАКСИМИЛЕ БОШЛАНҒИЧ ҲУЖЖАТ УЧУН ЭМАС

**?**

***1. Товарни юклаб жўнатиш ҳужжатларида (ҳисобварақ-фактуралар, юкхатларда) факсимилени қўлласа бўладими?***
***2. Агар бу ички буйруқ билан расмийлаштирилган бўлса, товаршунос юклаб жўнатиш ҳужжатларига бош бухгалтер ўрнига имзо чекиши мумкинми?***
***3. Ташкилот якка тартибдаги тадбиркордан идишни ижарага олмоқчи. У шартнома тузиш учун қандай ҳужжатларни тақдим этиши керак?***

**Улгуржи савдо ташкилоти.**

1. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун (*1996 йил 30 август, 279-I-сон, бундан кейин – 279-I-сон Қонун*) 9-моддаси тўртинчи қисмининг бешинчи хатбошисига кўра бошланғич ҳисоб ҳужжатларининг (ҳисобварақ-фактура ҳам, юкхат ҳам ана шундай ҳужжатлардир) мажбурий реквизитлари сирасига масъул шахсларнинг **шахсий имзолари** киради. Факсимиле шахснинг шахсий имзоси эмас, балки шахснинг ўз қўли билан қўйган имзосини аниқ **қайта ҳосил қилиб берадиган** муҳр эканлигидан келиб чиқиб, уни факсимиле қўйиш билан алмаштириш мумкин эмас деб ҳисоблаймиз. Кўрсатилган хулоса Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Э.Гадоевнинг фикри билан мустаҳкамланган[1]. Бундан шахсан қўйилган имзосиз тақдим этиладиган ҳисобварақ-фактуралар қонуний эмас деган хулосага келиш мумкин.

2. 279-I-сон Қонун 8-моддасининг иккинчи қисмига кўра раҳбар пул, товар-моддий ва бошқа бойликларни қабул қилиш ва бериш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатлар, ташкилотнинг кредит ва ҳисоб-китоб мажбуриятлари, шунингдек бухгалтерия ҳисоботлари ва балансларини имзолаш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг иккита рўйхатини тасдиқлайди. Биринчи рўйхатга кўрсатилган моддага кўра **раҳбарлик вазифаларини** амалга оширувчи шахслар (ташкилотлар, уларнинг таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари, шунингдек уларнинг ўринбосарлари ана шундай раҳбарлар ҳисобланадилар), иккинчисига **бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини** амалга оширувчи шахслар киради. Шахсларнинг бошқа доирасига эса раҳбар ҳисобварақ-фактураларни имзолаш ҳуқуқини бера олмайди, чунки 279-I-сон Қонун 8-моддаси учинчи қисмининг маъносидан келиб чиқилганда, бошқа шахсларнинг имзоси билан тасдиқланган ҳисобварақ-фактуралар ҳақиқий ҳисобланмайди. Ушбу меъёрлар асосида шундай хулоса чиқариш мумкинки, агар товаршуноснинг лавозим мажбуриятларига бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий бошқарув бўйича мажбуриятлар кирса, ташкилот раҳбари мазкур мансабдор шахсни иккинчи рўйхатга киритиб, унга имзолаш ҳуқуқини бериши мумкин. Бироқ бундай вариант бизга ғоятда эҳтимолдан йироқ бўлиб кўринади, чунки товаршунос, одатда, ташкилот ичида (масалан, бир омбордан бошқасига) товарларни жисман олиб ўтишни режалаштиради ва назорат қилади, истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондириш мақсадида уларнинг сифатини текширади. Унинг вазифаларига бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий бошқаришни амалга ошириш мажбуриятлари кирмайди.

3. Амалдаги қонун ҳужжатларида мазкур масала бўйича алоҳида кўрсатмалар белгиланмаган. Тавсия сифатида шартнома тузиш олдидан аввало жисмоний шахснинг якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатига олинганлик гувоҳномаси билан танишишни маслаҳат берамиз. Буни аввало солиқ солиш мақсадларида қилиш лозим. Зеро агар жисмоний шахс (ижарага берувчи) якка тартибдаги тадбиркор мақомига эга бўлмаса, унга юридик шахс томонидан ижара шартномаси бўйича тўланадиган даромаддан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ушланиши керак (*СК 184-моддасининг 6-банди*). Агар жисмоний шахс якка тартибдаги тадбиркор мақомига эга бўлса, мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлардан мазкур тадбиркорлик субъекти қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда қатъий белгиланган солиқни мустақил равишда тўлаши шарт (*СК 169-моддаси иккинчи қисмининг маъносидан келиб чиққанда*). Бундан ташқари, якка тартибдаги тадбиркорнинг сизни қизиқтираётган мол-мулкни ижарага (иккиламчи ижарага) бериш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг нусхаларига эга бўлиш керак. Бундай ҳужжатлар сирасига унга мувофиқ якка тартибдаги тадбиркор мол-мулк мулкдори деб тан олинадиган, олди-сотди шартномаси унинг шартларида ижарага олувчининг мол-мулкни учинчи шахсларга иккиламчи ижарага бериш ҳуқуқи назарда тутилган ижара шартномаси ва бошқалар кириши мумкин.

[1] *«Солиқ ва божхона хабарлари»нинг 2004 йил 14 (506)-сонига қаралсин.*

# ОФИСНИ ХОНАДОНГА АЙЛАНТИРИШ

**?**

***Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори[*] билан турар жойларни нотурар жойлар тоифасига ўтказиш тартиби белгиланган. Бироқ нотурар жойларни турар жойлар тоифасига ўтказиш тартиби ҳеч қайси қонун ҳужжати билан белгиланмаган. Нотурар жойларни турар жойлар тоифасига ўтказиш қандай амалга оширилишини тушунтириб берсангиз.***

**Ботир.**

– Турар жойларни яшаш учун мўлжалланмаган жойларга ўтказиш тартиби тўғрисида низомнинг (*Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 январдаги 18-сон қарорига 4-илова, бундан кейин – 18-сон Низом*) 23-бандига кўра **нотурар жойни турар жойга қайтадан ўтказиш мулкдорнинг аризасига асосан, тегишли давлат органлари билан узил-кесил ҳисоб-китоб[**] қилингач, жойлардаги давлат ҳокимияти органларида ташкил этиладиган идоралараро комиссиянинг қарори билан амалга оширилади.**

Бундай ўтказишни амалга ошириш учун нотурар жой мулкдори нотурар жой жойлашган ердаги туман (шаҳар) ҳокимлигига тегишли ариза билан мурожаат қилиши лозим. Унга илова қилиш зарур бўлган ҳужжатларнинг рўйхати амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланмаган. Бироқ, фикримизча, улар қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

– ариза берувчининг нотурар жойга мулк ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатлар;

– туман (шаҳар) кўчмас мулк давлат кадастри хизмати томонидан тайёрланган нотурар жой режаси;

– нотурар жой мулкдорининг давлат хизмати тегишли органлари олдида мажбуриятларининг йўқлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар (масалан, нотурар жойдан мол-мулк солиғи тўланганлиги, иссиқлик, сув ва энергия билан таъминлаш ташкилотларининг хизматларига ҳақ тўланганлиги далилини тасдиқлайдиган ҳужжатлар) ва бошқалар.

Уй-жой кодекси 9-моддасининг маъносидан келиб чиққанда, агар кўрсатилган нотурар жой санитария, ёнғин хавфсизлиги ва техник талабларга жавоб берган ҳамда фуқароларнинг доимий яшашлари учун мўлжалланган тақдирдагина нотурар жойни турар жойлар тоифасига ўтказиш мумкин. Шу сабабли туман (шаҳар) СЭС, архитектура хизматлари ва ёнғин хавфсизлиги органларининг хулосалари керак бўлиши мумкин.

Нотурар жойни турар жойга ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш муддати қонун билан белгиланмаган. Фикримизча, у турар жойни нотурар жойлар тоифасига ўтказиш масаласи бўйича қарор қабул қилиш учун 18-сон Низомнинг 16-бандида назарда тутилган муддатга: тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда ҳокимликка ариза топширилган пайтдан бошлаб ўттиз кун муддатга мос келиши керак.

[*] *Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» қарори.*

[**] *Фикримизча, мазкур ҳолда узил-кесил ҳисоб-китоб деганда мулкдор томонидан ўзининг нотурар жойга мулк ҳуқуқини амалга ошириш муносабати билан вужудга келадиган барча мажбуриятларни бажариш (солиқларни тўлаш, энергия билан таъминловчи ташкилотлар хизматларига ҳақ тўлаш ва ҳоказолар) тушунилади.*

***Екатерина БУХТИЯРОВА, «Norma» МЧЖ юрист-эксперти.***

• РЕКЛАМА

ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҲАКАМЛИК СУДИ

Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ҳузуридаги ҳакамлик суди

pr_7-47-03

ТЕЗКОР! ТЕЖАМЛИ! МАЛАКАЛИ! ИШОНЧЛИ!

- **Хўжалик низосини тез ҳал этиш** (низони фақат битта инстанцияда энг қисқа муддатда кўриб чиқиш)
- **Иш кўришнинг тежамлилиги** (низони ҳал этишга алоқадор тарафларнинг кам чиқим қилиши)
- **Судьяларнинг малакаси** (судьяни тарафлар энг тажрибалилари орасидан танлаб оладилар)
- **Мобиллик** (низони Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг исталган жойида кўриб чиқиш имконияти)
- **Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг тугаллиги** (ҳал қилув қарори устидан давлат судига низо моҳиятига кўра шикоят бериш мумкин эмас)
- **Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг мажбурий ижро этилиши,** Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан кафолатланган (давлат судлари ҳал қилув қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда)

**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги ҳакамлик суди**

Ўзбекистон Республикаси, 100047, Тошкент ш., Бухоро кўч., 6. Телефон (+998-71) 2394329 Факс (+998-71) 2320903. Web-site: www.chamber.uz, e-mail: sud@chamber.uz

*Хорижий тажриба*

## КАПИТАЛ АМНИСТИЯСИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН

**Қирғизистон парламенти капитал амнистияси тўғрисидаги қонунни қабул қилди, қонуннинг мақсади – қонуний асосларда давлатга солиқ тўлаган ҳолда ишлаш учун имтиёзли имкониятлар тақдим этиш йўли билан фуқаролар маблағларини бир қисмини "хуфия" иқтисодиётдан чиқаришдир.** "Бундай бир марталик акция ўтказилиши натижасида давлат бюджетни тўлдириш масаласида ютади, хусусий бизнесни йўналтириш тартибга солинади" – деб ҳисоблайди молия вазири Оқилбек Жапаров.

Акция қонун кучга кирган пайтдан бошлаб 90 кун давом этади. Ноқонуний айланмадан 250 млн доллар чиқарилиши тахмин қилинмоқда.

Қонун аввало ўз бизнесини виждонан юритган, бироқ қандайдир сабабларга кўра фискал органлар репрессиясидан чўчиган ва ўзининг ҳақиқий даромадини яширган бизнесменларга дахл қилади. Капитал амнистияси уларнинг ўз бизнесини очишларига ва эркин ишлашларига имкон яратади, деб ҳисоблайди бош вазир Алмаз Атамбаев.

## ЗАРАРЛАРНИНГ АВТОМАТИК ҲИСОБИ

**Тез орада россиялик солиқчилар компаниялар зарари устидан автоматик режимдаги назоратни амалга оширадиган бўладилар.** Уларнинг фикрича, агар фирма бир неча йил мобайнида зарарларни кўрсатса, бу эса унинг солиқ тўлашдан бўйин товлаганига далолатдир. Солиқ хизмати янада самарали курашиш учун юридик шахснинг мажбурий тўловлар бўйича қарзларини ҳисобга олишни автоматлаштиряпти. Ҳозирги пайтда Россия ФСХ тегишли дастурий таъминотни ишлаб чиқишга танлов эълон қилган.

## ҲУКУМАТ ЧОЙГА БОЖЛАРНИ НОЛГА ТЕНГЛАШТИРДИ

**Россия Вазирлар Маҳкамаси чой, шунингдек қайта ишланмаган терининг айрим турларига олиб киришнинг ноль даражали божхона божини тасдиқлади.**

Жорий йилнинг бошида мазкур товарларга божлар тўққиз ойга нолга тенглаштирилган эди. Чой импортининг божсиз режими ҳукуматнинг Россияда етиштирилмайдиган қишлоқ хўжалиги хом ашёсини олиб киришда божхона божларини камайтириш тўғрисидаги топшириғини ижро этиш йўлида жорий қилинган, қайта ишланмаган териларнинг айрим турлари борасида эса чармдан буюмлар ишлаб чиқаришни ошириш шароитида маҳаллий корхоналарни хом ашё билан таъминлаш мақсадида енгил саноатни ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги вазифалар режаси доирасида жорий қилинди.

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

• Қозоғистон ҳукумати Солиқ кодексига тузатишларни ишлаб чиқяпти, уларга мувофиқ солиқ юки юридик шахслар даромадидан жисмоний шахслар даромадига ўтказилади. Иқтисодий субъектларнинг ишбилармонлик фаоллигини рағбатлантириш учун аҳолининг ижтимоий ночор қатламлари зиммасига тушадиган оғирлик даражаси сақлаб қолинишини ҳисобга олган ҳолда, ўртача муддатли даврда солиқ юкини корпорациялар даромадидан жисмоний шахслар даромадига қайта тақсимлаш мўлжалланган.

• Россия Федерал солиқ хизмати (ФСХ) минтақавий органларга танловлар ўтказиш ва қандайдир мукофотлар топшириш ёки энг яхши солиқ тўловчиларни режали текширувлардан озод қилиш тарзидаги "имтиёзлар" беришни тақиқлади. Бундай танловлар кўпгина минтақаларда ўтказилган. Бироқ ФСХ буни кўп сонли солиқ тўловчиларга нисбатан ноҳақлик деб билди. Бундан ташқари, ғолиблар танлови субъектив амалга оширилган ҳоллар оз эмас. Чунончи, минтақалардан бирида оқибатда ғолиб бўлган фирма раҳбарларига нисбатан солиқлардан бўйин товлаганлик учун жиноят иши қўзғатилган.

***Хорижий матбуот материалларидан.***

***Газетхонларимизнинг саволларига Халқ банки бошқарувининг раис ўринбосари Худойназар ҚУРБОНОВ жавоб беради.***

# МАНБАЛАР БИР НЕЧТА, ҲИСОББАРАҚ ЭСА БИТТА

**?**

***Иш берувчилар томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган ҳисобварақларига мажбурий бадалларни қўшиш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом*** *(МВ, ДСҚ ва МБ бошқарувининг АВ томонидан 2005 йил 6 октябрда 1515-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган)* ***1-бандининг биринчи хатбошисига мувофиқ фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишлаётган шахслар, агар улардан қонунга мувофиқ жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ушланса, жамғариб бориладиган пенсия тизимининг мажбурий иштирокчилари ҳисобланадилар.***

***Асосий иш жойим бўйича, Тошкент шаҳрининг Ҳамза туманида жойлашган ташкилотда менга Халқ банкининг Ҳамза филиалида ШЖБПҲ очишди ва дафтарча беришди. Бундан ташқари, мен ўриндошлик бўйича, шунингдек фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича Мирзо Улуғбек ва Юнусобод туманларида жойлашган ташкилотларда ишлайман.***

***Ҳар ойда менинг иш берувчиларим Ҳамза туманидаги Халқ банки филиалидаги ШЖБПҲимга менга ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ҳақнинг 1%ини ўтказадилар. Бироқ мен ишлайдиган ташкилотлар шаҳарнинг турли туманларида жойлашганлиги ва жамғариб бориладиган пенсия бадалларининг ҳисоби Халқ банкининг турли филиалларида юритилиши боис мен ишланган йил учун бадалларнинг якуний суммасини аниқлай олмаяпман, чунки шахсий ҳисоб маълумотларининг ягона электрон базаси ишламаяпти.***



***Агар уларнинг ҳисобини ҳар бир филиал мустақил амалга ошираётган бўлса, Халқ банкининг қайси филиали менинг дафтарчамга ишланган йил учун жамғариб бориладиган пенсия бадалларининг якуний суммаси тўғрисидаги маълумотларни киритиши, шунингдек уларга фоизларни ҳисоблаб ёзиши керак?***

***Халқ банкининг филиаллари қачон шаҳарнинг турли туманларида жойлашган ташкилотлардан олинган жамғариб бориладиган пенсия бадалларининг суммалари тўғрисидаги маълумотларни шахсий ҳисоб маълумотларининг ягона электрон базасига кирита бошлайдилар?***

***Халқ банкининг санаб ўтилган филиалларидан қайси бири ёки уларнинг ҳар бири менинг дафтарчамга якуний ёзувни киритилиши керак?***

**Э.Ахметова.**

– Ўзбекистон Республикасининг давлат-тижорат Халқ банки сизнинг ўриндошлик бўйича ишлаётган фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари маблағлари ҳисобини юритиш хусусидаги хатингизни кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

«Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун* ва Иш берувчилар томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадалларни қўшиш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомга** кўра иш берувчи юридик шахслар ўз ходимларининг ШЖБПҲига, мазкур юридик шахс ходимнинг асосий иш жойи ҳисобланиши, у ўриндошлик бўйича ёки фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома бўйича ишлашидан қатъи назар, мажбурий бадаллар киритишлари шарт. Иш берувчи – жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчи ўзи жойлашган ердаги Халқ банки филиаллари билан биргаликда ШЖБПҲга мажбурий бадаллар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобини юритади.

Халқ банкида жамғариб бориладиган пенсия тизимининг барча даражаларида маълумотлар ва ахборот айирбошлашни таъминлайдиган шакллантирилган маълумотларнинг ягона электрон базаси асосида шахслаштирилган ҳисоб яратилган. Ҳар йили календарь йил охирида Халқ банки, бунда бадаллар Халқ банкининг қайси филиалига кирим қилинганлигидан қатъи назар, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари маблағларига фоизларни ҳисоблаб ёзади, уларнинг суммаси маълумотларнинг ягона базасида акс эттирилади. Фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия бадаллари ва ҳисоблаб ёзилган фоизларнинг якуний суммаси тўғрисидаги маълумотларни олишлари, шунингдек иш жойи ҳамда яшаш жойидаги Халқ банки филиалларидаги жамғарилган маблағлар тўғрисида ёзувларни қайд этишлари мумкин.

**2004 йил 2 декабрдаги 702-II-сон.*
***МВ, ДСҚ ва МБ бошқарувининг АВ томонидан 2005 йил 6 октябрда 1515-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.*

# ЖАМҒАР ВА КЎПАЙТИР

**?**

***Мен пенсионер бўлсам-да, ишлаяпман. Ҳақиқатда олган иш ҳақимнинг 1%ини корхона бухгалтерияси ҳар ойда мажбурий ажратма сифатида ШЖБПҲга ўтказади. Ёзма аризам асосида ШЖБПҲга ҳар ойда туман ижтимоий таъминот бўлими корхонага ўтказаётган пенсиянинг менга тегишли 50%ини ихтиёрий бадал сифатида ўтказиш мумкинми? Жамғариладиган пенсия тизими амал қиладиган бошқа мамлакатларда ихтиёрий бадал суммасига оширилган фоиз ҳисоблаб ёзилиши тўғрими? Ўзим республикамиздаги ШЖБПҲни пул маблағларини жамғаришнинг ишончли, давлат кафолатлаган жамғаруви деб ҳисоблайман.***

**Женя А.**



– Давлат-тижорат Халқ банки хатингизни кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

«Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга* кўра жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий ва ихтиёрий иштирокчилар иштирок этадилар. Меҳнат фаолиятини меҳнат шартномалари бўйича амалга оширадиган фуқаролар (шу жумладан ишлайдиган пенсионерлар, ўриндошлар), шунингдек ишларни фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича бажарадиган фуқаролар **мажбурий** иштирокчилар ҳисобланадилар. Қонун ҳужжатларига мувофиқ жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлашдан тўлиқ озод қилинган бошқа фуқаролар, якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахсни ташкил этмаган деҳқон хўжаликларининг аъзолари **ихтиёрий** равишда иштирок этадилар.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимининг ҳар бир иштирокчисига Халқ банкида эгаси ёзилган **шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи (ШЖБПҲ)** очилади. Унга кейинчалик бадал киритувчиларнинг (жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг фойдасига ШЖБПҲга бадаллар киритаётган иш берувчи юридик шахс ёки жисмоний шахснинг) жамғариб бориладиган бадаллари ва ШЖБПҲ маблағларига ҳисоблаб ёзилган фоизлар келиб тушиши керак. Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари олувчининг яшаш жойи, иш жойи ёки фамилияси ўзгарганда янги шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи очиш талаб қилинмайди – у бир марта очилади ва умрбод амал қилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида **мажбурий** тартибда иштирок этадиган фуқароларга шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи бадал киритувчи (иш берувчи) жойлашган ердаги Халқ банки филиалида очилади. Фуқароларнинг ШЖБПҲга мажбурий бадаллари иш берувчи томонидан 1% миқдорида ҳақиқатдаги иш ҳақидан эмас, балки ходимга ҳисоблаб ёзилган иш ҳақининг (даромаднинг) солиқ солинадиган суммасидан ҳисоблаб ёзилади, ушбу сумма жисмоний шахслардан қонунга мувофиқ олинадиган даромад солиғи суммасидан чегирилади. Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари, улар бўйича фоиз даромадлари, шунингдек жамғариб бориладиган пенсия тўловларига жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинмайди *(СК 179-моддасининг 27-банди).*

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида **ихтиёрий** иштирок этаётган фуқароларга шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи пул маблағлари тўланиши чоғида яшаш жойидаги Халқ банки филиалида очилади. Бунда сумма ва уни кирим қилиш даври чекланмаган.

Ишлаётган пенсионер (давлат пенсиясини олса) туман ижтимоий таъминот бўлимига (яшаш жойи бўйича) ихтиёрий бадал сифатида унга тегишли бўлган пенсиянинг 50%ини ШЖБПҲга ўтказиш тўғрисида ёзма ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир.

Фоиз ставкаси иштирокчиларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий ва ихтиёрий бадалларга бир хилда белгиланади. Унинг миқдорини Халқ банки Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки билан келишилган ҳолда белгилайди. Чунончи, 2007 йил учун бадалларга фоиз ставкаси йиллик 10% миқдорида белгиланган.

** 2004 йил 2 декабрдаги 702-II-сон.*

# ДИРЕКЦИЯ МАСЪУЛ

**?**

***Салом, ҳурматли газета!***

***Сизга Чехия фуқароси, бизнесмен Karel Vovchek мурожаат қилмоқда. Мен Ўзбекистонда саккиз йилдан бери ишлаяпман. Газетангизни ўз бухгалтерим билан биргаликда ўқийман. Газета фойдали, бироқ унда керакли ҳамма нарса ҳам берилмайди.***



***Яқинда бухгалтерим бир муаммога дуч келди. У II гуруҳ ногирони (ишлаш ҳуқуқи билан) ва пенсияни фирмам ҳисоб-китоб рақами орқали олади. Пенсия олиш учун фирма ҳар ойда туман ижтимоий таъминот бўлимига белгиланган намунадаги буюртманома топширади. Илгари пенсия ишлайдиган пенсионерларга буюртманома ушбу органга топширилган пайтдан бошлаб икки ҳафта мобайнида ўтказиларди.***

***Охирги йилда у пенсияни ойнинг сўнгги кунида ўтказа бошлади – амалда бухгалтер пенсияни бир ой кечикиб олмоқда, февралда эса ҳозирча пул умуман келиб тушмади. У 2008 йил январи учун тўланадиган пенсия эди.***

***Янги Солиқ кодексига кўра, агар фирма бюджетга зарур солиқ ажратмаларини ўз вақтида тўламаса, солиқ инспекцияси пеня ҳисоблаб ёзишга ҳақлидир, кейинчалик эса ундиришни фирма мол-мулкига қаратиш учун ишни судга топшириши мумкин. Шу муносабат билан газетангиз саҳифаларидан қуйидаги саволларга жавоб олишни хоҳлардим.***

***1. Ишлаётган пенсионерга туман ижтимоий таъминот бўлими пенсияни қанча вақт мобайнида ўтказиши керак?***

***2. Ишлаётган пенсионерга пенсия ўз вақтида ўтказилмагани учун ким шахсан жавобгар бўлади?***

***3. Ишлаётган пенсионерга пенсия ўз вақтида ўтказилмаганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра пеня, жарима жазоси ва жавобгарликнинг, жазонинг бошқа турлари назарда тутиладими?***

***Менинг хатимга кўрсатган эътиборингиз учун аввалдан миннатдорчилик билдираман.***

**Karel Vovchek.**

– Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги хатингизни кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади:

Пенсия жамғармасининг Ижрочи дирекцияси жамғарма маблағларини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ҳисоб-китоб рақамига ўтказиш йўли билан сарфлайди:

жорий тўлов ойининг 15-кунигача – жорий ой эҳтиёжи ҳисоб-китобидан келиб чиқиб 50% миқдоридаги суммалар;

жорий тўлов ойининг 27-кунигача – ҳақиқий эҳтиёж тақдим этилган ҳажмининг қолган суммаси.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ўз навбатида 2 банк куни мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаларининг ҳисобрақамларига тегишли маблағларни ўтказади. Улар буюртманома асосида белгиланган тартиб ва муддатларда маблағларни туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимларига ўтказадилар.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига кўра жамғарманинг Ижрочи дирекцияси пенсия, нафақа ва компенсацияларни тўлашга назарда тутилган жамғарма маблағларини ўз вақтида ҳамда тўлиқ молиялаш учун жавобгар бўлади.

***Н.АЛЛАЕВ,***
***Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг пенсия ва нафақаларни тўлаш мониторинги бўлими бошлиғи.***

# ЮРИСТНИНГ ВИЗАСИ

## У НЕГА КЕРАК ВА УНИНГ ЙЎҚЛИГИ НИМАГА ОЛИБ КЕЛАДИ?

***«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун (1998 йил 29 август 670-I-сон) (бундан кейин – 670-I-сон Қонун) 21-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ ҳуқуқшуноснинг визасини олмасдан хўжалик юритувчи субъектларнинг бирор-бир хўжалик шартномаларини тузишларига йўл қўйилмайди.***

***Мазкур талаб бўлишига қарамасдан баъзан раҳбар шартномаларнинг шартлари қонун талабларига мувофиқ келишини ҳуқуқшуносга олдиндан тасдиқлатмасдан уларни имзолайверади. Кўпинча бундай хатоларга шартномаларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун сарфланадиган вақтни ва ўз юридик хизматига ёки четдан жалб қилинадиган ҳуқуқшуносларнинг хизмат ҳақлари харажатларини тежаш мақсадида йўл қўйилади. Аммо бундай «тежамкорлик» корхона учун янада кўп моддий йўқотишларга олиб келиши мумкин.***

Тушунтиришлар электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди
NORMA
Ахборот-ҳуқуқий тизими
КОРХОНА ЮРИСТИ
04_0020
Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:
Тошкент ш.: (99871) 237-07-78, 237-45-29
Гулистон ш.: (3672) 27-58-97
Самарқанд ш.: (3662) 23-23-73
Наманган ш.: (3692) 32-84-26
Фарғона ш.: (3732) 26-78-80
Андижон ш.: (3742) 50-25-96
Карши ш.: (99875) 227-18-11

### НИМАЛАР ВИЗА ҚИЛИНИШИ КЕРАК?

Амалдаги қонунчилик барча тадбиркорлик субъектларига фақат **хўжалик шартномаларини визалаш мажбуриятини** юклайди *(670-1-сон Қонун 21-моддасининг биринчи қисми).* Корхонада тузиладиган бошқа ҳужжатларга (масалан, фуқаролик-ҳуқуқий, меҳнат шартномалари, корхонанинг ички ҳужжатлари ва ҳоказо) нисбатан қонун бундай талабларни қўймайди.

Аммо шунга қарамасдан, хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларига **ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳар қандай расмий ҳужжатни** имзолашдан аввал сиз имзолайдиган ҳужжат қонунчилик талабларига мос келишини тасдиқловчи ҳуқуқшуноснинг визасини олишни тавсия қиламиз. Бундай эҳтиёткорлик мазкур ҳужжатнинг қонунчиликка номувофиқ келиши туфайли корхона кўрадиган моддий йўқотишларда ҳуқуқшунос виза қўйган ҳолатда раҳбарга айрим кафолатларни беради. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судига мурожаат қилиб, ҳуқуқшуносдан қонуний асосда бу зарарни тўлашни талаб қилиш мумкин[1]. Акс ҳолда барча жавобгарлик раҳбар зиммасига тушади.

***Мисол.*** *А корхона (харидор) Б корхона (сотувчи) билан В корхона олдидаги пудрат шартномаси асосидаги ўз мажбуриятларини бажариш учун А корхонага зарур бўлган товарни етказиб беришга шартнома тузди. Шартнома шартларига кўра А корхона Б корхонанинг ҳисобрақамига олдиндан ҳақ ўтказди, аммо Б корхона товарни етказиб бермади, буни А корхона билан шартномани ваколатга эга бўлмаган шахс имзолаганлиги билан изоҳлади. Натижада А корхона В корхона билан пудрат шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажариш муддатларини бузиб, унга неустойка тўлади. Агар товар етказиб бериш шартномаси А корхонанинг ҳуқуқий маслаҳатчиси томонидан имзоланганида, юридик шахснинг раҳбари унга регресс тартибда даъво қилиши мумкин эди.*

Тузиладиган хўжалик шартномаси расман қонунчиликка мос келадиган, аммо тарафларнинг ҳақиқий иродаси унинг мазмунига мувофиқ келмайдиган ҳолатлар ҳам учрайди.

***Мисол.*** *Фирма раҳбари суғурта ташкилоти билан ҳуқуқшуноснинг визасини олмасдан мол-мулкни суғурта қилиш шартномасини тузади, ҳужжатда суғурта қилинадиган ҳолат сифатида фақат табиат ҳодисалари туфайли келиб чиқадиган бартараф қилиб бўлмайдиган ҳолатларгина (тошқин, зилзила, қурғоқчилик ва ҳоказо) қайд қилинганлигига эътибор бермайди. Шубҳасиз, бу ҳолатда суғурта қилувчи шартнома тузар экан, суғурта ҳолати юз бериши эҳтимоли жуда камлигига ишонган ва ўзи учун бирор-бир юридик оқибатларсиз амалда суғурта мукофоти миқдорида пул маблағларини олган. Раҳбарнинг бундай эҳтиётсизлиги фирма учун нафақат суғурта мукофоти миқдорида моддий йўқотишларга олиб келиши, балки суғурта қилинган мол-мулкнинг шикастланиши ёки йўқотилиши қийматини қоплаш ўз зиммасида қолиши ҳам мумкин.*

Бундан ташқари, у ёки бу хўжалик шартномасининг тузилиши корхонанинг устав фаолиятига зид келиши (дейлик, таъсис ҳужжатларида юридик шахс фаолиятнинг аниқ турини амалга ошириш ҳуқуқига эга эмаслиги ҳақидаги қоида мавжуд бўлади) ёхуд тегишли лицензия мавжуд бўлишини талаб қилиши мумкин. Масалан, улгуржи савдони амалга ошириш лицензиясига эга бўлмасдан товарларни улгуржи сотишга шартнома тузар экан, корхона ҳуқуқий тартибни бузади, бунинг учун қонунда лицензиясиз фаолият кўрсатган давр учун бу фаолият турларини амалга оширишдан олинган соф фойда миқдорида юридик шахсга жарима солинади *(амалдаги Солиқ кодексининг 117-моддаси),* унинг раҳбари эса энг кам иш ҳақининг 10-15 баравари миқдорида жаримага тортилади *(Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 176-моддасининг биринчи қисми, бундан кейин – МЖТК).*

Шуни айтиш лозимки, шартномаларни олдиндан ҳуқуқий экспертизадан ўтказмасдан имзолаш натижасида салбий оқибатлар нафақат корхонада, балки раҳбарнинг ўзида ҳам юзага келиши мумкин.

***Мисол.*** *Корхона раҳбари олди-сотди шартномасини имзолади, унинг шартлари орасида контрагентнинг товарга олдиндан ҳақ тўлаш мажбурияти йўқ эди. Шартнома шартларини бажара бориб, корхона маҳсулотни унинг қийматига олдиндан ҳақ олмасдан сотди. Бу эса тўлов интизомини бузиш ҳисобланади ва энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда маъмурий жарима солишга олиб келади (Президентнинг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» ПФ-1154-сон Фармони 1-банди ва МЖТК 175-моддаси 3-қисмининг маъносидан келиб чиққанда).*

Хўжалик шартномалари бўлмаган бошқа ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказмасдан раҳбар томонидан имзолашда ҳам шундай салбий оқибатлар вужудга келиши мумкин. Масалан, ходимни ҳуқуқшуноснинг олдиндан визасини олмасдан ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруқни имзолар экан, иш берувчи унинг барча оқибатлари учун бутун масъулиятни ўз зиммасига олади, ходим судга мурожаат қилса ва суд уни ишдан ноқонуний бўшатилган деб топиб, раҳбарга ишдан бўшатилган ходимни ишга тиклаш ҳамда унга моддий ва маънавий зарарни қоплаш мажбуриятини юклайдиган ҳоллар пайдо бўлиши мумкин. Агар буйруқ ҳуқуқшунос томонидан олдиндан визаланган бўлса, иш берувчи суд қарорини бажарар экан, ҳуқуқшуносдан суд тартибида ўз мажбуриятларини етарлича бажармаганлиги натижасида ўзига етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлар эди.

Четдан жалб қилинган ҳуқуқшуносларга ҳар бир ҳужжатни имзолаш учун мурожаат қилиш кўп ташвиш уйғотиши ва қимматга тушиши сабабли ҳуқуқшунослар учун иш ҳақи фондини тежаш мақсадга мувофиқ эмас ҳамда корхона штатида ўз юридик хизматини ёки ҳуқуқий маслаҳатчи лавозимини назарда тутиш керак.

### ҚАЧОН ЁЗМА ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА ЗАРУР?

670-I-сон Қонун 21-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, хўжалик шартномалари суммаси шартнома тузадиган кунда қонунчиликда белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 бараваридан ошиқ бўлса, шартнома ҳуқуқшуноснинг ёзма хулосасидан кейин имзоланади. Бошқача қоида белгиланмаганлиги туфайли, контрагентингизда бундай хулосанинг мавжудлиги сизни шартнома тузишдан олдин ўз юридик хизматингизнинг ёзма хулосасига таяниш мажбуриятидан озод қилмайди.

Бундай хулосада қуйидагилар ҳақида маълумот бўлиши керак деб ҳисоблаймиз:

– хўжалик шартномаси шартларининг қонунчилик талабларига мувофиқ келиши;

– унинг тўғри расмийлаштирилганлиги;

– тарафларнинг шартнома тузишга ваколатлилиги;

– тарафлар номидан шартномани имзоловчи шахсларнинг уни имзолашга ваколатлилиги;

– шартнома тузиш пайтида тарафларнинг унинг шартларини бажаришга таъсир қилиши мумкин бўлган ҳолатларнинг мавжудлиги;

– шартнома бўйича муносабатлар тартибга солинадиган меъёрий-ҳуқуқий қонунчилик ҳужжатлари ва ҳоказо.

### ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗА ВА ВИЗА ҚЎЙИШ

Ҳуқуқшунос ҳужжатнинг қонунчилик талабларига мувофиқ келишини экспертизадан ўтказар экан, тегишли мансабдор шахслардан кўриб чиқиладиган ҳужжатнинг моҳиятига даҳлдор қўшимча маълумотларни сўраб олишга ҳақлидир. Уларни бериш раҳбарнинг манфаатларига хизмат қилади. Акс ҳолда ҳужжатнинг моҳиятига холис ҳуқуқий баҳо бериш имкониятининг йўқлиги туфайли ҳуқуқшунос уни имзолашдан бош тортиши мумкин.

Экспертизага бериладиган муддатлар раҳбар (корхона ташкилий тузилмаларининг бошлиқлари) ва ҳуқуқшунос томонидан келишилган ҳолда белгиланади. Ҳар қандай ҳолда бу муддатлар корхона ишини секинлаштирмаслиги керак. Кўрсатилган масалалар бўйича фирма раҳбари аниқ шарт-шароитларни назарда тутиши ва корхона ҳужжатларини визалаш масалаларини тартибга солувчи ички ҳужжатни тасдиқлаши мумкин.

Амалдаги қонунчиликда тадбиркорлик субъектларининг ҳужжатларига ҳуқуқшуносларнинг визасини расмийлаштиришга тегишли қандайдир талаблар назарда тутилмаган. Шу сабабли визалаш эркин шаклда амалга оширилиши мумкин. Шубҳасиз, юридик виза қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- шахсий имзо;
- имзонинг аниқ кимга тегишлилиги *(инициаллар ва фамилияни ёзиш);*
- виза қўювчи шахснинг лавозими *(масалан, юридик хизмат бошлиғи, ҳуқуқий маслаҳатчи ва ҳоказо);*
- визалаш санаси *(визалаш санаси корхона раҳбарининг имзолаш санасидан олдин бўлиши мақсадга мувофиқдир).*

Виза ҳуқуқшунос виза қўядиган ҳужжатнинг ҳар бир саҳифасига қўйилиши керак деб ҳисоблаймиз.

### ВИЗАНИНГ ЙЎҚЛИГИ НИМА БИЛАН ТАҲДИД СОЛАДИ?

Хўжалик шартномалари тузиш ҳақидаги қонун талабларига риоя қилмаслик ҳуқуқшуноснинг визасини олгандан кейин битимнинг ноҳақиқийлигига олиб келмайди (Олий хўжалик суди пленумининг 2002 йил 4 мартдаги «Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунини хўжалик судлари амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида» 103-сон қарори 9-банди).

Кўрсатилган талабни бузганлик учун корхона (унинг раҳбари)га нисбатан амалдаги қонунчиликда жавобгарлик белгиланмаган.

670-I-сон Қонун 23-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ хўжалик шартномалари тўғрисидаги шартномаларга риоя қилиш устидан назоратни прокуратура органлари амалга оширади. Улар тадбиркорлик субъекти хўжалик шартномаларини ҳуқуқшуноснинг визасини олмасдан тузганлигини аниқлаган ҳолда прокурор ҳужжатда кўрсатилган камчиликни бартараф қилиш тўғрисида унинг раҳбарига тақдимнома юборади. Кейинчалик хўжалик шартномаларини ҳуқуқшуноснинг визасини олмасдан имзолашга йўл қўймаслик ушбу камчиликни бартараф қилиш деб ҳисобланади, чунки бизнингча, тузиб бўлинган шартномаларга бундай визани қўйишдан маъно йўқ.

Прокурорнинг тақдимномаси корхона раҳбари томонидан кечиктирмасдан кўриб чиқилиши керак. Ҳуқуқшуноснинг визаси бўлмаса, у тақдимнома олинган пайтдан бошлаб шартномалар тузиш амалиётини тўхтатиши керак деб ўйлаймиз. Шу муносабат билан қабул қилинган чоралар тўғрисида раҳбар бир ойлик муддат ичида прокурорга ёзма ахборот бериши керак (2001 йил 29 августдаги «Прокуратура тўғрисида»ги 257-II-сон Қонун 40-моддаси иккинчи қисми). Буни тегишли прокуратура органларига хизмат хати юбориб амалга ошириш мумкин.

Прокурорнинг тақдимномаси кўриб чиқилмаган ёхуд у тўла ҳажмда бажарилмаган ҳолда фирма раҳбарига нисбатан маъмурий иш қўзғатилиши, унинг натижаларига кўра раҳбар прокурор талабларини бажармаганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин. Бундай ҳуқуқбузарлик МЖТКнинг 197-моддасига мувофиқ энг кам иш ҳақининг 2 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима солишга олиб келади.

Юқорида кўрсатилган қоида прокуратура органлари томонидан унга доир дастлабки юридик хулосани олмасдан нархи энг кам иш ҳақининг 200 бараваридан ошувчи шартномаларни хўжалик юритувчи субъектлар имзолаган ҳолатлар аниқланганда ҳам қўлланилади.

Ёзма юридик хулосанинг йўқлиги ҳам (у мажбурий бўлган ҳолларда) корхона учун бошқа нохуш оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, агар шартнома Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Ўзбекистон Республикаси хўжалик субъектлари томонидан тузиладиган экспорт контрактлари **(шартнома ва битимлар)ни рўйхатга олиш** ва импорт контрактлари (шартнома ва битимлар)ни экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг[2] 1 ёки 2-бандларига мувофиқ ТИАИСВда рўйхатга олиниши ёки экспертиза қилиниши керак бўлса, ёзма юридик хулосанинг йўқлиги бунда рад этиш учун асос бўлиб хизмат қилади[3]. Хўжалик юритувчи субъектлар тузадиган шартнома тегишли давлат органларида мажбурий рўйхатга олиниши керак бўлган барча ҳолларда ҳам ана шундай оқибатлар келиб чиқиши мумкин[4].

***Екатирина БУХТИЯРОВА,***
***«Norma» МЖҲ эксперт юристи.***

---

*[1] Фуқаролик кодекси (бундан кейин – ФК) 1001-моддаси биринчи қисмининг мазмунидан келиб чиқиб.*

*[2] ТИАИСВ МВ ва ДБҚнинг (АВ томонидан 2006 йил 3 июлда 1588-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган);*

*[3] Кўрсатилган низом 9-бандининг тўртинчи хатбошиси.*

*[4] Импорт контрактлари (Импорт шартномаларини ҳисобга қўйиш ва улар тўловини хўжалик субъектларининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-ва 6-бандлари мазмунидан келиб чиқиб (МБ бошқаруви, ИВ, МВ ва ДБҚнинг қарори билан тасдиқланган, АВ томонидан 2005 йил 4 октябрда 1514-сон билан рўйхатдан ўтказилган), кўчмас мулк (ФК 84-моддасининг биринчи қисми) ва автомототранспорт воситалари бўйича битимлар (Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартдаги 38-сон қарори билан тасдиқланган Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни, уларни бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномаларини расмийлаштириш тартиби тўғрисида низомнинг 10-банди), хўжаликлар ҳамда тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш моддий-техника ресурсларини етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш/ишларни бажариш бўйича барча шартномалар (Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ хўжелиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида низомнинг 5-банди) ва ҳоказолар мажбурий рўйхатдан ўтказилади.*

• РЕКЛАМА
МАРКЕТИНГ
– Брэнд (марка) ишлаб чиқиш ва илгари суриш
– Маркетинг кузатуви ва тадқиқотлари
– Сотувларни ошириш
Тўлов натижаларга кўра.
«Академпресса», т./ф.: 241-05-42, 241-14-10
pr_7-41-021

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:**

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ:**

– «Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида».

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:**

– «Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари қоидаларига ўзгартириш киритиш тўғрисида»;

– «Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида».

- **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТ:**

– ЎзР ДБҚнинг «Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қиймати декларациясини тўлдириш бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ*

## ЛОЙИҲА-ТАДҚИҚОТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 18-сон, 147-модда)*

Кейинги йилларда иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва лицейлар, соғлиқни сақлаш объектларини барпо этиш ва реконструкция қилиш дастурларини амалга оширишга доир кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида лойиҳа-тадқиқот ишлари ҳажми сезиларли равишда ошганини қайд этиш зарур.

Шу билан бирга, лойиҳалаш ишларини ташкил этиш борасидаги жиддий камчиликлар амалга оширилаётган инвестиция жараёнларига тўсқинлик қилмоқда ва уларнинг самарадорлигини пасайтирмоқда. Аксарият хусусийлаштирилган лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолияти лойиҳа-смета ҳужжатларини сифатли ишлаб чиқиш бўйича замон талабларига жавоб бермайди. Лойиҳалаш ишлари сифати ҳам сезиларли равишда пасайгани кузатилмоқда. Бунинг натижасида ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари кўпинча ваколатли экспертиза органлари томонидан қайта ишлаб чиқиш учун қайтарилмоқда.

Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари амалиётига лойиҳалаштиришнинг замонавий услублари, жумладан, лойиҳалаш ишларини автоматлаштириш ва амалий дастурий маҳсулотлар суст жорий этилмоқда.

Ёш ва истиқболли лойиҳачи кадрларни кўпайтиришга етарли эътибор қаратилмаётгани, республикамизнинг ушбу йўналишдаги олий ўқув юртларида уларни тайёрлаш сифатининг талаб даражасида эмаслиги натижасида аксарият лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари раҳбарлари ва мутахассисларининг малакаси пастлигича қолмоқда.

Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг истиқболли ва иқтисодий жиҳатдан самарали инвестиция ечимларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда фаол иштирокини таъминлаш, моддий-техника базаси ва кадрлар таркибини мустаҳкамлаш, шу асосда ишлаб чиқиладиган лойиҳалар сифатини жиддий ошириш мақсадида:

1. Низом жамғармасида давлат улуши камида 51 фоизни ташкил этадиган етакчи лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар қайд этилган етакчи лойиҳа-тадқиқот ташкилотларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ўрта ва узоқ муддатли истиқболда иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича таклифлар тайёрлаш, шунингдек, инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда белгиланган тартибда иштирок этиш;

илғор хорижий тажрибадан фойдаланган ҳолда, лойиҳалаштиришнинг замонавий ва илмий жиҳатдан асосланган технологик тартибини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

объектларни автоматлаштирилган тарзда лойиҳалаштиришнинг, жумладан, қурилишнинг илғор ва янги турдаги қурилиш материалларини қўллашни кўзда тутадиган замонавий технологияларини жорий этиш;

муаллифлар томонидан лойиҳалаштирилган объектлар қурилишининг барча босқичларида сифатли муаллифлик назоратини таъминлаш;

илмий-тадқиқот институтлари ва етакчи олий ўқув юртларини жалб этган ҳолда, юқори технологик услублар ва ускуналарни халқаро стандартлар даражасида қўллашни кўзда тутадиган лойиҳалаштириш жараёнларига замонавий меъёрлар ва стандартларни татбиқ этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

ушбу йўналишда фаолият кўрсатаётган олий ўқув юртлари талабаларининг ўқув-ишлаб чиқариш амалиётини ўташида, ўқитувчиларининг тажриба орттиришида, уларга автоматлаштирилган тарзда лойиҳалаштиришнинг замонавий технологиялари бўйича материаллар ҳамда услубларни тақдим этиш борасида кўмаклашиш.

2. Ўзбекистон Республикасида Лойиҳалаш ишларини такомиллаштиришга оид комплекс тадбирлар 2-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

***2-илова келтирилмайди.***

етакчи лойиҳа-тадқиқот ташкилотларининг лойиҳалаш фаолиятини мувофиқлаштириш;

шаҳарсозлик соҳасида илмий-тадқиқот ишлари буюртмачиси бўлиш, бу мазкур ишларни қурилиш меъёрлари, қоидалари ва стандартларига киритишни, лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасида янги концепцияларни яратишни ҳам ўз ичига олади.

4. 2008 йилнинг 1 майидан етакчи лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари асосий фаолият тури бўйича 3 йил муддатга фойда ва мулк солиғини тўлашдан, шунингдек, давлат улуши бўйича дивидендларни беришдан озод этилсин, бўшаган маблағлар уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда мутахассислар малакасини оширишга мақсадли йўналтирилсин.

Белгилансинки, солиқ солишдан бўшаган маблағлар, шунингдек, давлат улуши бўйича дивидендлар 1-иловага** мувофиқ белгиланган тартибда етакчи лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари низом жамғармаларига давлатнинг қўшган ҳиссаси сифатида капиталлаштирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2008 йил 1 июлгача:

Тошкент архитектура-қурилиш институти, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти, Тошкент давлат техника университети ва Тошкент кимё-технология институти раҳбарлари ҳамда ихтисослашган кафедралари мудирларини аттестациядан ўтказсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда юқорида номлари қайд этилган олий ўқув юртлари, шунингдек, иқтисодиёт тармоқларида техника йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлайдиган бошқа олий ўқув юртларида ўқув режалари ва дастурларини қайта кўриб чиқсин, бунда саноат, инфратузилма ва фуқаролик объектларини лойиҳалаштириш соҳасида лойиҳалаш ишини ривожлантиришнинг халқаро стандартлари ҳамда йўналишларига мувофиқ тарзда замонавий фикрлайдиган, малакали мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонунчиликка мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.Ханов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти***
***И.КАРИМОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 29 апрель*
*ПҚ–847-сон.*

---

***1-илова рус тилида берилади.**

*ПРИЛОЖЕНИЕ N 1*
*к постановлению Президента РУз*
*от 29 апреля 2008 года N ПП-847*

## ПЕРЕЧЕНЬ ВЕДУЩИХ ПРОЕКТНО-ИЗЫСКАТЕЛЬСКИХ ОРГАНИЗАЦИЙ С ГОСУДАРСТВЕННОЙ ДОЛЕЙ В УСТАВНОМ ФОНДЕ В РАЗМЕРЕ НЕ МЕНЕЕ 51 ПРОЦЕНТА

1. Институт «Узтяжнефтегазхимпроект»
2. ЗАО«УзЛИТТИ»
3. ОАО «УзшахарсозликЛИТИ»
4. ЗАО «Узпулаткурилмалойиха»
5. ОАО «Узогирсаноатлойиха»
6. ООО «Узмеъморкурилишлойиха»
7. ЗАО «К.М. Жумаев номидаги ЗПЛИТИ»
8. ГУП «ГИИИГГК»
9. ОАО «УзЛИТИнефтегаз»
10. ОАО «Гидропроект»
11. ОАО «Средазсетьпроект»
12. ОАО «Кишлокэнерголойиха»
13. ОАО «Иссикликэлектрлойиха»
14. ОАО «Узкимёсаноатлойиха»
15. ГеотехЛИТИ
16. ОАО «Узрангметлойиха»
17. Управление проектных работ АГМК
18. ООО «Узенгсанлойиха»
19. ООО «Узкоммуналлойихакурилиш»
20. ООО «Узгазлойиха»
21. ОАО «Тоштемирйуллойиха»
22. ОАО «Боштранслойиха»
23. ООО «Йул-лойиха бюроси»
24. ГУП «Тошкентбошпланлити»
25. ОАО «Тошуйжойлойиха»
26. ГУП «Алокалойиха»
27. ООО «Узкишлоклойиха»
28. ООО «УзГИП»
29. ОАО «Узсувлойиха»
30. ООО «Сувсаноатфукароли»
31. ООО «Узмевасабзавотузум-саноатлойиха»
32. ООО «Донлойиха»
33. ООО «Тиблойиха»
34. Военпроект
35. ЗАО «Чегаралойиха»
36. ОАО «Ташгипрогор»

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ХОРИЖИЙ ФУҚАРОЛАР ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛИШЛАРИ ҚОИДАЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 19-сон, 158-модда)*

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига риоя қилиниши учун хорижий фуқароларнинг масъулиятини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида» 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари қоидаларининг 40-бан-

ди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«40. Хорижий фуқаро:

а) Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузган тақдирда, яъни Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар бўйича яшаганда, вақтинча ёки доимий рўйхатдан ўтишнинг, ҳаракат қилиш ёки яшаш жойини танлашнинг белгиланган тартибига риоя қилмаганда, бўлиш муддати тугагандан кейин чиқиб кетишдан бош тортганда, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит бўйича ўтиш қоидаларига риоя қилмаганда;

б) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган жиноят учун суд томонидан тайинланган жазони ижро этгандан ёки ўтагандан ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилингандан кейин, кейинчалик келиш ҳуқуқини чеклаган ҳолда Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юборилиши мумкин».

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар икки ҳафта муддатда ўзининг идоравий норматив ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири Б.А.Матлюбов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 6 май*
*86-сон.*

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

# ДАВЛАТ АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ УЧУН МАСЪУЛ БЎЛГАН ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ РЎЙХАТИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 19-сон, 159-модда)*

Давлат ахборот ресурсларини ҳисобга олишни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 20 февралдаги 27-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 2-сон, 11-модда) билан тасдиқланган Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхатига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 7 май*
*87-сон.*

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2008 йил 7 майдаги 87-сон қарорига*
*ИЛОВА*

## ДАВЛАТ АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ УЧУН МАСЪУЛ БЎЛГАН ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ РЎЙХАТИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. 1-позиция қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

| | | |
|---|---|---|
| 1 | Суғурта қилувчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | Молия вазирлиги |

2. 1-1-позиция қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

| | | |
|---|---|---|
| 1-1 | Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензияга эга бўлган аудиторлик ташкилотлари реестри | Молия вазирлиги |

3. 1-1-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 1-2 - 1-3-позициялар қўшилсин:

| | | |
|---|---|---|
| 1-2 | Малака сертификатига эга бўлган аудиторлар реестри | Молия вазирлиги |
| 1-3 | Лотереялар ташкил этиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | |

4. 3-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 3-1 — 3-6-позициялар қўшилсин:

| | | |
|---|---|---|
| 3-1 | Нодавлат нотижорат ташкилотлари реестри | Адлия вазирлиги |
| 3-2 | Диний ташкилотлар реестри | |
| 3-3 | Давлат нотариал идоралари ҳамда хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар идоралари реестри | |
| 3-4 | Адвокатлар, шунингдек адвокатлик бюролари, ҳайъатлари, фирмалари реестри | |
| 3-5 | Юридик шахслар бирлашмалари реестри | |
| 3-6 | ФҲДЁ органлари | |

5. 17-2-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 17-3 - 17-4-позициялар қўшилсин:

| | | |
|---|---|---|
| 17-3 | Сертификатланган маҳсулотларнинг давлат реестри | Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги |
| 17-4 | Ўлчаш воситаларини тайёрлаш, реализация қилиш ва прокатга бериш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | |

6. 23-позиция ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. 27-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 27-1 - 27-2-позициялар қўшилсин:

| | | |
|---|---|---|
| 27-1 | Олдиндан тайёрлаб қўйилган маълумотнома харита | Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси |
| 27-2 | Геодезия ва картография фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | |

8. 29-позициянинг «Давлат ахборот ресурслари номи» устунидаги «шу жумладан чет эллардаги музейлар» сўзлари чиқариб ташлансин.

9. 30-позициянинг «Давлат ахборот ресурслари номи» устунидаги «ва спорт» сўзлари чиқариб ташлансин.

10. 31-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 31-1-позиция қўшилсин:

| | | |
|---|---|---|
| 31-1 | Спорт иншоотлари реестри | Маданият ва спорт ишлари вазирлиги |

11. 32-позициянинг «Давлат ахборот ресурслари номи» устунидаги «умумий ўрта ва мактабдан ташқари» сўзлари чиқариб ташлансин.

12. 32-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 32-1 - 32-2-позициялар қўшилсин:

| | | |
|---|---|---|
| 32-1 | Умумий ўрта таълим таълим муассасалари | Халқ таълими вазирлиги |
| 32-2 | Мактабдан ташқари таълим таълим муассасалари | |

13. 36-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 36-1-позиция қўшилсин:

| | | |
|---|---|---|
| 36-1 | Бакалавриат йўналишлари ва магистратура ихтисосликлари ўқув режалари | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги |

14. 38-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 38-1 — 38-20-позициялар қўшилсин:

| | | |
|---|---|---|
| 38-1 | Ов ва спортга мўлжалланган ўқотар қуролни ҳамда унинг ўқ-дориларини, шунингдек тиғли қуролни (пичоқларнинг миллий турларидан ташқари) ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | Ички ишлар вазирлиги |
| 38-2 | Ёнғинга қарши автоматика воситаларини, қўриқлаш сигнализацияларини, ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғиндан сақловчи сигнализацияларни лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | |
| 38-3 | Таркибида гиёҳванд моддалар бўлган ўсимликларни етиштириш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | |
| 38-4 | Рўйхатдан ўтказилган шахсий автомототранспорт воситаларининг маълумотлар базаси | |
| 38-5 | Юридик шахсларнинг рўйхатдан ўтказилган автомототранспорт воситаларининг маълумотлар базаси | |
| 38-6 | Профилактик ҳисобда турган шахсларнинг маълумотлар базаси | |
| 38-7 | Республика қидирувида бўлган шахсларнинг маълумотлар базаси | |
| 38-8 | Давлатлараро қидирувда бўлган шахсларнинг маълумотлар базаси | |
| 38-9 | Темир йўл чипталари сотиб олган шахсларнинг маълумотлар базаси | |
| 38-10 | Авиачипталар сотиб олган шахсларнинг маълумотлар базаси | |
| 38-11 | Йўқотиб қўйилган, ўғирланган ва топилган рақамли буюмларнинг маълумотлар базаси | |
| 38-12 | Республика бўйича йўқотиб қўйилган, ўғирланган ва олиб қўйилган нарезкали қуролларнинг маълумотлар базаси | |
| 38-13 | МДҲ давлатлари бўйича йўқотиб қўйилган, ўғирланган ва олиб қўйилган нарезкали қуролларнинг маълумотлар базаси | |
| 38-14 | Республика бўйича йўқотиб қўйилган ва ўғирланган автотранспорт воситаларининг маълумотлар базаси | |
| 38-15 | МДҲ давлатлари бўйича йўқотиб қўйилган ва ўғирланган автотранспорт воситаларининг маълумотлар базаси | |

| | | |
|---|---|---|
| 38-16 | Фуқаролар ва ташкилотларнинг рўйхатдан ўтказилган қуролларининг маълумотлар базаси | Ички ишлар вазирлиги |
| 38-17 | Жиноий жавобгарликка тортилган шахслар бармоқ изларининг маълумотлар базаси | |
| 38-18 | Шахсларнинг фото тасвири туширилган ва паспорт 1-шакли ахборотларининг маълумотлар базаси | |
| 38-19 | Ҳайдовчилик гувоҳномаси олган шахсларнинг маълумотлар базаси | |
| 38-20 | Маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг маълумотлар базаси | |

15. 43-1-позициянинг «Давлат ахборот ресурслари номи» устунидаги «Телекоммуникациялар» сўзлари «Телекоммуникацияларнинг маҳаллий тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. 43-1-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 43-2 — 43-9-позициялар қўшилсин:

| | | |
|---|---|---|
| 43-2 | Телекоммуникацияларнинг шаҳарлараро тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги |
| 43-3 | Телекоммуникацияларнинг халқаро тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | |
| 43-4 | Кўчма радиотелефон алоқаси тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | |
| 43-5 | Шахсий радиочақирув тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | |
| 43-6 | Маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | |
| 43-7 | Телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларни тарқатиш (узатиш) тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | |
| 43-8 | Радиочастоталар бўйича давлат комиссияси қарорлари бўйича маълумотлар базаси | |
| 43-9 | Базавий интерактив давлат хизматлари реестри | |

17. 50-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 50-1 — 50-6-позициялар қўшилсин:

| | | |
|---|---|---|
| 50-1 | Тижорат банкларига банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | Марказий банк |
| 50-2 | Тижорат банкларига, бошқа юридик ва жисмоний шахсларга хорижий валютада операциялар ўтказиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | |
| 50-3 | Қимматли қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун юридик шахсларга берилган лицензиялар реестри. | |
| 50-4 | Гаровхоналар фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | |
| 50-5 | Кредит уюшмалари фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | |
| 50-6 | Микрокредит ташкилотлари фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | |

18. 51-позициядан кейин қуйидаги мазмундаги 51-1-позиция қўшилсин:

| | | |
|---|---|---|
| 51-1 | Инвестиция лойиҳаларининг маълумотлар базаси | Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги |

19. Қуйидаги мазмундаги 52 — 115-позициялар қўшилсин:

| | | |
|---|---|---|
| 52 | Идораларда (вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар марказий муассасалар ва бошқаларда) сақланадиган ҳужжатлар таркиби тўғрисидаги маълумотлар базаси | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги |
| 53 | Қурилиш соҳасида амалдаги норматив ҳужжатларнинг кўрсаткичи | Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси |
| 54 | Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун юридик шахсларга берилган лицензиялар реестри | |

| | | |
|---|---|---|
| 55 | Қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш ҳуқуқи учун юридик шахсларга берилган лицензиялар реестри | Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси |
| 56 | Баландликларда саноат альпинизми усулида таъмирлаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун юридик шахсларга берилган лицензиялар реестри | |
| 57 | Кўприк-тоннелларни лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун юридик шахсларга берилган лицензиялар реестри | |
| 58 | Мудофаа объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун юридик шахсларга берилган лицензиялар реестри | |
| 59 | Хавфи юқори бўлган объектларни ҳамда потенциал хавфли ишлаб чиқаришларни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун юридик шахсларга берилган лицензиялар реестри | |
| 60 | Ер ости бойликлари тўғрисида геологик ва бошқа маълумотлар давлат фонди | Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси |
| 61 | Фойдали қазилмалар конларини аниқлаш учун истиқболли бўлган конлар ва ер ости бойликлари участкаларининг давлат реестри | |
| 62 | Фойдали қазилмалар, шу жумладан углеводородлар захираларининг давлат баланси | |
| 63 | Конлар, фойдали қазилмалар белгилари ва техноген минерал ҳосилалар давлат кадастри | |
| 64 | Давлат сув кадастри (ер ости сувлари) | |
| 65 | Табиий хавф юқори бўлган зоналар (хавфли геологик жараёнлар пайдо бўладиган зоналар) давлат кадастри | |
| 66 | Ер ости бойликлари участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун берилган лицензияларнинг давлат реестри | |
| 67 | Қимматли қоғозлар бозорида касбий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази |
| 68 | Аттестациядан ўтказилган шахслар (қимматли қоғозлар бозори мутахассислари)нинг ягона давлат реестри | |
| 69 | Республикада рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозларнинг ягона давлат реестри | |
| 70 | Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг давлат реестри | Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси |
| 71 | Биржа фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензияга эга бўлган биржалар реестри | |
| 72 | Товар-хом ашё биржаларида брокерлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун сертификатга эга бўлган мутахассислар реестри | |
| 73 | Кўчмас мулк бозорида брокерлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун сертификатга эга бўлган мутахассислар реестри | |
| 74 | Баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун сертификатга эга бўлган мутахассислар реестри | |
| 75 | Баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензияга эга бўлган мутахассислар реестри | |
| 76 | Соғлиқни сақлаш муассасалари реестри | Соғлиқни сақлаш вазирлиги |
| 77 | Фармацевтика фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | |
| 78 | Тиббий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун жисмоний шахсларга берилган лицензиялар реестри | |
| 79 | Тиббий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун юридик шахсларга берилган лицензиялар реестри | |
| 80 | Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг айланиши фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун юридик шахсларга берилган лицензиялар реестри | |
| 81 | Божхона омбори таъсис этиш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | Давлат божхона қўмитаси |
| 82 | Божсиз савдо дўконини таъсис этиш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | |
| 83 | «Эркин омборхона» божхона режимида омборхона таъсис этиш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | Давлат божхона қўмитаси |
| 84 | Ветеринария фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Давлат ветеринария бош бошқармаси |
| 85 | Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида гастроль-концерт фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси |
| 86 | Тўй, юбилей ва бошқа тантаналарда концерт хизмати кўрсатиш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | |

| | | |
|---|---|---|
| 87 | Гидротехника иншоотларининг давлат кадастри | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Катта ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат инспекцияси |
| 88 | Гиёҳвандликка оид содир этилган жиноятларни ҳисобга олиш маълумотлар банки | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази |
| 89 | Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган алоҳида хавфли ишлаб чиқариш объектлари давлат реестри | Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси |
| 90 | Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар, аварияларнинг маълумотлар базаси | |
| 91 | Қимматбаҳо ва нодир металлар, қимматбаҳо тошлар қазиб олиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун юридик ва жисмоний шахсларга берилган лицензиялар реестри | |
| 92 | Ионлаштирувчи нурланиш манбалари муомалада бўлиши соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун юридик ва жисмоний шахсларга берилган лицензиялар реестри | |
| 93 | Портловчи ва заҳарли моддаларни яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш ва реализация қилиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун юридик ва жисмоний шахсларга берилган лицензиялар реестри | |
| 94 | Олий аттестация комиссиясида тасдиқланган фан докторлари ва номзодларининг маълумотлар базаси | Олий аттестация комиссияси |
| 95 | Ахборотни криптографик ҳимоя қилиш воситаларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, реализация қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати |
| 96 | Таркибида қимматли ва рангли металлар, қимматли тошлар мавжуд бўлган иккиламчи ресурслар ва чиқиндиларни тайёрлаш, қайта ишлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металлар агентлиги |
| 97 | Маҳаллий ва халқаро ҳаво йўналишлари бўйича йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш, шунингдек аэропортлардаги ташиш ишларини бажарувчи ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш, авиация ишларини бажариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси |
| 98 | Грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазерли дискларни яратиш, ишлаб чиқариш, ёзиб олиш, кўпайтириш ва реализация қилиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 99 | Нефть маҳсулотларини АЁҚШ ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | |
| 100 | Улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри, республика ихтисослаштирилган база-конторалар, Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси таркибига кирувчи ҳудудий базалар, шунингдек «Матлуботсавдо» вилоят акциядорлик компаниялари томонидан амалга ошириладиган улгуржи савдо бундан мустасно | Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари |
| 101 | Магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси |
| 102 | Ягона энергетика тизимига уланадиган стационар электр станцияларида электр энергияси ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | |
| 103 | Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва реализация қилиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | |
| 104 | Нефть маҳсулотларини (автобензин, авиабензин, экстрабензин, дизель ёнилгиси, авиакеросин, мазут, печка қорамойи, нефть битуми, шунингдек техник мой ва мойлаш материалларини) реализация қилиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри, заводда идишларга жойланганлари бундан мустасно (нефть маҳсулотларини АЁҚШ ва мой алмаштириш пунктларида сотишдан ташқари) | |
| 105 | Маҳаллий ва халқаро темир йўл йўналишлари бўйича йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | |

| | | |
|---|---|---|
| 105 | Маҳаллий ва халқаро темир йўл йўналишлари бўйича йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси |
| 106 | Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича ҳаво транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | |
| 107 | Этил спирти ҳамда алкоголли маҳсулот ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | |
| 108 | Тамаки хом ашёсини ферментлаш ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | |
| 109 | Қимматбаҳо металлар ва тошлардан заргарлик буюмлари тайёрлаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | |
| 110 | Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | |
| 111 | Диний таълим муассасаларининг фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | |
| 112 | Бадиий ва хроникал-ҳужжатли, илмий-оммабоп, тасвирий, мультипликацион киновидеофильмлар ҳамда дастурлар ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | |
| 113 | Киновидеофильмларни ҳамда дастурларни кўпайтириш, дубляж қилиш ва реализация қилиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | |
| 114 | Киновидеомаҳсулотлар прокати фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | |
| 115 | Туризм фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган лицензиялар реестри | |

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ*

# ОЛИБ ЧИҚИЛАДИГАН ТОВАРЛАРНИНГ БОЖХОНА ҚИЙМАТИ ДЕКЛАРАЦИЯСИНИ ТЎЛДИРИШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМАНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 5 майда 1803-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 19-сон, 166-модда)*

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш ва декларациялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2007 йил 9 сентябрдаги 198-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 37-38-сон, 389-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қиймати декларациясини тўлдириш бўйича йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

***Давлат божхона қўмитаси раиси С.НОСИРОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 21 апрель*
*01-02/19-34-сон.*

***2008 йил 15 майдан кучга киради.**

*Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 21 апрелдаги 01-02/19-34-сон қарори билан ТАСДИҚЛАНГАН*

## ОЛИБ ЧИҚИЛАДИГАН ТОВАРЛАРНИНГ БОЖХОНА ҚИЙМАТИ ДЕКЛАРАЦИЯСИНИ ТЎЛДИРИШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш ва декларациялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2007 йил 9 сентябрдаги 198-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 37-38-сон, 389-модда) мувофиқ олиб чиқилаётган товарларнинг божхона қиймати декларациясини (бундан кейин БҚД деб юритилади) тўлдириш тартибини белгилайди.

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш, божхона тўловларини ҳисоблаш, декларант томонидан кўрсатилган божхона қийматини назорат қилиш ва божхона органлари томонидан божхона статистикасини юритиш мақсадида қўлланилади.

2. Товарни экспортга сотишда унинг «ДАФ — Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси» (DAF — «delivered at frontier») шартларига келтирилган қиймати олиб чиқилаётган товарнинг божхона қиймати ҳисобланади.

3. БҚД тегишли божхона юк декларациясининг (бундан кейин БЮД деб юритилади) иловаси бўлиб, усиз ҳақиқий ҳисобланмайди. БҚД ушбу Йўриқноманинг 5-бандида келтирилган ҳолатлардан ташқари Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилаётган барча товарлар учун тўлдирилади ва товарларнинг божхона расмийлаштирувини амалга ошираётган божхона органига БЮД билан бир вақтда тақдим этилади.

## II. БКД ВА УНИ ТЎЛДИРИШ ТАРТИБИ

4. БКД олти нусхада тўлдирилиб, булардан:

а) биринчи нусха — божхона органи ҳужжатларида сақланади;

б) иккинчи нусха — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси статистик ҳисоботи учун;

в) учинчи нусха — декларантга қайтариб берилади;

г) тўртинчи нусха — божхона тўловлари ҳисоботини юритувчи божхона органи учун;

д) бешинчи нусха — товарларни олиб чиқишда товар юк ҳужжатлари билан бирга товар қабул қилувчи давлатга юборилади.

е) олтинчи нусха — товар экспорт қилувчи учун.

5. БКД қуйидаги ҳолатларда тўлдирилмайди:

олиб чиқилаётган товарлар тўпламининг божхона қиймати 1 000 АҚШ долларига тенг қийматдан ошмаса (тижорат мақсадида олиб чиқилаётган товарлар бундан мустасно);

жисмоний шахслар томонидан уларнинг яшаш жойи ўзгарган тақдирда шахсий (хўжалик) мол-мулклари ҳисобланган товарлар олиб чиқилганда (шахснинг олдинги яшаш жойидан ҳисобдан чиқарилганлигини тасдиқловчи белги мавжуд бўлганда);

узоқ муддатли хизмат сафарига кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсий мулклари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетаётган бошқа давлатлар фуқароларининг Ўзбекистон Республикасига олиб кирган шахсий мулклари олиб чиқилганда;

тижорат фаолияти учун мўлжалланмаган намуналар, реклама материаллари, гуманитар ёрдам шаклидаги товарлар ва бошқа товарлар олиб чиқилганда;

6. БКД ушбу Йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ БКД-1 шаклида ёки Йўриқноманинг 2-иловасига мувофиқ БКД-2 шаклида тўлдирилади.

Олиб чиқиладиган товарнинг божхона қиймати қуйидаги асосларда белгиланаётган ҳолатларда БКД-1 шакли тўлдирилади:

а) олиб чиқилаётган товарнинг олди-сотди битими қиймати бўйича;

б) олиб чиқилаётган товарнинг ишлаб чиқарилиши ва сотилиши билан боғлиқ харажатлар акс этган сотувчи-экспорт қилувчининг бухгалтерия ҳисоби маълумоти бўйича;

в) олиб чиқилаётган товарни балансга кирим қилиш ва чиқариш тўғрисидаги бухгалтерия маълумотлари бўйича.

Бошқа ҳолатларда БКД БКД-2 шаклида тўлдирилади.

7. БКД-1 ва БКД-2 шаклларининг ҳар бири 2 та асосий варақлардан иборат: биринчи (олд) ва божхона қиймати ва унинг элементлари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатиладиган иккинчи варақ. БКД-1 ва БКД-2 шаклдаги декларациялар (асосий варақлар) биттадан учта тургача бўлган товарлар учун тўлдирилади. Учта турдан кўп товарлар учун қўшимча варақлардан фойдаланилади ва бу варақлар ҳам ўз навбатида биттадан учта тургача бўлган товарлар учун тўлдирилади.

БКД-1 ва БКД-2 шакл декларациясининг олд варағида кўрсатилган барча маълумотлар қўшимча варақларда кўрсатилган товарларга бутунлай тааллуқли бўлса, қўшимча варақлардан фойдаланиш мумкин. Қўшимча варақлар сифатида БКД-1 ва БКД-2 шаклларининг иккинчи варақларидан фойдаланилади.

8. БКД ва унинг қўшимча варақлари компьютер ёки ёзув машинасида давлат ёхуд рус тилларида тўлдирилади.

9. БКД ёки қўшимча варақларда ўчириб тўғрилаш ва устидан тузатишлар бўлмаслиги лозим. Декларант томонидан киритилган барча тузатишлар фақат декларант томонидан ёзувларни ўчириш ва керакли маълумотларни кўк ёки қора шарикли ручка билан устидан ёзиш орқали амалга оширилади. Ҳар қандай тузатишлар декларант жисмоний шахс бўлса, унинг имзоси билан, декларант юридик шахс бўлса, масъул ходимининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланиши лозим.

Тушунарсиз ҳолда, тузатишлар ва декларант томонидан тасдиқланмаган ўзгартиришлар билан тўлдирилган БКД божхона органлари томонидан қабул қилинмайди. БКДнинг (БКД-1 ва БКД-2 шакллари) ҳар бир варағи декларантнинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим.

### § 1. БКД-1 шаклини тўлдириш тартиби

10. Декларант томонидан қуйидаги устунлар тўлдирилади: 1(а), 1(б), 2, 3, 4(а), 4(б), 5, 6(а), 6(б), 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13(а), 13(б), 13(в), 14, 15(а), 15(б), 15(в), 16(а), 16(б), 16(в), 16(г), 17, 18, 19(а), 19(б), 19(в), 19(г), 19(д), 19(е), 19(ж), 19(з), 20, 21, 22, 23, 24.

11. 1(а)-«Сотувчи» устунида экспорт қилувчининг номи ва юридик манзили кўрсатилади. Агар товар жўнатувчи Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлса, корхона ва ташкилотларнинг умумдавлат таснифлагичи бўйича коди (КТУТ) (юридик шахслар учун) ёки солиқ тўловчининг идентификацион рақами (СТИР) (жисмоний шахслар учун) кўрсатилиши лозим.

1(б)-«Декларант» устунида товарни декларацияловчи ва тақдим этувчи юридик шахснинг номи, почта манзили ҳамда КТУТ бўйича коди ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми, шарифи, почта манзили ва СТИР кўрсатилади. Агар сотувчи декларант бўлса, 1(б)-устунга «1(а)-устунига қаранг» ёзуви билан ҳавола қилинади.

2-«Сотиб олувчи» устунида товарни сотиб олувчи импорт қилувчининг номи (фамилияси, исми, шарифи) ва почта манзили кўрсатилади.

3-«Етказиб бериш шарти» устунида товар етказиб бериш шартининг ҳарфларда қисқартирилган номи (Инкотермс 2000 асосида) ва географик жой номи кўрсатилади. Масалан: DAF — Сарағоч станцияси ва ҳ. к.

4(а)-«Ҳисоб-фактура ёки бошқа ҳужжатнинг рақами ва санаси» устунида товар олиб чиқиш учун асос бўлган ҳисоб-фактура (инвойс) ёки бошқа ҳужжатнинг рақами ва санаси кўрсатилади.

4(б)-«Шартнома рақами ва санаси» устунида товарни олиб чиқиш учун тузилган шартноманинг (битим, келишув), шунингдек, шартнома қўшимчасининг (агар шартнома қўшимчалари мавжуд бўлса) рақами ва санаси кўрсатилади.

5-«Қўшимча варақлар сони» устунида БКД-1 шаклига илова қилинган қўшимча варақлар сони кўрсатилади.

6(а), 6(б), 7, 8, 9, 10-устунлардаги керакли жавоб «Х» белгиси («Ҳа» ёки «Йўқ») билан белгиланади.

8, 9, ва 10-устунларда агар жавоб «Ҳа» бўлса, батафсил ёритилади, яъни мазкур шартнинг мазмуни келтирилади.

11-«Декларация имзолаган шахс» устунида 1(б) устунда кўрсатилган шахслар номидан товарларни декларациялаш ваколатига эга бўлган шахс Ф.И.Ш, эгаллаб турган лавозими ва телефон рақами кўрсатилади.

12-«Жой ва сана» устунида БКД-1 тўлдирилган жой ва сана кўрсатилади.

### § 2. БКД-1 шаклининг қўшимча варағини тўлдириш тартиби

12. БКД-1 шаклининг ҳар бир қўшимча варақларида учта тургача товарлар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади. Ҳар бир қўшимча варақда унинг тартиб рақами ва БКД-1 шаклининг рўйхатга олиш рақами кўрсатилади.

13. «Товар рақами» устунида БЮДнинг ёки унинг қўшимча варағининг айнан ўхшаш устунидаги тегишли товарнинг рақами ва ТИФ ТН коди кўрсатилади.

«Ҳисоб-китоб қилиш учун асос» А бўлимида товарнинг божхона қийматини аниқлаш учун асос бўлган амалда тўланган ёки тўланиши керак бўлган нарх ҳақида маълумотлар келтирилади. Агар товарнинг етказиб бериш шарти (3-устун) ва шартноманинг бошқа шартларига асосан мазкур нархга қўшиш ёки айириш талаб этилмаса, кўрсатилган нарх олиб чиқиладиган товарнинг божхона қийматига тенг бўлиши мумкин. Бундай ҳолда божхона қийматини белгилаш ва назорат қилиш тақдим этилган ҳужжатлар асосида, зарур ҳолларда амалда тўланган ёки тўлани-

ши лозим бўлган нархга тузатишлар киритиш (ўзаро боғлиқлик таъсири, шартлар ва чекловлар) орқали текшириш ва тасдиқлаш билан амалга оширилади. Бунда, А бўлимнинг 14-устунидаги жами 24 (а) устунида қайтарилади.

13(а)-«Товарнинг шартномада белгиланган валютадаги қиймати» устунида товарнинг сотувчига амалда тўланган ёки тўланиши лозим бўлган шартномада белгиланган валютадаги қиймати кўрсатилади.

13(б)-«Сотувчи — экспорт қилувчининг бухгалтерия ҳисобидаги маълумотлар бўйича товарнинг қиймати» устунида олиб чиқиладиган товарни ишлаб чиқариш ва сотишда қилинган харажатларни акс эттирувчи сотувчи — экспорт қилувчининг бухгалтерия ҳисоби асосида белгиланган товарнинг қиймати кўрсатилади.

13(в)-«Бухгалтерия маълумотлари бўйича товарнинг қиймати» устунида олиб чиқиладиган айнан ёки шунга ўхшаш товарларни кирим қилиш ва балансдан чиқариш тўғрисидаги бухгалтерия маълумотлари асосида аниқланган товарнинг қиймати кўрсатилади. Айнан ёки ўхшаш товарларни аниқлашда «Бож тарифи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19 ва 20-моддаларига амал қилиниши лозим.

14. «А бўлимда киритилмаган шартнома нархига қўшимча қўшишлар» Б бўлимида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 19 сентябрдаги 198-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 37-38-сон, 389-модда) билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш ва декларациялаш тартиби тўғрисидаги низом»нинг 5-бандида кўрсатилган ва тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган (товар олиб чиқиш учун асос бўлган ташқи савдо шартномаси ва бошқа ҳужжат, юк-кузатув, ҳисоб-китоб ва бошқа ҳужжатлар) шартнома нархига қўшишлар инобатга олинади.

14 — 18-устунлардаги барча маълумотлар сўмда келтирилади.

14-«Сотувчининг харажатлари» устунида 13(а), 13(б) ва 13(в) устунларида кўрсатилган товар нархига қўшилмаган сотувчининг харажатлари акс эттирилади.

14(а)-устунда агар олдиндан олди-сотди нархига сотувчи томонидан амалга оширилган воситачилик ва брокерлик тўловлари ва бошқа воситачилик хизматлари бўйича харажатлар киритилмаган бўлса, кўрсатилади. Агар БКД-1 шакли бир тўпламга кирувчи бир неча номдаги товарлар учун тўлдирилса ва шартнома шу тўпламдаги барча ёки бир неча товарларга тааллуқли бўлса, воситачилик, брокерлик ва бошқа воситачилик тўловлари 13(а), 13(б) ва 13(в) устунларида кўрсатилган ҳар бир номдаги товарлар ўртасида қиймати бўйича пропорционал равишда тақсимланади.

14(б)-устунда агар контейнерлар ва (ёки) бошқа кўп марталаб ишлатиладиган таpаларга товар номенклатурасига мувофиқ баҳоланаётган товар билан бир бутун сифатида қаралса, сотувчининг контейнерлар ва (ёки) бошқа кўп марталаб ишлатиладиган таpаларга қилган харажатлари кўрсатилади. Агар кўп марталаб ишлатиладиган таралардан фойдаланилса, унда бир неча бор товар етказиб беришда уларнинг нархи ҳар бир тўпламдаги товарлар миқдорига пропорционал равишда тақсимланади. Тарага қилинган харажатларнинг пропорционал равишда тақсимланиши (яъни унинг қийматини қисмларга бўлиб ҳар бир тўпламга ўтказиш) шартномада ўз аксини топган ёки бирор бир ҳужжат билан тасдиқланган бўлса, божхона органи томонидан қабул қилинади. Тара учун қилинган харажатларга тарани сотувчига қайтариш билан боғлиқ бўлган алоҳида тўланадиган харажатлар киритилмайди.

14(в)-устунда сотувчининг жойлаш, шу жумладан жойлаш материаллари ва жойлаш ишлари билан боғлиқ бўлган харажатлари кўрсатилади.

15-устунда олиб чиқиладиган товарларни ишлаб чиқариш ва/ёки экспортга сотиш учун сотиб олувчи бевосита ёки билвосита сотувчига бепул ёки пасайтирилган нарх бўйича кўрсатадиган хизматлар ва етказиб берадиган товарлар қиймати ўз аксини топади.

15(а)-устунда хом ашё, материаллар, деталлар, ярим тайёр фабрикатлар ҳамда олиб чиқиладиган товарнинг таркибий қисми ҳисобланадиган бошқа бутловчи қисмларнинг қиймати кўрсатилади. Сотувчи томонидан учинчи шахслардан уларни сотиб олишда тўланган нарх мазкур товарларнинг (хизматлар) қиймати ҳисобланади. Агар мазкур товарлар сотувчи ёки у билан боғлиқ шахс томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, сотувчининг тегишли бухгалтерия ҳужжатлари билан тасдиқланган ишлаб чиқариш қиймати уларнинг ишлаб чиқариш қиймати сифатида қабул қилинади. Агар сотиб олувчига сотувчи томонидан аввал ишлатилган товарлар тақдим этилса, уларнинг қиймати сотувчининг бухгалтерия маълумотлари асосида эскириш даражаси ҳисобга олинган ҳолда аниқланади. Агар сотувчи томонидан сотиб олувчига хом ашё, материаллар, деталлар, ярим тайёр фабрикатлар ҳамда олиб чиқиладиган товарнинг таркибий қисми ҳисобланадиган бошқа бутловчи қисмларни қайта ишлаш, етказиб бериш, сақлаш ва бошқа хизматлар кўрсатилган бўлса, мазкур хизматлар қиймати (божхона қийматини ҳисоблашда) уларни сотувчи томонидан ишлаб чиқарилган ёки сотиб олинган нархи эътиборга олинади.

15(б)-устунда олиб чиқиладиган товарларни ишлаб чиқаришда фойдаланилган инструментлар, штамплар, шакллар ҳамда бошқа шу каби жиҳозлар қиймати кўрсатилади.

15(в)-устунда олиб чиқиладиган товарларни ишлаб чиқаришда сарфланган ёрдамчи материаллар қиймати кўрсатилади.

15(г)-устунда сотувчи томонидан сотиб олувчига муҳандислик ишланмалари, тажриба-конструкторлик ишлари, дизайн, бадиий жиҳозлаш, олиб чиқиладиган товарларни ишлаб чиқариш учун бевосита зарур бўлган эскизлар ва чизмалар борасида кўрсатган хизматлари қиймати кўрсатилади.

16-устунда сотиб олувчи олиб чиқиладиган товарларни харид қилиш шартлари сифатида бевосита ёки билвосита амалга оширилиши керак бўладиган интеллектуал мулк объектларидан фойдаланганлик учун тўлаши керак бўлган лицензия тўловлари ва бошқа тўловлар.

17-устунда олиб чиқиладиган товарни кейинчалик бирон-бир тарзда қайта сотиш, тасарруф этиш ёки улардан фойдаланишдан олинган, товар Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқилгандан кейин сотувчига бевосита ёки билвосита тегишли бўладиган тушумларнинг исталган қисми қиймати эътиборга олинади.

18-«Товарни ... гача етказиб беришдаги харажатлар» устунида Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қийматини аниқлашда, товарни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидаги жойгача етказиб беришда амалда вужудга келадиган харажатлар инобатга олинади.

18(а)-устунда агар етказиб бериш шартига мувофиқ товарларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиш жойигача бўлган транспортда ташиш харажатлари баҳоланаётган товар нархига қўшилмаган бўлса, улар кўрсатилади. Исталган турдаги транспорт воситалари орқали товарларни етказиб беришда, божхона қийматига юкни транспортда ташиш даврида амалда бўлган тегишли транспортда ташиш тарифлари асосида ҳисоблаб чиқилган маблағ қўшилади. Агарда мазкур транспорт воситасида юкни ташиш бўйича ягона тариф ҳақида маълумотлар мавжуд бўлмаса, транспорт харажатларини ҳисоблаб чиқаришда харажатларнинг зарур моддалари ва элементларидан иборат транспорт харажатларини калькуляция қилиш бўйича бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланиш лозим. Агар БКД-1 бир неча турдаги товарлар учун тўлдирилса, олиб чиқиш жойигача бўлган транспорт харажатлари уларнинг оғирлигига пропорционал равишда тақсимланади.

18(б)-устунда Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиш жойигача амалга оширилган юклаш, тушириш, қайта юклаш ва ортиш-тушириш харажатлари баҳоланаётган товарнинг нархига қўшилмаган ва сотувчи томонидан алоҳида (қўшимча)тўланган бўлса, мазкур бандда ушбу харажатлар кўрсатилади. Агар БКД-1 бир неча турдаги товарлар учун тўлдирилган бўлса, юклаш, тушириш, қайта юклаш ва ортиш-тушириш харажатлари товарларнинг оғирлигига пропорционал равишда тақсимланади.

18(в)-устунда юкни суғурта тўлови кўрсатилади.

18(г)-устунда сертификатлаш ва экспертизадан ўтказиш бўйича хизматлар қиймати кўрсатилади.

18(д)-устунда товарни сақлаш учун тўловлар кўрсатилади.

18(е)-устун товарлар қайта экспорт қилинганда тўлдирилади. Бу устунда илгари Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб киришда тўланган божхона расмийлаштируви учун тўланган йиғимлар кўрсатилади.

18(ж)-устунда товарнинг қайта экспорт қилиниши сабабли қайтарилиши лозим бўлган тўловлар айирилган ҳолда божхона тўловлари суммаси кўрсатилади.

18(з)-устун товарлар қайта экспорт қилинганда тўлдирилади. Бу устунда бошқа харажатлар кўрсатилади.

19-«Сўмдаги жами» устунда 14(а), 14(б), 14(в), 15(а), 15(б), 15(в), 15(г), 16, 17, 18(а), 18(б), 18(в), 18(г), 18(д), 18(е), 18(ж), 18(з) - устунлардаги суммаларнинг жами кўрсатилади. Бунда, товарнинг баҳоланаётган нархига «А» бўлимда қўшилмаган ва божхона қийматига қўшилиши лозим бўлган қўшимча ҳисоблашлар ҳисобга олинади.

15. В «А бўлимнинг 2-устунида кўрсатилган қийматдан (сўмда) айириладиган суммалар» бўлимида агар ҳужжатлар (транспортда ташиш учун ҳисоб, транспорт харажатлари калькуляцияси ва бошқалар) билан тасдиқланган бўлса, шартнома нархидан товарни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан қайта олиб чиқилгандан кейин товарни мўлжал жойга етказиш билан боғлиқ амалга оширилган жами харажатлардан айирилиши лозим бўлган харажатлар кўрсатилиши мумкин.

20 — 23-устунлардаги барча маълумотлар сўмда кўрсатилади.

20-«..... дан кейинги ташиш харажатлари» устунида товарни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиш жойидан мўлжал жойгача бўлган ташиш харажатлари кўрсатилади. Мазкур устунда, ҳисоб-фактурасида алоҳида кўрсатилган ҳолда шартнома нархидан айириш мақсадида товарни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиш жойидан мўлжал жойгача бўлган ташиш харажатлари декларант томонидан келтирилиши мумкин.

Агар шартномада CIP (СИП), CPT (СПТ), DDP (ДДП), DDU (ДДУ), CIF (СИФ) етказиб бериш шартлари кўзда тутилган бўлса ва товарнинг фактура қийматига мўлжал жойгача етказиб бериш харажатлари қўшилса, мазкур харажатларни шартнома нархидан ажратиб олиш ёки Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидаги олиб чиқиш жойи ва шу жойдан мўлжал жойгача бўлган транспорт харажатларини алоҳида ҳисобга олиш мақсадида харажатларни ҳисоб-фактурасида ёки шартноманинг тегишли шартида алоҳида келтириш лозим.

Товарнинг мўлжал жойгача бўлган транспорт харажатлари бўйича ҳисоб-фактурасида харажатлар юқоридаги тартибда ажратиб кўрсатилмаган бўлса, божхона органига «чегарагача» бўлган харажат «мўлжал жойгача» бўлган харажатдан анча пастлигини тасдиқловчи асосланган маълумотлар тақдим этилсагина, товарларни «олиб чиқиш жойидан мўлжал жойгача» харажатлар ажратиб олиниши мумкин.

21-«Қайтарилиши лозим бўлган тўловлар» устунида товарлар қайта экспорт қилинаётганлиги сабабли қайтарилиши лозим бўлган тўловлар кўрсатилади.

22-«Сўмдаги жами» устунида 20 ва 21-устунларда кўрсатилган суммалар йиғиндиси келтирилади.

23(а)-устунда 13-устун + 19-устун − 22-устун тартибида ҳисобланган божхона қиймати сўмда кўрсатилади.

23(б)-устунда шартномада белгиланган валютада қайта ҳисобланган 23(а)-устунда кўрсатилган божхона қиймати кўрсатилади. Шартномада белгиланган валютада қайта ҳисоблаш А бўлимда кўрсатилган курс бўйича амалга оширилади. Агар шартнома бўйича ҳеч қандай ҳужжатда хорижий валюта тури кўрсатилмаган бўлса, 23(б) устунда маълумотлар АҚШ долларида келтирилади.

24-«Декларация имзолаган шахс» устунида 1(б) устунда кўрсатилган корхона номидан товарларни декларациялаш ваколатига эга бўлган шахс Ф.И.Ш, эгаллаб турган лавозими ва телефон рақами кўрсатилади.

### § 3. БКД-2 шаклини тўлдириш тартиби

16. Декларант 1(а), 1(б), 2, 3, 4(а), 4(б), 5, 6, 7, 8, 9, 10(а), 10(б), 10(в), 10(г), 10(д) ва 11-устунларни тўлдиради.

17. 1(а), 1(б), 2, 3, 4(а), 4(б) - устунлар ушбу Йўриқнома талаблари асосида БКД-1 шаклидаги декларациянинг тегишли устунларини тўлдириш тартиби бўйича тўлдирилади.

5-«Қўшимча варақлар сони» устунида БКД-2 шаклига илова қилинган қўшимча варақлар сони кўрсатилади.

6-устунда божхона қийматини аниқлашга асос бўлган маълумот манбаси «Х» белгиси билан белгиланади.

7-устунда божхона органи томонидан 6-устунда белгиланган маълумотлар манбаси тавсифланади.

8-«Декларация имзолаган шахс» устунида 1(б) устунда кўрсатилган корхона номидан товарларни декларациялаш ваколатига эга бўлган шахс Ф.И.Ш, эгаллаб турган лавозими ва телефон рақами кўрсатилади.

9-«Жой ва сана» устунида БКД-2 тўлдирилган жой ва сана кўрсатилади.

### § 4. БКД-2 шаклининг қўшимча варағини тўлдириш тартиби

18. Ҳар бир варақда учтагача товарлар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши мумкин. Ҳар бир қўшимча варақда унинг тартиб рақами ва БКД-2 шаклининг рўйхатга олиш рақами кўрсатилади.

19. «Товар рақами» устунида БЮДнинг ёки унинг қўшимча варағининг айнан ўхшаш устунидаги тегишли товарнинг рақами ва ТИФ ТН коди кўрсатилади.

10(а)-устунда олиб чиқиладиган айнан ёки шунга ўхшаш товарларнинг ташқи савдо шартномалари бўйича нархлари кўрсатилади.

10(б)-устунда олиб чиқиладиган айнан ёки шунга ўхшаш товарлар қиймати (таннархи) калькуляцияси бўйича нархлар кўрсатилади.

10(в)-устунда айнан ёки шунга ўхшаш товарлар учун нархларнинг биржа котировкалари бўйича нархлари кўрсатилади.

10(г)-устунда тегишли минтақавий бозорлардаги олиб чиқилаётган товарлар бўйича нархлар кўрсатилади.

10(д)-устунда олиб чиқиладиган товарларнинг белгиланган тартибда амалга оширилган товар-қиймат экспертизаси маълумотлари бўйича нархлар кўрсатилади.

11-«Декларация имзолаган шахс» устунида 1(б) устунда кўрсатилган корхона номидан товарларни декларациялаш ваколатига эга бўлган шахс Ф.И.Ш, эгаллаб турган лавозими ва телефон рақами кўрсатилади.

## III. БОЖХОНА ОРГАНИ ТОМОНИДАН БКДни ТЎЛДИРИШ ВА РЎЙХАТГА ОЛИШ

20. Божхона органлари томонидан БКД шакли асосий ва қўшимча варақларининг «БЮДнинг рўйхатга олиш рақами» ва «божхона қайдлари учун» бандлари тўлдирилади. БКД ҳар бир нусхасининг асосий ва қўшимча варақларидаги «божхона қайдлари учун» устунида БКДнинг рўйхатга олиш рақами қўйилади, шунингдек, божхона қийматини назорат қилувчи мансабдор шахс декларацияни текшириши натижасида тегишли маълумотларни қайд этади, шахсий рақамли муҳри ва имзоси билан тасдиқлайди.

21. Божхона органи БКДни БЮД билан бир вақтда

рўйхатга олади. Бунда илова қилинган БҚДга БЮДнинг рўйхатга олиш рақами (99999 /99.99.99 /999999) кўчириб ёзилади. БҚД текшириб бўлингандан сўнг, унинг асосий ва қўшимча варақлари «хизмат қайдлари учун» бандига БҚДнинг рўйхатга олиш рақами қўйилади ва БҚД текширувини амалга оширган инспекторнинг имзоси ва шахсий рақамли муҳри билан тасдиқланади. Олд варағида божхона органининг белгиланган божхона қиймати бўйича қарори ва товарни декларант фойдаланишига тақдим этиш шакли тўғрисида ёзиб қўйилади.

22. Божхона қиймати декларацияси тўғри тўлдирилган, божхона қийматини аниқлаш усули декларант томонидан қўлланилган ва маълумотлар ўрнатилган тартибда ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда, БҚД ҳар бир варағининг «божхона қайдлари учун» бандида «божхона қиймати қабул қилинди» белгиси қўйилади ва БҚДни қабул қилган мансабдор шахснинг имзоси ва шахсий рақамли муҳри билан тасдиқланади.

23. БҚДнинг асосий ва қўшимча варақларининг бирорбир устунида декларант томонидан кўрсатилиши лозим бўлган маълумотлар учун етарли жой бўлмаса, ушбу маълумотлар БҚДнинг асосий ва қўшимча варақлари орқа томонига тегишли устуни кўрсатилган ҳолда қўшимча равишда ёзилишига рухсат этилади. Бундай ёзув декларантнинг имзоси билан тасдиқланади ва БҚДнинг тегишли устунларида «варақ орқасида» ёзуви кўрсатилади.

## IV. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

24. Божхона қийматини кўрсатишда декларант томонидан тақдим этиладиган ва унинг томонидан тижорат сири ёки махфий деб белгиланадиган ахборотдан божхона органи томонидан фақат божхона мақсадлари учун фойдаланилади ва декларантнинг рухсатисиз уларнинг учинчи шахсларга берилиши мумкин эмас, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

25. Тижорат сири ёки махфий ҳисобланадиган ахборотни ошкор қилганлик учун божхона органи ва унинг мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона
қиймати декларациясини тўлдириш
бўйича йўриқномага
1-ИЛОВА

**Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қиймати декларациясининг**
**БКД-1 шакли**

*ТИПОГРАФИК рақам*

**ЎЗБЕКИСТОН - UZBEKISTAN**

**ОЛИБ ЧИҚИЛАДИГАН ТОВАРЛАРНИНГ БОЖХОНА ҚИЙМАТИ ДЕКЛАРАЦИЯСИ**

| Божхона учун нусха | **АСОСИЙ ВАРАҚ** | **БКД-1 ШАКЛИ** |
|---|---|---|
| | 1(а). Сотувчи — КТУТ / СТИР | БЮД рўйхатга олиш рақами |
| | | Божхона қайдлари учун |
| | 1(б). Декларант — КТУТ / СТИР | 3. Етказиб бериш шарти |
| | | 4(а). Товар олиб чиқишга асос бўлган ҳисоб-фактура ёки бошқа ҳужжатнинг рақами ва санаси |
| | 2. Сотиб олувчи | 4(б). Шартноманинг рақами ва санаси (шартнома мавжуд бўлса) |
| | Керакли жавоб Х белгиси билан белгиланади | 5. БКД-1 шаклига илова қилинган қўшимча варақлар сони |

6(а). Харидор ва сотувчи бир-бирига боғлиқ шахслармиꓽ ___ Ҳа ___ Йўқ
6 (б). Бундай ўзаро боғлиқлик битим қийматига таъсир этганми? ___ Ҳа ___ Йўқ

7. Харидорнинг товарларни тасарруф этиши ёки улардан фойдаланиш ҳуқуқига тааллуқли чекловлар мавжудми? (қонун ҳужжатларида белгиланган ёки товар қийматига жиддий таъсир кўрсатувчи чекловлар бундан мустасно) __ Ҳа __ Йўқ

8. Товарни сотиш ва битим қиймати таъсирини ҳисобга олиш мумкин бўлмаган шартларга риоя этилишига боғлиқ ҳолатлар мавжудми? __ Ҳа __ Йўқ
Агар «Ҳа» бўлса, тафсилотларни кўрсатинг.

Намуна

9. Сотиб олувчи олиб чиқиладиган товарларни харид қилиш шартлари сифатида бевосита ёки билвосита амалга оширилиши керак бўладиган интеллектуал мулк объектларидан фойдаланганлик учун тўлаши керак бўлган лицензия тўловлари ва бошқа тўловлар мавжудми? __Ҳа __Йўқ
Агар «Ҳа» бўлса, тафсилотларни кўрсатинг, 16-устунда тегишли суммани кўрсатинг.

10. Ўзбекистан Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқилган товарни кейинчалик қайта сотиш, тасарруф этиш ёки ундан фойдаланишдан келган тушумнинг бевосита ёки билвосита сотувчига тегиши керак бўлган исталган қисмининг қийматини қайтариш билан боғлиқ шартлар мавжудми? __ Ҳа __ Йўқ
Агар «Ҳа» бўлса, тафсилотларни кўрсатинг, 17-устунда тегишли суммани кўрсатинг.

12. Жой:

Сана:

11. Декларация имзолаган шахс лавозими:
Фамилияси, исми, шарифи :
Телефон:

| **Д И Қ Қ А Т!** | |
|---|---|
| **Декларант божхона қийматини тасдиқлаш учун тақдим этилган ҳужжатлардаги ва ушбу шаклда кўрсатилган барча маълумотлар учун қонунчиликка мувофиқ жавобгар ҳисобланади. Декларант божхона расмийлаштируви жараёнида маълум қилинган қийматни тасдиқловчи қўшимча ҳужжатларни ўз вақтида божхона органига тақдим этиши шарт.** | Декларант имзоси ва муҳри |

**ОЛИБ ЧИҚИЛАДИГАН ТОВАРЛАРНИНГ БОЖХОНА ҚИЙМАТИ ДЕКЛАРАЦИЯСИ**

**Божхона учун нусха**

| **ҚЎШИМЧА ВАРАҚ № _____** | **БҚД-1 ШАКЛИ** | | |
|---|---|---|---|
| БЮДнинг рўйхатга олиш рақами | Товар рақами | Товар рақами | Товар рақами |
| Божхона қайдлари учун | Товар коди | Товар коди | Товар коди |
| **«Ҳисоб-китоб асоси «А»** | | | |
| 13(а). Товарнинг шартномада белгиланган валютадаги қиймати (амалда тўланган ёки тўланиши лозим бўлган қиймати) | | | |
| Валюта коди<br>Қайта ҳисоблаш курси | | | |
| 13(б) олиб чиқиладиган товарларни ишлаб чиқариш ва сотиш учун қилган харажатларини акс эттирувчи сотувчи – экспорт қилувчининг бухгалтерия ҳисоби маълумотлари. | | | |
| Валюта коди<br>Қайта ҳисоблаш курси | | | |
| 13(в) Олиб чиқиладиган айнан ёки ўхшаш товарларни кирим қилиш ва балансдан чиқариш тўғрисидаги бухгалтерия маълумотлари. | | | |
| Валюта коди<br>Қайта ҳисоблаш курси | | | |
| **«Б» «А бўлимида ҳисобга олинмаган шартнома нархига қўшишлар»** | | | |
| 14. Сотувчининг харажатлари: | | | |
| 14(а) воситачилик ва брокерлик тўловлари; | | | |
| 14(б) контейнерлар ва (ёки) бошқа кўп марталаб ишлатиладиган таралар нархлари, агар уларга ТИФ ТНга мувофиқ баҳоланаётган товар билан бир бутун сифатида қаралса; | | | |
| 14(в) жойлаш қиймати, шу жумладан жойлаш материаллари ва жойлаш ишлари билан боғлиқ харажатлар. | | | |
| 15. Олиб чиқиладиган товарларни ишлаб чиқариш ва/ёки экспортга сотиш учун сотиб олувчи бевосита ёки билвосита сотувчига бепул ёки пасайтирилган нарх бўйича кўрсатадиган хизматлар ва етказиб берадиган товарлар қийматининг тегишли қисми: | | | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 15(а) хом ашё, материаллар, деталлар, ярим тайёр фабрикатлар ва олиб чиқиладиган товарнинг таркибий қисми ҳисобланадиган бошқа бутловчи қисмлар; | | | |
| 15(б) инструментлар, штамплар, шакллар ва олиб чиқиладиган товарларни ишлаб чиқаришда фойдаланилган бошқа шу каби жиҳозлар; | | | |
| 15(в) олиб чиқиладиган товарларни ишлаб чиқаришда сарфланган ёрдамчи материаллар; | | | |
| 15(г) муҳандислик ишланмалари, тажриба-конструкторлик ишлари, дизайн бадиий жиҳозлаш, олиб чиқиладиган товарларни ишлаб чиқариш учун бевосита зарур бўлган эскизлар ва чизмалар. | | | |
| 16. Сотиб олувчи олиб чиқиладиган товарларни харид қилиш шартлари сифатида бевосита ёки билвосита амалга оширилиши керак бўладиган интеллектуал мулк объектларидан фойдаланганлик учун тўлаши керак бўлган лицензия тўловлари ва бошқа тўловлар. | | | |
| 17. Олиб чиқиладиган товарни кейинчалик бирон-бир тарзда қайта сотиш, тасарруф этиш ёки улардан фойдаланишдан олинган, товар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқилгандан кейин сотувчига бевосита ёки билвосита тегишли бўладиган тушумларнинг исталган қисми қиймати. | | | |
| 18. Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиш жойигача бўлган ташиш харажатлари: | | | |
| 18(а) транспортировка қилиш нархи; | | | |
| 18(б) юклаш, тушириш, қайта юклаш ва ортиш-тушириш харажатлари; | | | |
| 18(в) суғурталаш тўлови ; | | | |
| 18(г) сертификатлаш ва экспертизадан ўтказиш бўйича хизматлар қиймати; | | | |
| 18(д) товарни сақлаш учун тўловлар; | | | |
| 18(е) божхона расмийлаштируви учун чиқимлар (товарлар реэкспорт қилинганда); | | | |
| 18(ж) товарнинг реэкспорт қилиниши сабабли қайтарилиши лозим бўлган тўловлар айирилган ҳолда божхона тўловлари; | | | |
| 18(з) бошқа харажатлар. | | | |
| **19. Сўмдаги жами «Б»** | | | |
| **«В» «А» бўлимнинг 2-устунида кўрсатилган қийматдан (сўмда) айириладиган суммалар** | | | |
| 20. ЎзР. божхона ҳудудидан олиб чиқиш жойидан мўлжал жойгача бўлган ташиш харажатлари | | | |
| 21. Товарлар реэкспорт қилинаётганлиги сабабли қайтарилиши лозим бўлган тўловлар. | | | |
| **22. Сўмдаги жами «В»** | | | |
| **23. Кўрсатилган божхона қиймати:** | | | |
| **а) сўмда** | | | |
| **б) шартномада белгиланган валютада** | | | |
| 24. Декларация имзолаган шахснинг лавозими :<br>Фамилияси, исми, шарифи :<br>Телефон: | | | |

| ДИҚҚАТ! | |
|---|---|
| **Декларант божхона қийматини тасдиқлаш учун тақдим этилган ҳужжатлардаги ва ушбу шаклда кўрсатилган барча маълумотлар учун қонунчиликка мувофиқ жавобгар ҳисобланади. Декларант божхона расмийлаштируви жараёнида маълум қилинган қийматни тасдиқловчи қўшимча ҳужжатларни ўз вақтида божхона органига тақдим этиши шарт.** | Декларантнинг имзоси ва муҳри<br><br>Сана |

Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қиймати декларациясини тўлдириш бўйича йўриқномага
2-ИЛОВА

**Олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қиймати декларациясининг БКД-2 шакли**

Намуна

*ТИПОГРАФИК РАҚАМ*

**ЎЗБЕКИСТОН-UZBEKISTAN**

**ОЛИБ ЧИҚИЛАДИГАН ТОВАРЛАРНИНГ БОЖХОНА ҚИЙМАТИ ДЕКЛАРАЦИЯСИ**

| Божхона учун нусха | **АСОСИЙ ВАРАҚ** | **БКД-2 ШАКЛИ** |
|---|---|---|
| | 1(а) Сотувчи — КТУТ / СТИР | БЮД рўйхатга олиш рақами |
| | | Божхона қайдлари учун |
| | 1(б) Декларант — КТУТ / СТИР | 3. Етказиб бериш шарти |
| | | 4(а). Товар олиб чиқишга асос бўлган ҳисоб-фактура ёки бошқа ҳужжатнинг рақами ва санаси |
| | 2. Сотиб олувчи | 4(б). Шартнома рақами ва санаси (агар шартнома мавжуд бўлса) |
| | Керакли жавоб X белгиси билан белгиланади | 5. БКД-2га илова қилинган қўшимча варақлар сони |

6. Декларантда мавжуд бўлган маълумотлар асосида товарнинг божхона қиймати нархланади:

а) олиб чиқиладиган айнан ёки ўхшаш товарлар бўйича ташқи савдо шартномалари нархлари; ☐

б) олиб чиқиладиган айнан ёки ўхшаш товарлар қиймати (таннархи) калькуляцияси бўйича нархлар; ☐

в) айнан бир хил ёки ўхшаш товарларни биржа нархлари котировкаси; ☐

г) тегишли минтақавий бозорлардаги олиб чиқилаётган товарлар бўйича нархлар; ☐

д) ўрнатилган тартибда амалга оширилган олиб чиқиладиган товар бўйича товар-қиймат экспертизаси маълумоти бўйича нархлар . ☐

| | |
|---|---|
| 7. Божхона қиймати аниқланган маълумотлар манбаси тавсифланади.: | 9. Жой: |
| 8. Декларация имзолаган шахс лавозими:<br>Фамилияси, исми, шарифи :<br>Телефон: | Сана: |
| **ДИҚҚАТ!**<br>**Декларант божхона қийматини тасдиқлаш учун тақдим этилган ҳужжатлардаги ва ушбу шаклда кўрсатилган барча маълумотлар учун қонунчиликка мувофиқ жавобгар ҳисобланади. Декларант божхона расмийлаштируви жараёнида маълум қилинган қийматни тасдиқловчи қўшимча ҳужжатларни ўз вақтида божхона органига тақдим этиши шарт.** | Декларант имзоси ва муҳри |

## ОЛИБ ЧИҚИЛАДИГАН ТОВАРЛАРНИНГ БОЖХОНА ҚИЙМАТИ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

| Божхона учун нусха | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | **ҚЎШИМЧА ВАРАҚ № ____** | **БКД-2 ШАКЛИ** | | |
| | БЮД рўйхатга олиш рақами | Товар рақами | Товар рақами | Товар рақами |
| | Божхона қайдлари учун | Товар коди | Товар коди | Товар коди |
| | **Ҳисоблаш учун асос: Божхона органи тегишли қарорининг№ ______ ва санаси__** | | | |
| | 10(а) олиб чиқиладиган айнан ёки ўхшаш товарлар бўйича ташқи савдо шартномалари нархлари: | | | |
| | а) келишувдаги валюта | | | |
| | б) сўмда | | | |
| | 10(б) олиб чиқиладиган айнан ёки ўхшаш товарлар қиймати (таннархи) калькуляцияси бўйича нархлар. | | | |
| | а) ҳужжатда кўрсатилган валюта | | | |
| | б) сўмда | | | |
| | 10(в) айнан ёки ўхшаш товарлар учун нархларнинг биржа котировкалари бўйича нархлари: | | | |
| | а) ҳужжатда кўрсатилган валюта | | | |
| | б) сўмда | | | |
| | 10(г) тегишли минтақавий бозорлардаги олиб чиқилаётган товарлар бўйича нархлар; | | | |
| | а) ҳужжатда кўрсатилган валюта | | | |
| | б) сўмда | | | |
| | 10(д) белгиланган тартибда амалга оширилган олиб чиқиладиган товар бўйича товар-қиймат экспертизаси маълумоти бўйича нархлар. | | | |
| | а) ҳужжатда кўрсатилган валюта | | | |
| | б) сўмда | | | |

Намуна

| | |
|---|---|
| 11. Декларация имзолаган шахс лавозими:<br>Фамилияси, исми, шарифи:<br>Телефон: | |
| **ДИҚҚАТ!**<br>**Декларант божхона қийматини тасдиқлаш учун тақдим этилган ҳужжатлардаги ва ушбу шаклда кўрсатилган барча маълумотлар учун қонунчиликка мувофиқ жавобгар ҳисобланади. Декларант божхона расмийлаштируви жараёнида маълум қилинган қийматни тасдиқловчи қўшимча ҳужжатларни ўз вақтида божхона органига тақдим этиши шарт.** | Декларант имзоси ва муҳри<br><br>Сана |

# «NORMA» нашриёти

## тадбиркорлар, бухгалтерлар, аудиторлар, юристлар ва барча хоҳловчиларга Ўзбекистон Республикасининг ҳамма минтақаларига етказиб бериш билан китобларни харид қилишни таклиф этади!

Харид қилиш учун бизнинг оммавий офертамиз – ушбу сонда чоп этилаётган таклифдан фойдаланинг.

## ОММАВИЙ ОФЕРТА

1. «NORMA» МЧЖ, бундан кейин **Ношир** деб номланади, мазкур таклиф билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган (яшайдиган) ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширадиган, бундан кейин **Харидор** деб номланадиган субъект билан босма маҳсулотни етказиб бериш шарти билан олди-сотди шартномасини *(бундан кейин – Шартнома)* тузишга тайёрлигини билдиради, мазкур субъект ушбу оммавий оферта чоп этилган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қуйида таклиф қилинаётган шартларни тўлиқ (танланган босма маҳсулотни ҳисобга олган ҳолда) ва сўзсиз қабул қилганлигини баён этади. Ношир ва Харидор биргаликда Тарафлар деб номланадилар.

2. Харидор мазкур Шартнома шартлари қабул қилинган тақдирда Ноширни ушбу оммавий оферта шартлари бўйича харид қилишга розилигини унинг ажралмас қисми ҳисобланган мазкур Шартномага иловага кўра шакл бўйича тўлдирилган буюртма-нома-акцептни (бундан кейин – Акцепт) юбориш йўли билан хабардор қилади.

Акцептнинг барча устунлари тўлиқ, қисқартиришларсиз, тушунарли, босма ҳарфлар билан тўлдирилиши керак. Акцепт **244-44-29, 232-18-80, 244-44-45** факслари орқали ёки почта билан **100011, Тошкент ш., Навоий кўч., 22, «NORMA» МЧЖ** манзилига юборилади.

Факсимил ёзишма юридик кучга эгадир.

3. Шартнома Ношир томонидан Акцепт олинган пайтдан бошлаб тузилган деб тан олинади ва кучга киради ҳамда Тараф томонидан унинг шартлари бажарилган пайтгача амал қилади.

4. Шартноманинг умумий суммаси Харидор томонидан Акцептда танланган нашрлар қиймати билан белгиланади.

5. Харидор нашрлар қийматини Ноширга Акцепт юборилган пайтдан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида 100% олдиндан тўлаши шарт.

6. Ношир унинг ҳисоб-китоб рақамига пул маблағлари келиб тушганидан кейин ва Акцепт мавжуд бўлганида Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга киришади.

7. Ношир тегишли ҳудудий почта бўлимлари орқали (ёки бошқа усул билан) ўз маблағлари ҳисобига Харидор томонидан танланган нашрларни Акцептда кўрсатилган манзил бўйича Харидорга етказиб беришни ташкил қилади.

8. Етказиб бериш муддати – Ноширнинг ҳисоб-китоб рақамига пул маблағлари келиб тушган пайтдан бошлаб 20 (йигирма) иш куни.

Харидорнинг хоҳишига кўра нашр бевосита Ноширнинг офисида олинган тақдирда Харидорнинг вакили белгиланган шаклда унинг номига расмийлаштирилган ишончнома топширади ва ўз паспортини тақдим этади.

9. Шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун Тарафлар Фуқаролик кодекси, 1998 йил 29 августдаги 670-I-сон «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг қоидаларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

10. Харидор Акцептда манзилни нотўғри кўрсатган тақдирда Ношир Харидор олдида Шартнома шартларини бажариш учун жавобгар бўлмайди.

11. Харидор мазкур Шартноманинг 5-бандида кўрсатилган ҳақ тўлаш шартларига риоя қилмаган тақдирда Ношир Харидор билан келишмасдан нашр қийматини ўзгартира олади.

12. Шартномани тузишдан кейин Тарафлар олдиндан кўра олмаган, оқилона чоралар билан олдини олишга қодир бўлмаган, фавқулода тусдаги воқеалар натижасида вужудга келган енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатлари бошланиши оқибатида Тарафлар Шартнома шартларини бажармаса ёки лозим даражада бажаролмай қолса, улар жавобгар бўлмайдилар.

13. Форс-мажор ҳолатлари бошланганлиги тўғрисида Тарафлар бир-бирларини улар бошланган пайтдан бошлаб 7 (етти) кун мобайнида хабардор қилишлари керак.

14. Шартнома шартларини бажариш чоғида вужудга келиши мумкин бўлган барча низолар ва ихтилофларни Тарафлар музокаралар ва келишув таомиллари йўли билан ҳал қиладилар. Келишувга эришилмаганда низо хўжалик ёки ҳакамлик судининг кўришига (Тарафларнинг розилиги билан) топширилиши керак.

15. Мазкур оммавий офертада таъкидланмаган шартлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

16. **Ноширнинг реквизитлари:**
**«NORMA» МЧЖ**
100011, Тошкент, Абай кўчаси, 4;
Тошкент ш. ЎзКДБ банкдаги
ҳисоб-китоб рақами
20208000304424322001,
МФО 00842, СТИР 205697778,
ХХТУТ 87100
Тел. (371) 244-89-17;
Факс: 244-44-29, 232-18-80.

***Баҳодир ҚАЮМОВ,***
***«NORMA» МЧЖ директори.***

*Ҳуқуқий маслаҳат*

# КЕЛИН КУЁВНИ ЯХШИ ТАНИЙДИМИ?

## ЁКИ НИКОҲЛАНУВЧИ ШАХСЛАРНИ ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА АҲАМИЯТИ ҲАҚИДА

***Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб келажагимиз бўлган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, баркамол авлодни тарбиялашга катта аҳамият бериб келинмоқда. 1998 йилнинг «Оила йили», 2000 йилнинг «Оналар ва болалар йили», 2001 йилнинг «Соғлом авлод йили», жорий йилимизнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши бунинг яққол далилидир.***



Ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маънавий бой ва жисмонан соғлом қилиб тарбиялашнинг самарали тизимини амалга ошириш «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган асосий вазифалардандир. Соғлом болаларни тарбиялаш кўп жиҳатдан турмуш қураётган ёшларнинг соғлиғини мустаҳкамлашга, уларда ирсий ёки юқумли касалликлар бор-йўқлигини аниқлаб, уларни ўз вақтида даволаш чораларини кўришга боғлиқ. Бу вазифани бажаришда никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш муҳим аҳамият касб этади.

Амалиётда никоҳланувчи шахслар кўпинча тиббий кўрикдан ўтишга етарлича эътибор бермайдилар, бунинг натижасида тўйдан кейин икки ёш ўртасида турли тушунмовчиликлар вужудга кела бошлайди. Касалликдан бехабар бўлган эр ёки хотин уни даволаш чораларини ўз вақтида кўрмаганлиги сабабли оилада туғма касалликларга чалинган болаларнинг туғилиши кузатилади. Юқоридаги ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, соғлом оилани шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрдаги «Айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунига асосан Оила кодексининг 17-моддасига ўзгартириш киритилди. 17-модданинг янги таҳририда никоҳланувчи шахслар давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул асосда тиббий кўрикдан ўтишлари, кўрикдан ўтиш ҳажми ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши кўрсатилган. Оила кодексининг 17-моддаси ижросини таъминлаш мақсадида республика ҳукумати 2003 йил 25 августдаги 365-сон қарор билан Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги низомни тасдиқлади. Мазкур Низомнинг амал қилиши никоҳланувчи шахсларнинг фуқаролигидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этувчи органлар томонидан рўйхатдан ўтказиладиган барча никоҳларга жорий этилади. Никоҳланувчи шахслар руҳий касалликлар (шизофрения, эпилепсия, олигофрения) наркологик касалликлар; таносил касалликлари; сил касаллиги; ОИВ/ОИТС юзасидан тиббий кўрикдан ўтадилар.

ФҲДЁ органлари никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтиши учун улар яшаш жойидаги соғлиқни сақлаш тизимининг тегишли тиббиёт муассасаларига юборишади. ФҲДЁнинг йўлланмаси бўлган ҳолдагина никоҳланувчи шахслар ўзлари яшайдиган жойдаги психиатр, шифокор, нарколог, тери-таносил касалликлари шифокорлари, фтизиаторлар томонидан бепул кўрикдан ўтказилади.

Тиббий кўрикдан ўтиш муддати никоҳланувчи шахслар тиббиёт муассасасига мурожаат қилган кундан бошлаб икки ҳафтадан ошмаслиги керак. Уларнинг тиббий кўрик натижалари тиббиёт муассасасининг хулоса-маълумотномасида акс эттирилади. Бу ҳужжат ўз навбатида тиббиёт муассасасининг муҳри ва раҳбар имзоси билан тасдиқланади. Никоҳни қайд этар экан, ФҲДЁ органлари никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтганликларига ва уларнинг ушбу текшириш натижаларидан ўзаро хабардорлигига ишонч ҳосил қилиши керак.



Мабодо никоҳланувчи шахсларда дарҳол даволаниши талаб қилинадиган касалликлар аниқлангудек бўлса, улар белгиланган тартибда тегишли даволаш муассасаларига юборилади.

Агар никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш чоғида уларнинг биттаси ёки ҳар иккаласида юқорида номи келтирилган касалликлар аниқланса, томонларнинг ушбу текшириш натижаларидан хабардорлиги тасдиқлангандан кейингина никоҳ қайд этилади.

Шуни унутмаслик кераккки, никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказган шифокор қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бу натижаларнинг холислиги учун шахсан жавоб беради.

Никоҳланувчи шахслар эллик ёшдан ошган бўлсалар, тиббий кўрикдан ўтказиш фақат уларнинг хоҳишига кўра амалга оширилади.

Соғлом оилани шакллантириш, жисмонан ва руҳан соғлом фарзандларнинг туғилиши учун шарт-шароитлар яратиш ҳақида гапирар эканмиз яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ ҳақида ҳам тўхталиб ўтишни жоиз деб топдик. Ўзбек оилаларида қариндошлар қуда бўлса, қариндошлик муносабатлари янада мустаҳкамланади, ажралиш ҳолатларига йўл қўйилмайди деган тушунча мавжуд. Оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ака-ука, опа-сингил, ака-сингилларнинг фарзандлари, яъни амакивачча, холавачча, аммавачча, тоғаваччалар ўртасидаги никоҳни тақиқламайди, лекин тиббиёт нуқтаи назаридан бу қариндошлар ўртасида никоҳ тузиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки қон яқинлиги ногирон, заиф ва руҳан носоғлом болалар туғилиши эҳтимолини кўпайтиради. Болалар соғлом туғилган тақдирда ҳам, уларнинг болаларида ирсият билан боғлиқ касалликлар учраши мумкин. Шунинг учун ҳам ота-оналар, никоҳ тузмоқчи бўлган ёшлар ҳозирги замон генетикаси ютуқлари ва хулосаларига таянган ҳолда яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларга кўп рағбат кўрсатмасликлари мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлардим.

***Лаълихон ҲОЖИХОНОВА,***
***Тошкент юридик коллежи ўқитувчиси.***



# МАЛАЙЗИЯДА СОЛИҚЛАР КАМ, ҚУЁШ НУРИ ЭСА МЎЛ

***Малайзиялик бухгалтерларни дунёдаги энг бахтиёр мутахассислар сирасига киритса бўлади, негаки улар ажойиб табиати ва мўътадил солиқ муҳити билан ажралиб турадиган мамлакатда яшашади. Биргина камчиликлари – маошлари кўп эмас, аммо Осиёнинг жаннати дея таърифланувчи бу диёрда пулга кўпда эътибор беравермайдилар.***

Малайзия монархияга асосланган давлат бўлиб, унда яшовчи 26 миллиондан ортиқ аҳолининг фикрича, бу жаҳондаги энг демократик мамлакатдир. Майдони қарийб 330 минг квадрат километрни ташкил этувчи ўлкада малайликлар, ҳиндлар, тамиллар, хитойлар, португаллар, инглизлар аҳил яшашади. Ранг-баранг маданиятларнинг бағоят уйғунлигида бағрикенглик ва хайрихоҳлик мужассам. Малайзия 13 штатдан иборат федерация бўлиб, штатларнинг ўн биттаси Малакка ярим оролида, иккитаси эса Борнео оролида жойлашган. Малайзия қироли асосан ҳар хил маросимларда пешволик қилади, бошқарувнинг асосий вазифалари эса парламент ҳамда вазир томонидан адо этилади.

*Малайзияликлар рақамларга ихлос билан қарашади. Улар баъзи болалари исмини рақам билан атайдилар ҳам. Шу сабабли Малайзия маъмурлари чақалоққа бериш мумкин бўлмаган номлар рўйхатини тузишга мажбур бўлдилар. Бу тақиқланган исмлар рўйхатига 007 ва 314 сингари «исмлар» ҳам киритилган.*

### СОЛИҚЛАР КЎП ЭМАС

Юқорида айтилганидек, Малайзия бухгалтерларининг омади чопган: улар қўшимча қиймат солиғини ҳисоблаш устида бош қотиришмайди, бу борада ташкилот чегирмага ҳақли эканлигини исботлаш ташвишидан ҳам улар батамом ҳоли. Зотан Малайзияда бундай тўловнинг ўзи йўқ. Умуман бу мамлакатнинг солиқ солиш тизими соддалиги билан ажралиб туради. Унда бошқа мамлакатларда кенг кўламда қўлланиладиган солиқ турларининг аксарияти, шу жумладан мол-мулк солиғи йўқ. Бир тарафдан, ишлаб чиқарувчиларга бериладиган салмоқли имтиёзлар Малайзия ишлаб чиқарувчилари рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилса, иккинчи тарафдан, маблағ жамлаш ва инвестициялашни рағбатлантиради. Малайзия корхоналари тўлайдиган **асосий солиқ корпоратив солиқ** бўлиб, унинг ставкаси 28 фоизни ташкил этади. Лекин шу солиқ бўйича ҳам имтиёзлар кўп. Масалан, янги тузилган корхоналар фаолият соҳасига қараб бу солиқдан 5–10 йил муддатга тўлиқ ёки қисман озод қилинади; юқори технология маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар эса бундай солиқдан батамом озод қилинади; ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилган инвестицияларга шу солиқ солинмайди. Малайзия корхоналари корпоратив солиқдан ташқари импорт товарларини ҳамда ўз мамлакатларида ишлаб чиқарилган товарларни **сотганлик учун солиқ** тўлайдилар. Бундай солиқ ставкалари адвалор тарзда (фоиз ҳисобида), баъзан эса ўзига хос йўсинда, яъни муайян аниқ суммада белгиланади. Савдо-сотиқ солиғининг умумий ставкаси 10 фоиз, вино-ароқ маҳсулотларига 20 ва сигаретларга 25 фоиз этиб белгилаган.

Хизмат кўрсатишнинг барча турларидан 5 фоизли ставка бўйича **хизмат кўрсатиш солиғи** тўланади. Маҳсулотларни экспорт қилиш билан боғлиқ хизматлардан, масалан йўлдаги товарларни суғурта қилишдан олинган даромадлар юзасидангина бундай солиқ тўланмайди. Малайзияда сигаретларга, вино-ароқ маҳсулотлари ва автомобилларга **акциз солиғи** жорий этилган. Малайзия иқтисодиётида нефть муҳим роль ўйнайди: нефть ишлаб чиқарувчилар 38 фоизли ставка бўйича **нефть солиғи** тўлайдилар.

Мамлакат аҳолиси **ўз даромадларидан** ҳисоблаб чиқариладиган солиқ ортиб бориш хусусиятига эга эканлиги боис 1–28 фоиз ставкаси бўйича ундирилади. Фуқаролар бирон бир мол-мулк ёки кўчмас мулкни сотаётганда **мулк савдосидан келадиган даромаддан солиқ** тўлашлари керак, бундай солиқ ставкаси мол-мулкка ёки қимматли қоғозларга ҳақиқий эгалик қилиб турилган пайтга қараб 5 фоиздан 30 фоизгача белгиланади. Резидент жисмоний шахслар, агар бундай мулкка олти йил ва ундан кўпроқ муддат мобайнида эгалик қилган бўлсалар, бу солиқдан озод қилинадилар, юридик шахслар эса бундай ҳолларда 5 фоизли ставка билан шундай солиқ тўлайдилар.

### МАЛАЙЗИЯЧА ҲИСОБ

Малайзияда бухгалтерия ҳисоби ҳисобга олишнинг маҳаллий тизимига мувофиқ равишда олиб борилади. Бу тизим шу соҳадаги халқаро стандартларга асосланади. Молиявий ҳисобот стандартлари бўйича Малайзия кенгаши ҳал этишга ҳаракат қилаётган асосий муаммо маҳаллий қоидаларни молиявий ҳисобот бўйича халқаро стандартларга тўлиқ мувофиқлаштиришдан иборатдир. Гап шундаки, ана шу ҳар иккала стандарт бир-биридан унча кўп фарқ қилмаса-да, уларнинг баъзи қоидалари бир-бирига зиддир. Худди шу нарса Малайзия кенгашини жуда ташвишлантирмоқда. Бугунги кунда Малайзияда молиявий ҳисоботнинг тўртта стандарти амал қилмоқда ва бу стандартлар қандай ишлаб чиқилган бўлса, худди шу кўринишда амал қилиб келаётир. «Суғурта шартномалари», «Молиявий дастаклар», ва «Операцион сегментлар» деб аталувчи учта стандартлар эса молиявий ҳисобот бўйича халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилмоқда. Бундан ташқари ҳозирги вақтда халқаро кўламдаги ана шундай стандартлардан яна бештаси маҳаллий талқинда тақдим этиш учун қараб чиқилмоқда. Малайзиядаги бухгалтерия ҳисоби тизими Британия-Америка моделига асосланган бўлиб, унга кўра бухгалтерия ҳисоботига инвесторлар ва кредиторлар учун ахборот олишнинг асосий манбаи деб қаралади. Деярли барча компаниялар қимматли қоғозлар бозорида иштирок этади, шу боис улар ўзларининг молиявий аҳволлари тўғрисида холис ва мукаммал ахборот беришдан манфаатдордирлар. Мазкур модель дастлабки қиймат бўйича ҳисобга олиш принципидан фойдаланишни тақозо этади. Инфляциянинг таъсири айтарлик катта эмас деб ҳисоблангани учун ҳам хўжалик операциялари (реализация қилиш, харажатлар, молиявий активлар олиш) битим тузилаётган пайтдаги баҳоларда акс эттирилади. Банк бухгалтерия ҳисоби эса инвестициялардан келган фойдани кредитор билан қарздор ўртасида тақсимлаш принципи асосида юритилади. Кредит операцияларининг иккита тури бор. Мудараба турида молиявий компания ресурсларни депозит ҳисобварақларига жалб этади ҳамда аниқ шартлашиб олинган фойда улуши эвазига уларни турли лойиҳаларга киритади, бунда иш фойда ўрнига зарар келтиргудек бўлса, фақат қарздорнинг ўзи талафот кўриб қолаверади. Мушарака деб аталувчи иккинчи тизимда инвесторлар капитал маблағ киритишни халфана тарзида амалга оширадилар ва олинган даромадни ёки кўрилган зарарни ҳар бир иштирокчининг улуши микдорига мутаносиб равишда ўзаро тақсимлайдилар.

*Малайзияда корпоратив солиқни яқин вақтлар ичида 28 фоиздан 26 фоизга пасайтириш мўлжалланмоқда. Шу йўл билан ҳукумат рақобатлашув қобилиятини оширмоқчи.*



### ОДАТЛАРИ ҚИЗИҚ

Солиқ солиш тизими содда эканлигига қарамай, малайзиялик солиқ тўловчиларни намунали деб бўлмайди. Солиқларни тўламаслик бўйича жаҳон рекорди худди шу мамлакатда ўрнатилган дейиш мумкин. Малайзияда шу давлат ташкил топган 1940 йилдан буён ҳеч қанақа солиқ, коммунал хизматлар учун ҳеч қандай ҳақ тўламаётган қишлоқ топилган. Гап шундаки, бу қишлоқ иккита район чегарасида жойлашган бўлиб, ҳар иккала маҳаллий маъмурлар шу кунгача уни қўшни район таркибига киради деб ҳисоблаб келишган. Эндиликда қишлоқнинг ҳудудий мансублиги белгиланган, 66 йиллик боқимандаликдан кечиб юборилган. Лекин қишлоқ аҳолиси бундан хурсанд эмас, чунки келгусида ҳам улар биронта солиқ тўлаш истагида эмас. Айтмоқчи, бюджет солиқ тўловлари билан тўлдирилишини назорат қилиб борадиганларни, журналистларнинг тахминича, жуда ҳалол деб бўлмайди.

### БУНИСИГА НИМА ДЕЙСИЗ

Яхши муҳит халқни бўшаштириб юбормаслиги учун бўлса керак, Малайзия ҳукумати баъзан ҳар хил чигалликларни ўйлаб топмоқда. Чунончи, Малайзиянинг Келантан штати бош вазири ташаббус билан чиқиб, давлат хизматчиларига маошни ҳар ойда эмас, ҳар кунида тўлаб боришни таклиф этди. Унинг фикрича, вазирлик ва идоралардаги 5 мингдан ортиқ маҳаллий хизматчи, янги қонун кучга кирса, анчагина афзалликка эга бўлади. Биринчидан, штатда яшайдиган ҳар бир одам ҳар куни муайян миқдорда пулга эга бўлади ва шу зайл бошқалардан қарз олиш зарурати барҳам топади. Иккинчидан, бундай ёндашув кўпчиликда пулни харж қилишга муносабатни ўзгартиради, уларни тежамкорроқ бўлишга ундайди. Маҳаллий маъмурларнинг ана шу ташаббуси штатнинг кундалик ҳаётида акс этаётган бошқа ўзгаришлар билан бир қаторда туради. Бу ерда хусусан мамлакатнинг туб ерли аҳолиси вакилларига спиртли ичкиликлар сотиш ман этилган. Бундан ташқари қиморбозликка асосланган ҳар қандай ўйинлар, шунингдек бильярд, караоке тизимидан фойдаланган ҳолда қўшиқ айтиш ман этилган. Маъмурларнинг фикрича, булар одамда ҳар хил қусурлар ривож топишига олиб келар экан. Малайзия туризм вазири, масалан, ўз мижозларига нисбатан қўполлик қилган барча такси ҳайдовчиларини йўқ қилиш керак деб ҳисоблайди. Унинг айтишича, такси ҳайдовчиларининг қўполлиги ва фирибгарлиги мамлакатда миллий кулфат даражасига етмоқда. Вазир мижозларга хизмат кўрсатиш стандартлари яхшиланмаган барча компанияларга алоҳида солиқ жорий этишга ҳукумат мажбур бўлади деб огоҳлантиради.

### КУРОРТ ҲАЁТИ

Малайзияга боришга туристлар жуда ўч. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади, чунки бу ерда хизмат европача, баҳолар эса осиёчадир. Тўғри, курорт ҳаётининг барча жозибадор тарафларидан баҳраманд бўлишга маҳаллий аҳолининг баъзан қурби етмайди. Малайзияда маош кўп эмас, меҳнатга тўланадиган ҳақнинг ўртача йиллик миқдори 13 200 ринггитни (қарийб 3 минг долларни) ташкил этади. Бундай пулга тузукроқ дам олиш қийин, шу сабабли ҳамма нарсадан тежаб-тергаб фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Даромаддаги тафовутга қарамай, турист бўлиб келган меҳмонларга малайзияликлар очиқ чеҳра билан, дўстона муносабатда бўладилар. Туристлар Малайзияда ўзларини тамомила бехатар ҳис этишлари мумкин. Мабодо бирон ҳодиса рўй берган тақдирда ҳам дарҳол полицияга мурожаат этиш зарур. Аёллар айниқса туристик зоналар доирасидан ташқарида ўзларини сипороқ тутишлари шарт. Бу ерда диний масалада баҳс-мунозара қилмаслик керак. Чунки Малайзияда дин мавзуси жуда нозик масала бўлиб, бу мавзуда гаплашиш тақиқланади. Буни сира унутмаслик керак.

# ЭСКИ ҚАРЗЛАР КЕЧИРИЛМАЙДИ

*Хорижий тажриба*

***Солиқчилар фирмаларга жорий қарзлари мавжуд бўлган тақдирда уларнинг қарзи йўқлиги ҳақидаги маълумотномани беришни рад этишяпти. Бироқ россиялик инспекторлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланганидек бюджетга қайтарилиши лозим бўлмаган узоқ муддатли қарзлари мавжуд компанияларга нисбатан ҳам шундай чоралар қўлланилмоқда.***

### МАҚБУЛ ЕЧИМ

Солиқчилар қонун бўйича ундирилишининг иложи бўлмаган солиққа оид боқимондаларни олишга имконият яратувчи усулни ихтиро қилдилар. Энди, агар қарздор компанияга унинг қарзи йўқлиги ҳақидаги маълумотнома зарур бўлиб қолса, унга боқимондани сўндирмагунига қадар бундай ҳужжат берилмайди. Уларнинг ҳисоблашича, бундай таъсир ўтказиш механизми ашаддий солиқ тўламайдиганларга қарши самарали курашишга имконият яратади. Зеро фирмаларга турли тендерлар, танловларда иштирок этишлари учун, шунингдек кредит олиш чоғида кўпинча маълумотнома керак бўлади. У инспекцияга маълумотнома олиш учун мурожаат қилганда, унинг қарзини таъкидловчи ҳужжатни олади. Солиқлардан бўйин товловчиларга бундай вазиятдан чиқиб кетишнинг икки усули таклиф қилинади: эски қарзни сўндириб, маълумотнома олиш ёхуд тендер ёки танловда иштирок этишдан бош тортиш. Кўпчилик ташкилотлар вақтни тежаш ва фойдали буюртмани олиш мақсадида қарзларини тўлашга мажбур бўладилар.

Шундай бўлсада, айни қарзи йўқлиги ҳақидаги маълумотнома талаб этиладиган тендерда қатнашишдан солиқчиларнинг ўзлари ҳам манфаатдордирлар. Зеро танловда ғолиб бўлган тақдирда ташкилотнинг пул айланмалари ортади, натижада корхона томонидан давлат бюджетига ҳисоблаб ўтказиладиган маблағлар миқдори ҳам ошади.

### ҚЎШИМЧА ҚИЙИНЧИЛИКЛАР

Ҳатто бухгалтер қарзни сўндирган тақдирда ҳам, маълумотнома дарҳол унинг қўлига келиб тушишига умид қилмаслиги лозим. Гап шундаки, солиқларнинг бюджетга ўтказилганлигини тасдиқлаш учун бироз вақт керак бўлади. Бундан ташқари, солиқчиларга ўз ҳисобрақамларига ўтказилган маблағлар тасдиғи керак. Шу боис, ҳатто агар бухгалтер инспекторга тўлов топшириқномаси ёки тўлов квитанциясининг кўчирма нусхасини тақдим этган тақдирда ҳам, барибир маълумотнома беришдан бош тортишлари мумкин.

Мавжуд муаммоларда фақат инспекторни айблаш тўғри бўлмайди. Зеро, агар фирма солиқларни ўз вақтида тўлаб турганда, солиқчилар билан муаммолар юзага келмаган бўларди. Корхоналарнинг кўпчилиги қарзларини давлатга қайтаришни хоҳлашмаяпти. Бироқ салмоқли компаниялар аслида қарздор бўлишга йўл қўймасликлари керак, чунки бу уларнинг мавқеига ҳалокатли таъсир қилиши мумкин. Солиқлардан бўйин товловчилар билан контрагентлар ҳам ҳамкорлик қилишни хоҳлашмаса керак. Шунинг учун мутахассислар, агар компания тўлов ҳақидаги илтимосномани олган бўлса, солиққа оид боқимондаларни тўлиқ сўндиришни тавсия қиладилар. Бу узундан-узоқ текшириш-муҳокамалардан холи бўлиш имкониятини яратади.

*Хорижий матбуот материалларидан.*










www.pc.uz - Ўзбекистон компьютер бозоридаги талаб ва таклиф





**• РЎЙХАТЛАР**

***Тошкент шаҳар хўжалик суди томонидан 2008 йил 19 майда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 53-моддасига мувофиқ Яккасарой туманидаги қуйидаги хўжалик юритувчи субъектларни тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди ва тугатиш ҳаракати бошланди:**

| Корхона номи | Қарор рақами |
|---|---|
| "LOANA" ХК | 10-0870/5217(21) |
| "SODRUJESTVO TUR" ХК | 10-0870/5218(21) |
| "VAKIL KORUS" МЧЖ | 10-0870/5219(21) |
| "LEON BIZNES" ХК | 10-0870/5220(21) |
| "SHAKRUS" ХК | 10-0870/5221(21) |
| "SELON" ХК | 10-0870/5222(21) |
| "YDA-ASIA" ШК | 10-0870/5223(21) |
| "SUN LUCK" МЧЖ | 10-0870/5224(21) |
| "KAPITAL MIR" МЧЖ | 10-0870/5225(21) |
| "УЛ СУРАЙЁ" МЧЖ | 10-0820/5226(21) |

Мазкур корхоналарнинг дебитор ва кредиторлик даъволари 2 ой муддат мобайнида Яккасарой тумани Ҳокимияти тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинади. Корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари бекор қилинади.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2008 йил 7 майдаги 10-0816/4375-сонли ҳал қилув қарорига асосан Ҳамза туманидаги "MAKS BIZNES NIRA" МЧЖ ҳамда 2008 йил 13 майдаги 10-0816/4038-сонли ҳал қилув қарорига асосан "LOCHIRA MAK" МЧЖ банкрот деб эълон қилинди ва тугатишга оид ишлар бошланди. Тугатиш бошқарувчиси этиб Ҳамза туман ДСИ ходими Ф.Каримов тайинланди. Ушбу корхонага алоқадор шахс ва корхоналар 2008 йил 1 августга қадар ўз мурожаатларини қуйидаги манзилга билдиришлари мумкин: Тошкент ш., Паҳлавон Маҳмуд 2-тор кўчаси, 6-уй, Ҳамза туман ДСИ биноси, 311-хона.

***

***Тошкент шаҳар хўжалик суди томонидан 2008 йил 21 майда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 53-моддасига мувофиқ Яккасарой туманидаги қуйидаги хўжалик юритувчи субъектларни тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди ва тугатиш ҳаракати бошланди:**

| Корхона номи | Қарор рақами |
|---|---|
| "SESTA" МЧЖ | 10-0801/5480 |
| "MEBELGARAD LYUKS" ХК | 10-0801/5479 |
| "BIZNES INFO SERVIS" МЧЖ | 10-0801/5478 |
| "BEST PASTIME" МЧЖ | 10-0801/5477 |
| "FLAMI" МЧЖ | 10-0801/5476 |
| "YASSI KARNOK" ХК | 10-0801/5485 |
| "UZINNKO" МЧЖ | 10-0801/5484 |
| "VAFO" МЧЖ | 10-0801/5483 |
| "ANNEX" МЧЖ | 10-0801/5482 |
| "GREEN SERVIS" МЧЖ | 10-0801/5481 |
| "SG MUALLIF" ХК | 10-0801/5490 |
| "KANZAROS" МЧЖ | 10-0801/5489 |
| "PARVOZTRANS" ХК | 10-0801/5488 |
| "LEGION ALFA" МЧЖ | 10-0801/5487 |
| "MEGA PERSONAL ELIT" МЧЖ | 10-0801/5486 |

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари бекор қилинади. Корхоналарнинг дебитор ва кредиторлик даъволари 2 ой муддат мобайнида Яккасарой тумани Ҳокимияти тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинади.

**Бўлғуси тақдимот маросимлари, кўргазмалар, матбуот анжуманлари ҳақидаги матбуот-релизларни, хабарнома-таклифномаларни «СБХ» таҳририятига 244-44-45 телефон-факси орқали жўнатишингиз мумкин.**







Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100000, Тошкент ш.,
Ҳ.Олимжон майд., 10а.
E-mail: normapress@mail.ru

Навбатчи муҳаррир: Нодир Алимов



*Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи-назарига мос келавермайди. Чоп этилган тавсиялар, тушунтиришлар, жумлалар, фактлар, статистик маълумотлар, реклама эълонларининг аниқлигига жавобгарлик материал муаллифи зиммасига юкланади.*

*Таҳририят огоҳлантирадики, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун таҳририят жавобгар эмас. Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.*

*"Норма маслаҳатчи"да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат "Norma" МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.*



Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "O'zbekiston" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди (Тошкент ш., А.Навоий кўч., 30).
Буюртма J5347. Адади 6555. Баҳоси келишилган нархда
**Газета 2008 йил 29 майда соат 18.30 да топширилди.**